



ISSN 2181-39-65

2023-YIL, 1-SON

VOLUME 2

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI

TOSHKENT 2023

TAHRIRIYAT KENGASHI

To'lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent moliya instituti rektori, iqtisod fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – tahririyat kengashi raisi o'rribosari. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, texnika fanlari doktori, professor

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – Toshkent moliya instituti ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent moliya instituti o'quv ishlari bo'yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent moliya instituti moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – Toshkent moliya instituti ilmiy tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash boshqarmasi boshlig'i, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xoshimov Elmurod Abdusattorovich – O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Jo'rayev Abdug'affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabihevich – Farg'ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta'lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailiya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruvi, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu'min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo’rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas’ul muharrir, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Buxorova Moxira Samandarovna – ma’sul kotib



MUNDARIJA

Byudjet va g‘aznachilik

1	Nuritdinova Vasila Shavkatovna	Davlat moliyaviy nazorati tizimini takomillashtirish masalalari	6
2	Fozilchayev Shukhratjon Kobiljon ugli	Transformation of state budget and tax policy risks	17

Moliya va moliyaviy texnologiyalar

3	Шермухамедов Акмал Комилжонович	Дивидендная политика в корпоративных структурах Республики Узбекистан	28
---	---------------------------------	---	----

Bank ishi

4	Pardayeva Zulfizar Alimovna, Sharipova Shohida Abdunabiyevna	Tijorat banklarida kreditlashni tashkil etish tartibi va takomillashtirish yo'llari	35
---	--	---	----

Buxgalteriya hisobi, tahlil va audit

5	Очилов Илёс Келдиёрович, Умиров Абдисалом Тўраевич	Суғурта ташкилотларининг молиявий таҳлил методологиясини МХХС талаблари бўйича такомиллаштириш	47
---	--	--	----

Investitsiya

6	Хошимов Собир Муртазаевич	Иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва хуқуқий-иқтисодий шарт-шароитлар Qishloq xo‘jaligini rivojlanirishda investitsiyalarning o‘rni	58
7	Raimjanova Madina Asrarovna	Инвестицияларни молиялаштиришда ислом молияси моделининг асосий хусусиятлари	70
8	Аминова Нилуфар Умарбой қизи	Инсон капиталига инвестициялар назарий асослари	80
9	Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна	Qayta tiklanadigan energiyani yaratish loyihibalarini ishlab chiqish va boshqarish	95
10	Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li	108	

Raqamli iqtisodiyot

11	Azizova Manzura Ibragimovna, Ishanxodjayeva Dilfuza Erkinovna	Raqamli iqtisodiyotning muammo va istiqbollari	116
----	---	--	-----

12	Бабаджанов Шопулат Шомашрабович	Применение принципа наименьшего действия в экономике	126
13	Рахматов Бахриддин Бурибоевич	Янги Ўзбекистонда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатига концептуал ёндашув	137

Iqtisodiyot va ta'lim

13	Рахматов Бахриддин Бурибоевич	Янги Ўзбекистонда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатига концептуал ёндашув	137
----	--	--	------------

DAVLAT MOLIYAVIY NAZORATI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

Nuritdinova Vasila Shavkatovna

*moliya kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
E-mail: vasilanuritdinova@gmail.com
ORCID:0000-0002-6530-9311*

Annotations

Ushbu maqolada davlat moliyaviy resurslarining chegaralanganligi sharoitida byudjet tashkilotlari moliyasini samarali tashkil etish va boshqarish, xarajatlarni rejalashtirishning ilg‘or, byudjet mablag‘larini oqilona taqsimlash va ishlatishga qaratilgan yangi usullarini amaliyatga tadbiq etish masalalari yoritilgan, shuningdek davlat moliyaviy nazorati tizimini yanada takomillashtirish masalalari bo‘yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so‘zlar: davlat moliyaviy resurslari, byudjet tashkiloti, davlat moliyaviy nazorati, byudjet mablag‘lari, moliyaviy nazorati departamenti, “fuqarolar byudjeti” dasturi, byudjetdan tashqari mablaglar.

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ

Nuritdinova Vasila Shavkatovna

*доцент кафедры финансов
Ташкентский финансовый институт
E-mail: vasilanuritdinova@gmail.com
ORCID:0000-0002-6530-9311*

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы эффективной организации и управления финансами бюджетных организаций в условиях ограниченности государственных финансовых ресурсов, внедрения в практику прогрессивных, направленных на рациональное распределение и использование бюджетных средств новых методов планирования расходов, а также даются рекомендации по вопросам дальнейшего совершенствования системы государственного финансового контроля.

Ключевые слова: государственные финансовые ресурсы, бюджетное учреждение, государственный финансовый контроль, бюджетные ассигнования, департамент финансового контроля, программа “Гражданский бюджет”, внебюджетные фонды.

ISSUES OF FURTHER IMPROVEMENT OF STATE FINANCIAL CONTROL

Nuritdinova Vasila Shavkatovna.

Associate Professor
of Finance Department
Tashkent institute of Finance
E-mail: vasilanuritdinova@gmail.com,
ORCID:0000-0002-6530-9311

Abstract

The article discusses the issues of effective organization and financial management of budgetary organizations in conditions of limited state financial resources, the introduction of progressive, new methods of expenditure planning aimed at rational allocation and use of budgetary funds, and also provides recommendations on further improvement of the system of state financial control.

Keywords: state financial resources, budgetary institution, state financial control, budget allocations, department of Financial Control, program “Civil budget”, extra-budgetary fund.

Kirish

So’nggi yillarda davlat moliyasini isloh qilish loyihasini amalga oshirish doirasida byudjetdan molialashtiriladigan sohalar va tarmoqlarda ham bir qator o‘zgarishlar sodir bo‘lmoqda. Bu o‘zgarishlar byudjet tashkilotlarining xarajatlarini bazaviy xarajat me’yorlari asosida rejalashtirish usullarining qo‘llanishi, davlat byudjetining g‘azna ijrosi mexanizmlarining joriy etilishi, byudjet mablag‘lari hisobidan davlat xaridlarini tashkil etish tartiblarining belgilanishi va byudjet tashkilotlarini byudjetdan tashqari mablaglarni jalg qilishni tobora ko‘proq rag‘batlantirilishi bilan bog‘liq bo‘lmoqda. Davlat tomonidan mablag‘ bilan ta’milanadigan qator ijtimoiy sohalar: ta’lim, sog‘liqni saqlash, madaniyat, ijtimoiy ta’minot, davlat boshqaruvi organlari, muassasa va tashkilotlari byudjet tashkiloti maqomida faoliyat qiladi. Ular moliyasini tashkil etish Vazirlar Mahkamasining tegishli qarorlari, Iqtisodiyot va moliya vazirligining buyruqlari va tegishli tarmoq vazirliklarining me’yoriy hujjatlari

bilan belgilab qo‘yilgan va quyidagilar nazarda tutilgan:

«Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash va yillik inflatsiya darajasini 2023yilgacha bosqichma-bosqich 5 foizgacha pasaytirish.

Davlat byudjeti taqchilligini qisqartirish va 2023yildan yalpi ichki mahsulotga nisbatan uning 3 foizdan oshib ketmasligini ta’minlash.

Har bir tuman byudjetining kamida 5 foizini “Fuqarolar byudjeti” dasturi doirasida aholining takliflari asosida eng dolzarb muammolarni yechishga sarflashni tashkil qilish.

Davlat qarzini boshqarishda yiliga yangi jalb qilingan tashqi qarz miqdori 4,5 milliard AQSh dollaridan oshib ketmasligini ta’minlash” [1].

Shu bilan birga, bugungi kunda jahon hamjamiyatida kechayotgan inqirozlar ta’sirida barcha turdag'i resurslarning, shu jumladan, markazida byudjet mablag‘lari bo‘lgan davlat moliyaviy resurslarining chegaralanganligi sharoitida byudjet tashkilotlari moliyasini samarali tashkil etish va boshqarish, xarajatlarni rejalashtirishning ilg‘or, byudjet mablag‘larini oqilona taqsimlash va ishlatishga qaratilgan yangi usullarini amaliyatga tadbiq etish bugungi kunda davlat moliyaviy resurslaridan foydalanish amaliyotidagi dolzarb masalalardan hisoblanadi.

Hammamizga ma'lumki, bugungi kunda byudjet mablag‘larini maqsadli sarflash bo‘yicha muammolar borligi, ortiqcha to‘lov, mablag‘larning boshqa yo‘nalishlarga sarflanishi, turli korruption holatlar bir qator vazirliklar faoliyatida yuz berayotganligi ayni haqiqat. Shuningdek, bizda hozir ham Hisob palatasi, ham Iqtisodiyot va moliya vazirligining tekshirish nazorati bor. Davlat audit tizimini shakllantirish, kengaytirish maqsad qilingan. Davlat moliyaviy nazorati departamenti faoliyati ham cheklangan. Ular hududlardagi hokimiylatlarga bo‘ysunadi, desak ham bo‘ladi. Huquqni muhofaza qiluvchi davlat organlari topshirig‘ini ko‘proq bajaradi. Ular ustidan nazorat qiluvchi, topshiriq beruvchi organlar ko‘p. Bu kabi muammolarning mavjudligi ushbu tizim faoliyatini qaytadan ko‘rib chiqish darkorligini asoslaydi.

Adabiyotlar sharhi

Bugungi kunda “moliyaviy nazorat” tushunchasi qator mahalliy va xalqaro olimlar tomonidan o’rganilgan.Ular olib borgan nazariyalar, tadqiqotlar aks etgan nashrlarni tahlil qilish orqali “moliyaviy nazorat” tushunchasi haqida bildirilgan turli fikr-mulohazalarning bir nechta o‘rganib chiqildi. Oliy nazorat organlari xalqaro tashkiloti (INTOSAI)ning IX Kongressida 1977 yilda qabul qilingan "Xalqaro Lima deklaratsiyasi"ning 1-moddasida shunday izoh berilgan: ”Nazorat davlat moliyaviy resurslarini boshqarishning majburiy elementi hisoblanadi, natijasi esa jamiyat oldidagi javobgarlikni yuzaga keltiradi” [4].

Rossiyalik olimlari esa, moliyaviy nazoratning mohiyatini to’larq anglash uchun batafsil ta’rif beradi. N.S.Malein bu borada: “Moliyaviy nazorat – tekshiruvda qonuniylik, asoslilik va pul xarajatlarining to’g’ri sodir etilganligini aniqlashdan iborat bo’lgan hamda rejalarining bajarilish jarayonida moliyaviy, byudjet, kredit, hisob-kitob va kassa intizomini ta’minlashga qaratilgan, moliyaviy, kredit va xo’jalik organlari (tashkilotlari)ning huquqiy me’yorlar bilan tartibga solinadigan faoliyatidir”, deb ta’kidlaydi [5].

V.Nuritdinova va M.Sharapovalarning “Moliyaviy nazorat” nomli kitobida “Moliyaviy nazorat – bu moliyaviy tekshirish va u bilan bog‘liq bo’lgan masalalar harakati va muomalasini majmui bo‘lib, xo’jalik sub’ektlari faoliyatini boshqarishni o‘ziga xos usullar, shakllar yordamida tashkil etish”, deb ta’kidlaydilar [6].

Tahlil va natijalar

Davlat moliyaviy resurslarini samarali boshqarish hamda byudjet mablag‘laridan oqilona foydalanish iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Shu bois, mamlakatimizda keyingi yillar davomida davlat moliyaviy nazorati tizimini takomillashtirish borasida bir qator samarali islohotlar amalga oshirilmoqda.

Xususan, davlat soliq xizmati organlari tizimida ham moliyaviy resurslarni boshqarish va byudjet mablag‘laridan oqilona foydalanishni nazorat qilishning tizimli choralar yo‘lga qo‘yilgan.

Bizga ma’lumki, davlat byudjeti daromadlarining asosini soliqlar tashkil etadi.

Har yili O‘zbekiston Respublikasi davlat byudjetiga tegishli qonunlar qabul qilinadi. O‘zbekiston Respublikasi davlat byudjeti daromadlarining 2021yildagi ijrosi bo‘yicha dastlabki natijalarni tahlil qilamiz.

2021yilda davlat byudjeti daromadlari 164,7 trln so‘mni tashkil etdi yoki 2020 yilga nisbatan 31,7 trln so‘mga ko‘p bo‘ldi.

Davlat byudjeti va davlat maqsadli jamg‘armalari daromadlari 2021yilda 196,4 trln so‘mni (YAIMga nisbatan 26,7 %) tashkil etdi.


Soliq organlari ma’muriyatçiligidagi tushumlar 2021yilda 127,9 trln so‘mni tashkil etdi. 2020 yil bilan solishtirganda ular 24,3 trln so‘mga oshdi. Xususan, yirik soliq to’lovchilar bo‘yicha hududlararo davlat soliq inspeksiyasi tushumlari 82,3 trln so‘mni tashkil etdi (o’tgan yil bilan solishtirganda o‘sish – 14,6 trln so‘m). Bojxona organlari ma’muriyatçiligidagi tushumlar 2021 yilda 8,5 trln so‘mga oshib, 33,2 trln so‘mni tashkil etdi. Byudjetga daromadlar kelib

tushishining oshishiga iqtisodiy o’sish bilan bir qatorda qimmatbaho metallarning yuqori jahon narxlari saqlanishi, karantin cheklovlarning yumshatilishi, soliq nazorati va ma’muriyatichiligining yangi dastaklari ta’sir ko’rsatdi. Bojxona tushumlarining oshishi quyidagilar, yani soliq solinadigan import hajmi va ayirboshlash kursining oshishi; bojxona organlari bojxona tartib-tamoyillarining soddalashtirilishi, tovarlarning erkin muomalaga chiqarilishini jadallahishi va bojxona ma’muriyatichiligining yangi metodlarini joriy etish bo‘yicha ko‘radigan choralar bilan bog‘liq.

2021 yilda davlat byudjeti daromadlari tarkibidagi bevosita (35,8 foiz) va bilvosita soliqlarning (34,2 foiz) nisbati saqlanib qoldi. Daromadlar tarkibidagi turli soliqlarning nisbati dinamikasi quyidagi 1-diagrammada ko’rsatilgan.

1-diagramma.

Davlat byudjeti daromadlari tarkibi*



*O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi ma’lumotlari. www.mf.uz

Davlat byudjeti daromadlari tarkibiga so‘nggi uch yildagi soliq siyosati choralarining o‘zgartirilishi, ilgari berilgan soliq imtiyozlarining bekor qilinishi, iqtisodiyot sektorlarida olib borilayotgan islohotlar hisobiga soliq bazasining kengaytirilishi, shuningdek xom ashyo tovarlari narxlarning dinamikasi ta’sir ko’rsatdi.

Soliq tushumlari tarkibining o‘zgarishi soliqlarning ayrim turlari bo‘yicha soliq to‘lovchilar sonining ko‘payishi bilan ham bog‘liq.

O‘tgan 2021 yilning 9 oyi davomida byudjet mablag‘ining maqsadli sarflanishi yuzasidan o‘tkazilgan nazorat tadbirlarida hududiy soliq organlarida 5 694 ta holatda 6 356,2 mln so‘mlik kamchiliklarga yo‘l qo‘yilganligi aniqlandi.

Jumladan, ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar bo‘yicha xatoliklar aniqlanib, xodimlarga to‘lanmay qolgan 589,1 mln so‘m mablag‘ to‘lab berildi.

Ortiqcha sarflangan 956,3 mln so‘m mablag‘ qaytarilishi ta’minlandi.

Bundan tashqari, 13 ta holatda 15,7 mln so‘mlik yoqilg‘i ortiqcha sarflanganligi, 2 ta holatda xizmat avtomashinasiga yetkazilgan zarar qoplanmaganligi aniqlandi (1-jadval).

1-jadval.

Davlat soliq xizmati organlari tizimida moliyaviy resurslarni boshqarish va byudjet mablag‘laridan oqilona foydalanish nazorati*

№	Tadbir mazmuni	2021 yil 9 oy davomida	
		Yo‘l qo‘yilgan kamchiliklar, mln so‘m	Ortiqcha sarflangan summa, mln so‘m
1.	Byudjet mablag‘larining maqsadli sarflanishi yuzasidan o‘tkazilgan nazorat tadbirlari, jami 5 694 ta holatda	6 356,2	x
1.1	Jumladan, ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar bo‘yicha	589,1	956,3
2.	13 ta holatda yoqilg‘i ortiqcha sarflanganligi	x	15,7
3.	2 ta holatda xizmat avtomashinasiga yetkazilgan zarar qoplanmagan	x	x
4.	Soliq xizmati organlari ma’muriy binolarini ijara berishda to‘lovlar undirilmaganligi, maxsus jamg‘arma mablag‘lari Davlat soliq qo‘mitasiga o‘tkazib berilmaganligi hamda asosiy vosita va TMZlarni sanoqdan o‘tkazishdagi kamchiliklar	49,7	x

*<https://soliq.uz/press-services/news/show/byudjet-mablag‘lari-maqsadli-sarfining-nazorati -taminlanmoqda>.

Shuningdek, soliq xizmati organlari ma’muriy binolarini ijara berishda to‘lovlar undirilmaganligi, maxsus jamg‘arma mablag‘lari O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasiga o‘tkazib berilmaganligi hamda asosiy vosita va TMZlarni sanoqdan o‘tkazishda kamchiliklar aniqlanib, 49,7 mln so‘mlik zararlar bartaraf etilishi ta’minlandi.

Tizimda kamchiliklarning to‘liq bartaraf etilishi Davlat soliq qo‘mitasi tomonidan nazoratga olinib, kelgusida bu kabi holatlarning takrorlanishini oldini olish maqsadida mas’ul xodimlarga normativ-huquqiy hujjatlar talablari yuzasidan tushuntirish va ko‘rsatmalar berildi.

Bozor munosabatlarining bugungi rivoji hamda insofli tadbirkorlik sub‘ektlarini himoya qilish zarurati iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish, **“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali I son 2023-yil 11**

«xufyona iqtisodiyot»ning shakllanish mexanizmlarini, chet el valyutasining nazoratsiz chiqib ketish kanallarini o‘z vaqtida aniqlashning shakl va usullarini tubdan qayta ko‘rib chiqishni, shuningdek, importni optimallashtirish va milliy tovarlar eksportini rag‘batlantirish bo‘yicha tizimli ishlarni kuchaytirishni ham talab etmoqda.

Shu munosabat bilan faoliyati iqtisodiyot o’sishi, tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlash, iqtisodiy jinoyatlar va korruptsiyaga qarshi kurashishning zamonaviy voqelikka to‘liq javob bermayotgan O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining vazifalari va vakolatlarini tubdan qayta ko‘rib chiqish zarurati paydo bo‘ldi.

Biznesni yuritish va investitsiyalarni jalb etish uchun yanada qulay shart-sharoitlarni yaratish, byudjet mablag‘larini talon-toroj qilish va ulardan samarasiz foydalanish holatlarining oldini olish, shuningdek, iqtisodiy jinoyatlar va korruptsiyaga qarshi kurashish samaradorligini oshirish maqsadida 23.05.2018 yil O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Byudjet mablag‘laridan foydalanish samaradorligini tubdan oshirish va iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish mexanizmlarini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-5446сон Farmoni qabul qilindi.

Farmonga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamenti O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti etib qayta tashkil qilindi.

Departament O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzurida iqtisodiy va korruptsiyaviy jinoyatlar, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qarshisiga qarshi kurashish departamenti O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti etib qayta tashkil qilindi. Departament O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining huquqlari, majburiyatlarini va shartnomalari, jumladan xalqaro shartnomalari bo‘yicha vorisi hisoblanadi. Shuningdek, mazkur organ O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamentining huquqlari, majburiyatlarini va shartnomalari, jumladan xalqaro shartnomalari bo‘yicha vorisi hisoblanadi.

Departament tomonidan o‘tkazilgan taftishlar va tekshiruvlar natijalari bo‘yicha aniqlangan hamda davlat byudjeti va O‘zbekiston Respublikasining davlat maqsadli jamg‘armalari daromadiga undirilgan davlat organlari, tashkilotlari va byudjet mablag‘larini oluvchilar tomonidan amalga oshirilgan noqonuniy

xarajatlarning, talon-toroj, kamomadlar summasining 10 foizi Departamentning maxsus byudjetdan tashqari jamg‘armasiga o‘tkaziladi [2].

Davlat moliyaviy resurslarini samarali boshqarish hamda byudjet mablag‘laridan maqsadli va oqilona foydalanish ustidan davlat moliyaviy nazorati tizimini takomillashtirish, shuningdek, 2017 – 2021yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlanishining beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustaxkamlash yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosini taminlash maqsadida 2022 yil 1yanvardan boshlab «O‘zbekiston Respublikasining Hisob palatasi to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikni Qonuniga muvofiq, Hisob palatasi tomonidan amalga oshiriladigan nazorat shakllari va turlariga qo‘srimcha quyidagilar, yani:

buxgalteriya hisobi yuritilishini, moliyaviy hisoblarning haqqoniyligini, moliyaviy resurslardan maqsadli va qonuniy foydalanilganligini hamda daromadlarning to‘liqligini, shuningdek, moliyaviy operatsiyalarning qonuniyligini baholashni nazarda tutuvchi moliyaviy audit;

konsolidatsiyalashgan va jalb qilingan byudjet mablag‘laridan foydalanishda, davlat xaridlarini amalga oshirishda, shuningdek, daromadlarning to‘liqligini ta‘minlash va biznes jarayonlarida normativ-huquqiy hujjatlar talablariga rioya qilinganligini va ularning davlat dasturlariga muvofiqligini tekshirish va baholashni nazarda tutuvchi muvofiqlik audit;

nazorat obyektida xarajatlar, subsidiyalar, imtiyozlar va preferensiyalarning samaradorligi va natijadorligini, ajratilgan mablag‘lardan foydalanishning tejamkorligini, belgilangan maqsadli ko‘rsatkichlarning bajarilishini, konsolidatsiyalashgan byudjet va jalb qilingan mablag‘lar hisobidan amalga oshirilayotgan loyihalarning maqsadga muvofiqligi va natijadorligini, shuningdek, davlat va hududiy dasturlarning moliyalashtirish manbalari bilan ta‘minlanganligini baholash va tahlil qilishni nazarda tutuvchi samaradorlik audit kabilarni amaliyatga joriy etilishi belgilandi (2-jadval).

2-jadval.

Moliyaviy, samaradorlik va muvofiqlik auditni o‘tkazadigan vazirliklar*

T/r	Audit tadbiri o‘tkaziladigan vazirliklar	O‘tkaziladigan audit turi
1.	Sog‘liqni saqlash vazirligi	moliyaviy audit
2.	Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi	samaradorlik auditi
3.	Suv xo‘jaligi vazirligi	samaradorlik auditi
4.	Oliy va o‘rtta maxsus ta’lim vazirligi	muvofiqlik auditi

*O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 27 avgustdagি PF-6300 son Farmoni asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Hisob palatasi 2022 yil 1 yanvarga qadar Oliy audit organlarining xalqaro standartlari (ISSAI) asosida tashqi audit tadbirlarini rejalashtirish va o’tkazishni tashkil etish, ular doirasida moliyaviy, samaradorlik va muvofiqlik auditlarini o’tkazish, shuningdek, davlat moliyaviy nazoratida xavf-tahlilni amalga oshirish standartlarini ishlab chiqishi tasdiqlangan.

Hisob palatasi va ichki audit xizmatlari:

har bir nazorat tadbirini tashkiliy, asosiy va yakuniy bosqichlarni o’z ichiga oluvchi uch bosqichli tizim asosida hamda audit tadbiri turlarini aniq belgilagan holda amalga oshiradi;

2021yil 1 oktabrdan boshlab Hisob palatasi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi va ichki audit xizmatlari har chorakda kamida bir marotaba ommaviy axborot vositalari vakillari ishtirokida o’z faoliyatiga oid hisobotlarni jamoatchilikka e’lon qilib boradi;

2022 yil 1yanvardan boshlab moliyaviy nazorat tadbirlari faqatgina nazorat ishlarining yillik dasturiga kiritilgan sub’ektlarda amalga oshiriladi, kameral nazorat va qonunchilikda ko’zda tutilgan boshqa holatlar bundan mustasno.

Hisob palatasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi bilan birgalikda 2022 yil 1yanvarga qadar «Davlat audit» dasturiy kompleksini ishga tushirilishini belgiladi [3].

Shuningdek, har bir nazorat tadbiri uchun o’rganiladigan savollar, tadbirning predmeti, ma’lumotlarni jamlash va tahlil o’tkazish tartibini o’z ichiga olgan nazorat tadbirini o’tkazish rejasi tuziladi.

“Davlat audit” dasturida ro’yxatga olinmagan nazorat tadbirlari noqonuniy hisoblanadi. Barcha davlat moliyaviy nazorati tadbirlari, shu jumladan ichki audit xizmatlarining audit tadbirlari natijalariga doir barcha turdagи hujjatlar (davlat siri yoki qonun bilan qo’riqlanadigan boshqa sirni tashkil etuvchi ma’lumotlar bundan mustasno) davlat moliyaviy nazorati tadbirlarida aniqlangan holatlar bo‘yicha nazorat tadbiri o’tkazilgan tashkilotning yozma fikri nazorat tadbiri tamomlangandan keyin besh kun muddatda «davlat audit» dasturiga joylashtiriladi.

Bunda, «Davlat audit» dasturini ishlab chiqish, texnik qo’llab-quvvatlash, shuningdek, uning funktsional imkoniyatlarini muntazam takomillashtirish bilan bog’liq xarajatlar respublika byudjetidan moliyalashtiriladi.

Xulosa

Yuqorida berilgan fikr-mulohazalar asosida davlat moliyaviy nazorati tizimini yanada takomillashtirish masalalari bo’yicha o’z takliflarimizni taqdim

etamiz.

1. Nazorat organlari faoliyatini baholashda faoliyat samaradorligi tamoyilidan foydalanish.

2. Oliy audit organlarining xalqaro standartlarini (ISSAI) joriy etish, xodimlar malakasini oshirish, tajriba almashish va ilg‘or tajribalarni amaliyotda qo‘llash uchun Oliy audit organlarining xalqaro tashkilotiga (INTOSAI) a’zo bo‘lishni ta’minlash.

3. Xalqaro tashkilotlar va rivojlangan davlatlar bilan tajriba almashish, ilg‘or tajribalarni amaliyotda qo‘llash uchun xalqaro tashkilotlarga a’zo bo‘lish, mutaxassislarni bugungi kun talablari asosida qayta tayyorlash.

4. "Tashabbusli byudjet" loyihasini yanada kengaytirish, unga byudjetdan ajratiladigan mablag‘larini oshirish. Buning uchun byudjetdan ijtimoiy-madaniy tadbirlarni moliyalashtiradigan mablag‘lardan tashqari boshqa xarajatlarni bosqichma-bosqich optimal darajada kamaytirish.

5. Byudjet hisobi standartlarini unifikatsiya qilish, ichki nazorat va audit tizimini takomillashtirish orqali moliyaviy intizomni mustahkamlash hamda byudjet jarayoni ustidan parlament va jamoatchilik nazoratini kuchaytirish orqali jadal javobgarlikni va hisobdorlikni kuchaytirish.

6. Xorijiy hamda xalqaro ekspert va mutaxassislar ishtirokida davlat moliyaviy nazorati sohasida mahorat darslari, treninglar va malaka oshirish kurslari tashkil etish.

7. Oliy ta’lim muassasalarida davlat moliyaviy nazorati organlarining mansabdor shaxslari tomonidan budget nazorati va auditga ixtisoslashgan yo‘nalishlarda tahsil olayotgan talabalar uchun amaliy darslar o‘tishni yo‘lga qo‘yish.

Yuqoridaq takliflarning amaliyotga tadbiq etilishi asosida davlat moliyaviy nazorati tizimini yanada takomillashtirishga imkon yaratadi, deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «2022 – 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi 28.01.2022 yildagi 60-son Farmoni. – <https://lex.uz/docs/5841063>

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 23.05.2018 yildagi “Byudjet mablag‘laridan foydalanish samaradorligini tubdan oshirish va iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish mexanizmlarini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-5446-son Farmoni. – Foyqdalanish manbai:

<https://lex.uz/docs/3743214>

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 27 avgustdagи «Davlat moliyaviy nazorati tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida»ги PF-6300 son Farmoni. – Foyqdalanish manbai:
<https://lex.uz/docs/5607471>
4. Oliy nazorat organlari xalqaro tashkiloti (INTOSAI)ning 1977 yil IX Kongressida qabul qilingan "Xalqaro Lima deklaratsiyasi" hujjati.
5. Малеин Н.С. Кредитно-расчетные правоотношения и финансовый контроль. – М.: Наука, 1968. – С. 103.
6. Nuriddinova V.SH, Sharapova M.A. Moliyaviy nazorat. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. – 480 b.
7. <https://soliq.uz>
8. www.mf.uz
9. www.openbudget.uz

TRANSFORMATION OF STATE BUDGET AND TAX POLICY RISKS

Fozilchayev Shukhratjon Kobiljon ugli

*Associate Professor,
Department of Finance
Tashkent Institute of Finance
E-mail: fshukhrat@rambler.ru
ORCID:0000-0002-9341-2113*

Abstract

In this article the author considers the transformation process as one of the temporary conditions for the development of economic systems that can replace sustainable development. One of the most important tasks of state economic policy is to balance the cyclical fluctuations of the development of economic systems. The actual and expected revenues of the main taxes of the budget of the Republic of Uzbekistan in 2022 were also analyzed. The main objectives of Uzbekistan's medium-term fiscal policy will be considered. The article, focuses on the role of fiscal policy in addressing strategic issues of economic development. At the same time, the methods of logical and systematic analysis of tax risk in the context of digitalization of the economy, the views of foreign and domestic scholars are studied.

Keywords: transformation, tax policy, expenditures and revenues, objectives of public fiscal policy, modernization, budget classification, state budget, budget risks, sanctions risks, risks of the budgets of integration entities.

DAVLAT BYUDJETI VA SOLIQ SIYOSATIDA RISKLAR TRANSFORMATSIYASI

Fozilchayev Shukhratjon Qobiljon o'gli

*moliya kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
E-mail: fshukhrat@rambler.ru
ORCID:0000-0002-9341-2113*

Annotatsiya

Ushbu maqolada muallif transformatsiyalash jarayonini barqaror rivojlanish o'rnini bosadigan iqtisodiy tizimlar rivojlanishining vaqtinchalik shartlaridan biri sifatida ko'rib chiqadi. Davlat iqtisodiy siyosatining eng muhim vazifalaridan biri

iqtisodiy tizimlar rivojlanishining tsiklik tebranishlarini muvozanatlashdan iborat. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi byudjetining asosiy soliqlari bo‘yicha real va kutilayotgan tushumlar tahlil qilingan. O‘zbekistonning o‘rta muddatli soliq-byudjet siyosatining asosiy maqsadlari ko‘rib chiqilagan. Maqolada iqtisodiyotni rivojlantirishning strategik masalalarini hal qilishda fiskal siyosatning o‘rni yoritilgan. Shu bilan birga, iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida soliq risklarini mantiqiy va tizimli tahlil qilish usullari, xorijiy va mahalliy olimlarning fikrlari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: transformatsiya, soliq siyosati, xarajatlar va daromadlar, davlat fiskal siyosatining maqsadlari, modernizatsiya, byudjet tasnifi, davlat byudjeti, byudjet risklari, sanktsiya risklari, integratsiya sub'ektlari byudjetlari risklari.

ТРАНСФОРМАЦИЯ РИСКОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА И НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ

Фазылчаев Шухратджан Кабилджан оглы

доцент кафедры финансов
Ташкентский финансовый институт
E-mail: fshukhrat@rambler.ru
ORCID:0000-0002-9341-2113

Аннотация

В статье автор рассматривает трансформационный процесс как одно из временных условий устойчивого развития экономических систем. Исследуются проблемы сбалансирования циклических колебаний развития экономических систем, являющиеся приоритетными в государственной экономической политики. Также проанализированы фактические и ожидаемые поступления основных налогов в бюджет Республики Узбекистан. Рассмотрены основные задачи среднесрочной налогово-бюджетной политики Узбекистана. В статье акцентируется внимание на роль фискальной политики в решении стратегических вопросов экономического роста. При этом изучаются методы логического и системного анализа налогового риска в условиях цифровизации экономики, взгляды зарубежных и отечественных ученых.

Ключевые слова: трансформация, налоговая политика, расходы и доходы, задачи государственной фискальной политики, модернизация, бюджетная классификация, государственный бюджет, бюджетные риски, санкционные риски, риски бюджетов субъектов интеграции.

Introduction

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan on the development strategy of new Uzbekistan for 2022-2026 was adopted on January 28, 2022. The third pillar of the strategy is to accelerate the development of the national economy and ensure high growth rates. and to increase per capita income to more than \$ 4,000 by 2030, and to pave the way for it to join the ranks of “above-average countries”. It is planned to ensure macroeconomic stability and gradually reduce the annual inflation rate to 5% by 2023.

Reduce the state budget deficit and ensure that it does not exceed 3% of GDP by 2023. Organize to spend at least 5% of the budget of each district on solving the most pressing problems on the basis of the proposals of the population within the budget program of citizens. Public debt management is set to ensure that the amount of new external debt raised annually does not exceed \$ 4.5 billion [1].

In the most general and simple way, fiscal policy is concerned, on the one hand, with the formation of (reasonable) names of budget revenues and, on the other hand, with the (efficient) spending of budget expenditures. In fact, fiscal policy literally includes tax policy. In practice, however, in most cases, the policy aimed at generating budget revenues is usually referred to as tax policy and the policy aimed at spending budget expenditures is called budget policy. In this sense, fiscal policy can also be recognized as a set of fiscal and tax policies that are conditionally independent of each other and relatively independent.

President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev in the decree “On the concept of improving the tax policy of the Republic of Uzbekistan”, providing for a significant change in the tax system from the beginning of 2019, said: “Consistent reduction of tax burden, simplification of the tax system and improvement of tax administration are the most important conditions for accelerated development of the economy and improving the investment attractiveness of the country” [2].

Review of the literature on the subject

The above document specifically draws attention to the fact that “the primary measure to ensure the long-term sustainability of the budget system and counteract budgetary risks should be the use of a mechanism to limit the growth of budget expenditures that are not supported by reliable sources of income in the long term, with the unconditional fulfillment of existing spending obligations, and also the restoration of sufficient volumes of financial reserves for their possible use in the event of a deterioration in the macroeconomic situation” [3].

Analyze optimal taxation in the context of an endogenous growth model where growth is endogenous as a result of constant returns to cumulable factors. Because of their focus on the accumulation of human capital as opposed to innovative activity as the engine of growth, their policy prescriptions are quite different from ours. By contrast, what we find is that while physical capital accumulation should not be distorted in the long run, both labour and innovative activity should be taxed in the sense that their after-tax returns are less than their marginal products. This is because there is an endowment of time for labour and innovation in each period, beyond the initial capital endowment [4].

Modern science defines tax forecasting as an assessment of the tax potential and receipts of taxes and fees in the budgetary system (republican, regional, district, city budgets, as well as off-budget state trust funds). It is carried out on the basis of a forecast of the socio-economic development of the state [5].

A kind of financial risk, which has a subjectively objective nature, associated with overcoming uncertainty in a situation of inevitable choice of an alternative, managerial decision in the context of the budget process, unique for each institutional unit, which is perceived as fluctuations in the distribution of all outcomes in relation to the planned budget indicators under the influence of risk-forming factors [6].

A set of existing and constantly emerging new events of various etymologies that can have a significant impact on budget performance at all stages of the budget process [7].


The probability of non-fulfillment of budget indicators at all stages of the budget process, violating the stability of the budget system [8].

Probability of budget losses due to the impact of environmental factors and management decisions that have a negative impact on the sustainability of budgets and are subject to quantitative and qualitative assessment [9].

The possibility for the taxpayer to incur financial and other losses associated with the process of paying and optimizing taxes, expressed in monetary terms [10].

Discussion and results

The economic nature of risk at the stages of the budget process is manifested as a result of the formation of revenues and the implementation of budget expenditures. Budget risk is inherent in the budget process, but at the same time, the parameters of centralized funds of funds largely depend on the management decisions made and the current economic situation. To determine the reasons for the manifestation of budgetary risks, it is necessary to determine the main sources of their occurrence (Scheme1).

Scheme1.


*Prepared by the author on the basis of data from the economic literature.

External sources include a complex of geopolitical, economic, social and other factors that can have a risky impact.

The internal sources are the budget system itself, including the features of regulatory regulation, the degree of budget involvement in the economic turnover, the procedure for redistributing financial resources, and the social activity of the population. Random sources arise completely arbitrarily and depend to a very small extent on the will of decision makers. These, for example, include natural disasters that are not directly related to human activity.

The variety of risk-forming factors, conditions and consequences of their manifestation requires a detailed systematization and classification of budgetary risks, which is necessary to determine possible tools for assessing, analyzing, forecasting and managing budgetary risks in the future.

It should be noted that the growth of globalization processes in the world economy contributes to the transformation of not only economic ties, but also has an impact on the budgetary system of states. This, in turn, leads to the emergence of new budget risks due to the modern rapid development of the economy. So, in addition to the already traditional risks associated with the volatility of world prices for hydrocarbons, there are so-called sanctions risks caused by sanctions restrictions imposed on states as a whole or individual sectors of the economy. Sanction risks under the influence of an external geopolitical factor cause a drop in the indicators of the state's economic growth, which in turn reduces the flow of revenues to the budget.


Diagram 1.
**The level of tax burden in some countries of the world
(As a percentage of GDP)***


*Prepared independently by the author based on the official website:
<https://taxfoundation.org/state-tax-burden-2019/>

It is clear from the data in the table that the high tax burden falls on the countries of Denmark and Sweden, at 48.3 and 46.7 percent, respectively.

The theoretically interpreted normative level of this tax burden is much higher than 30%, but in these countries the living standards of the population are high and most importantly the mechanism of tax collection and its operation is much better than in countries with much lower tax burden. Economic growth will also be high.

At a time when the tax burden in the Republic of Uzbekistan is 23.5%, the above figures are quite different. This testifies to the effective implementation of tax policy in our country. We can analyze the tax burden over the years from the figure below.

Diagram 2.
Revenues of the state budget of the Republic of Uzbekistan from tax revenues as of 2021 (in billion soums)*


*Prepared by the author on the basis of the portal “open budget” of the Republic of Uzbekistan: www.openbudget.uz

In the picture above we can see the revenues of the state budget of the Republic of Uzbekistan from tax revenues as of 2021 (billion soums). Total revenues amounted to 132938 billion soums, of which direct taxes amounted to 45206 billion soums, indirect taxes – 46428 billion soums, while resource fees and property taxes amounted to 21,256 billion soums, while other incomes amounted to about 20045 billion soums.

Now we analyze the forecast of tax revenues of the Republic of Uzbekistan in 2022. The forecast for 2021 will lead to a significant increase in budget revenues (Diagram 3).

Diagram 3.
Forecast of State Budget Revenues of the Republic of Uzbekistan for 2022 (billion soums)*



*Prepared by the author on the basis of the portal “open budget” of the Republic of Uzbekistan: www.openbudget.uz

In the picture above, in the forecast for 2022 compared to 2021, tax revenues to the general budget will be 67 062 billion soums, which indicates a 38% increase in the State budget through tax revenues.

As part of the study of international practice, the property tax rates of 10 European countries were analyzed (Table 1). Europe compared to other countries in terms of property tax rates. We can see that the highest figure belongs to France (97.7 biln EUR). In Italy and Germany, property tax revenues are similar 43.8 and 37.6 billion, respectively euro. This is the case in other countries in the table. It should be noted that the figure is significantly lower. To conclude possibly

property tax revenues in developed countries much higher than in most developing countries. This is directly related to the development of the private sector in the economy, the living standards of the population and high levels of profitability.

Table 1.

Property tax revenues in European countries
Indicators (billion euros)*

Country	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Austria	1,8	2,3	2	2	2	1,9	2,1	2,2
Belgium	12,6	13,8	14,3	14,4	14,9	15,4	15,8	16,3
Estonia	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Finland	2,4	2,6	2,7	3	3,1	3,5	3,3	3,5
France	81,4	84,1	86,7	92,1	95	100,8	97,4	97,7
Germany	24,6	26,1	28,2	31,1	33,4	33,6	35,5	37,6
Greece	5,2	5,7	5,1	5,4	5,5	5,6	5,6	5,9
Ireland	3,1	3,6	4,2	3,9	3,8	3,9	4,3	4,4
Italy	43,6	43,9	46,9	46,3	46,9	44,2	44,9	43,8
Latvia	0,2	0,2	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3	0,3

* OECD (Organization for Economic Cooperation and Development) official website site information: www.stats.oecd.org


Macro-level refers to the tax system of the whole country, in other words, it means the state's intervention in the economy, its tax pressure. In this case, the tax burden is distributed to enterprises, industries and sectors. The macro-tax burden is insignificant for each of the legal entities and individuals. Because they pay taxes and fees to the budget and extra-budgetary funds from their own income.

The tax burden on the general population is calculated as the ratio of all taxes collected by the population to GDP. World experience shows that the tax burden on the population is divided into micro and macro levels. In our study, we also found it necessary to dwell on the tax burden on the population of our country.

It is expedient to consider the parameters of public expenditures of the Republic of Uzbekistan, as well as the expenditures of each country, as well as its expenditures, which include expenditures by sector, the stability of the country's budget or it is clear that there is a shortage (Diagram 4).

Diagram 4.

**Expenditures of the state budget as of 2021
(in biln soums)***



*Prepared by the author on the basis of the portal “open budget” of the Republic of Uzbekistan:
www.openbudget.uz

The above analysis shows that the budget of the Republic of Uzbekistan is - 11 204 biln soums with a budget deficit. In this case, it is necessary to improve the mechanism of tax collection.

Failure of the state to fulfill its obligations in the collection of taxes leads to the emergence of risks in the budgets of integration entities, which is a relatively new type of budget risk. This type of risk can lead to a weakening of the country's political influence in the world, the loss of traditional buyers of goods and services, which negatively affects the export potential.

Thus, budget risks are still a little-studied area and require a clear definition and consolidation in the legislation of the Republic of Uzbekistan. In addition, the constant development of economic and political relations in the world leads to the formation of new budget risks that arise under the influence of external factors.

Conclusion

In short, the tax risks associated with the development of the digital economy are associated with the emergence of new business models and methods of earning income, the virtualization of commodity-money relations (the emergence of digital currencies, digital goods, services), digitization of economic sectors and tax administration systems (application of robotics, artificial

intelligence, machine learning). The study of tax risks in the context of digitalization argues that the tax administration needs to change both individual procedures for individual taxes and improve the mechanism as a whole. Solving the problem of tax risks, in our opinion, requires constant monitoring of emerging digital tax risks and is possible with digital transformations, which provide full transparency of economic processes for the state. Transition to a new phase of trust between society and the state.

1. The various economic and financial crises observed in the history of the world economy have led to an increase in budget risk and an increase in budget expenditures in each country. This has led to budget execution in almost all countries with a deficit rather than a surplus. The recent global financial and economic crisis or the COVID-19 coronavirus pandemic has led to a sharp increase in budget expenditures and deficits, as well as increased budget risks.

2. In order to reduce budget risks and deficits, in particular, by providing additional tax benefits to enterprises and organizations, they will have additional funds at their disposal, which will be spent on development as an investment and create additional products. This, in addition to the budget, will lead to an increase in the tax burden, which in turn will increase budget revenues and reduce budget risks.

3. It is expedient to increase the volume of import-substituting and export-oriented goods in the domestic market on the basis of attracting foreign investment and increase tax revenues on the basis of sales. This will allow the budget to be executed with a surplus and reduce budget risk.

4. The process of formation of tax revenues of local budgets should be based on certain principles. The most important of these are: the fair distribution of taxes among their payers; the collection of taxes for the state should be as cheap as possible; whether the collection of taxes in the budget does not lead to the depletion of the country's national wealth; the process of tax collection should not squeeze out the private sector.

5. The effectiveness and efficiency of the ongoing reforms in Uzbekistan depends on the timely and adequate funding of local budgets, increasing the sources of revenue of local budgets, in particular, the interest of local authorities in ensuring budget execution. Ensuring broad public opinion and participation in the process of implementation of local budgets is an important priority.

The above proposals and recommendations will further contribute to the further increase of local tax rates in the country, the socio-economic development of the country, the stability of budget surpluses and the fight against financial shortages.

Reference

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, No. PF-60 of January 28, 2022, “On the development strategy of new Uzbekistan.”
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Concept of Improving the Tax Policy of the Republic of Uzbekistan” DP-5468 of June 29, 2018: <http://www.lex.uz/ru/docs/3802374>.
3. Decree of the Council of Ministers of the Republic of Belarus dated December 23, 2015. N 1080 “On reforming the public finance management system of the Republic of Belarus”// National Register of Legal Acts of the Republic of Belarus, 2015. – N 5/41476.
4. Till Gross, Paul Klein. Optimal tax policy and endogenous growth through innovation. Journal of Public Economics. – Volume 209, March 2022.
5. Malikov T. (2021). Methodological approaches to assessing and forecasting the tax potential of the region. Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT), 12 (11), 7056-7060.
6. Ayupova, S.G. Budgetary risk in the conditions of the financial crisis in the Russian economy: Ph.D. dis. ... cand. economy Sciences. – Chelyabinsk, 2011. – 27 p.
7. Gamukin, V.V. The theory of assessing budgetary risks of the constituent entities of the Russian Federation: Ph.D. diss. ... Dr. Econ. Sciences / V.V.Gamukin. – Tomsk, 2016. – 49 p.
8. Sorokina, T.V. Fiscal Risk Management: Theoretical Aspect. T.V. Sorokin. Sustainable development of the economy: international and national aspects // II International Scientific and Practical Conference. – Novopolotsk, Polotsk State University, 2018. – P. 724-728.
9. Gorokhova, D.V. Management of budgetary risks of the constituent entities of the Russian Federation: Ph.D. dis. for the competition uch. Art. cand. economy Sciences / D.V. Gorokhova. – M., 2013. – 24 p.
10. Sinenko, O. A. Transformation of taxation of income of individuals in the context of digitalization of the economy // Theoretical Economics. – 2020. № 5 (65). – P. 60–67.

ДИВИДЕНДНАЯ ПОЛИТИКА В КОРПОРАТИВНЫХ СТРУКТУРАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Шермухамедов Акмал Комилжонович

старший преподаватель кафедры
корпоративного управления

Ташкентский государственный
экономический университет

E-mail: skazka.6313@gmail.com

ORCID:0000-0003-3476-5426

Аннотация

Уровень качества корпоративного управления оказывает влияние на принятие решений о возможности капиталовложений в компанию и является характеристикой ее капитализации. Дивидендная политика рассматривается с точки зрения общей финансовой цели компании, заключающейся в максимизации благосостояния акционеров. Исследуются вопросы, связанные с влиянием группы факторов на дивидендную политику акционерного общества, подвергается анализу процессы, протекающие на торговых платформах АО "Узбекской республиканской товарно-сырьевой биржи".

Ключевые слова: дивиденд, акционер, акция, выгода, цель, налог, имущество, деньги, предприятие, собственность, выгода.

O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI KORPORATİV TUZİLMALARDA DIVİDEND SIYOSATI

Akmal Komiljonovich Shermuhamedov

korporativ boshqaruv kafedrası

katta o'qituvchisi

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

E-mail: skazka.6313@gmail.com

ORCID:0000-0003-3476-5426

Annotatsiya

Korporativ boshqaruv sifatining darajasi kompaniyaga kapital qo'yilmalarni kiritish imkoniyati to'g'risida qaror qabul qilishga ta'sir qiladi va uning kapitallashuvining o'ziga xos xususiyati hisoblanadi. Maqolada dividend siyosati AJining umumiy moliyaviy maqsadi, ya'ni aktsiyadorlar dividendlarini maksimal darajada oshirish nuqtai nazaridan qaraladi, shuningdek AJning dividend

siyosatiga bir guruh omillarning ta’siri bilan bog‘liq masalalar o‘rganilgan, “O‘zbekiston Respubлиka tovar-xom ashyo birjasи” AJ savdo maydonchalarida sodir bo‘layotgan jarayonlar tahlil qilingan.

Kalit so’zlar: dividend, aksiyador, ulush, foyda, maqsad, soliq, mulk, pul, korxona, mulk, foyda

DIVIDEND POLICY IN CORPORATE STRUCTURES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Shermukhamedov Akmal Komilzhonovich

*Senior Teacher of the Department
Corporate Governance
Tashkent state University of Economics
E-mail: skazka.6313@gmail.com
ORCID:0000-0003-3476-5426*

Abstract

The level of corporate governance quality influences the decision-making on the possibility of capital investments in the company and is a characteristic of its capitalization. Dividend policy is viewed from the point of view of the overall financial goal of the company, which is to maximize the wealth of shareholders. The issues related to the influence of a group of factors on the dividend policy of the company are being investigated, the processes occurring on the trading platforms of JSC "Uzbek Republican Commodity and Raw Materials Exchange" are being analyzed.

Keywords: dividend, shareholder, shares, benefit, goal, tax, property, money, enterprise, property, benefit.

Введение

Дивидендная политика является составной частью общей финансовой политики предприятия, заключающейся в оптимизации пропорции между потребляемой и капитализируемой прибылью. При этом основной целью является максимизация рыночной стоимости предприятия. Дивидендная политика рассматривается в свете общей финансовой задачи, которая заключается в максимизации получения дивидендов акционерами. Это означает, что любое принимаемое решение по дивидендной политике должно основываться на том, что будет наилучшим для акционеров. Это не всегда означает выплату максимальных дивидендов из полученной прибыли, так как использование дивидендов внутри самого предприятия может быть

более выгодным акционерам. В своем послании Олий Мажлису, Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев отметил “Создаем необходимые условия для того, чтобы наши люди обретали профессии, имели еще больше возможностей для открытия своего бизнеса, становились собственниками и получали доходы” [2]

Обзор литературы

Вопросы корпоративного управления рассматриваются в трудах видных зарубежных и отечественных учёных. Российские ученые Н.П. Терешина, А.В. Сорокина рассматривают основные вопросы становления, формирования, применения и оценки корпоративного управления. Авторами исследованы принципы корпоративного управления в стране на основе действующего законодательства. Подробно рассмотрена оценка качества корпоративного управления как коммерческих компаний, так и компаний с государственным участием. Представлена система корпоративной социальной ответственности [3]. Бурков В.Н., Дорохин В.В., Тихомиров Е.Ф. останавливаются на проблемах управления финансами компании, направленное на достижение стратегических и тактических целей функционирования данной компании на рынке. Основные вопросы финансового менеджмента связаны с формированием капитала компании и обеспечением максимально эффективного его использования [4].

Анализ и результаты

Политика дивидендных выплат акционерных обществ Республики Узбекистан остается нестабильной и не отражает финансовое положение и инвестиционные возможности компаний. Дивидендная политика в компаниях с концентрированной собственностью зависит от мажоритарных акционеров, интересы которых формируются под влиянием неопределенности среды, слабой защиты прав собственности и неразвитых институтов.

Современные финансовые изменения заставили обратить внимание на проблемы корпоративного управления. Уровень качества корпоративного управления оказывает влияние на принятие решений о возможности капиталовложений в компанию, является характеристикой ее капитализации. Важным элементом корпоративного управления выступает дивидендная политика, направленная на оптимизацию пропорций между потребляемой и капитализируемой прибылью в целях максимизации рыночной стоимости

компании.

Согласно дивидендной политики АО, порядок, определяющий выплату дивидендов и их источник, регламентируется законодательством Республики Узбекистан. В соответствии с Законом Республики Узбекистан, дивидендом признается любой доход, полученный акционером (участником) от организации при распределении прибыли, остающейся после налогообложения (в т.ч. в виде процентов по привилегированным акциям), по принадлежащим акционеру (участнику) акциям (долям) [1].

Дивиденды – часть чистой прибыли компании, распределяемая между акционерами в соответствии с количеством и видом принадлежащих им акций. Источником выплаты дивидендов является чистая прибыль АО за истекший период. В случае недостаточности чистой прибыли дивиденды по привилегированным акциям могут выплачиваться из специально созданных для этой цели фондов за счет прибыли прошлых лет.

Дивидендная политика – это политика акционерного общества в области использования прибыли, по которой определяется, в каком режиме следует выплачивать дивиденды акционерам: выплатить сразу в полном объеме или реинвестировать прибыль с целью получения с нее дохода с последующей выплатой дивидендов в большем размере.

Дивиденд устанавливается либо в процентах к номинальной стоимости акции, либо в суммах на одну акцию.

Выплата дивидендов может осуществляться:

1. Деньгами (денежная форма выплата дивидендов) – например, наличными из кассы, переводом в пластиковую карточку, платежным поручением, почтовым переводом. В этом случае применяются различные варианты определения величины дивидендных выплат.

2. Имуществом (в случае если это предусмотрено уставом АО): вновь выпущенными акциями АО, облигациями, другими видами ценных бумаг, товарами.

Дивиденды, их уровень, динамика и стабильность выплаты представляют собой один из значимых факторов управления экономическим потенциалом АО, его финансовыми возможностями, инвестиционной и контрагентской привлекательностью. Дивидендная политика, как и управление структурой капитала, оказывает существенное влияние на положение АО на рынке капитала, в частности, на динамику цены ее акций. Дивиденды представляют собой денежный доход акционеров и в определенной степени сигнализируют им о том, что АО, в акции которой они вложили свои деньги, работает успешно.

Таблица 1.
Основные финансово-экономические показатели АО «Махам-Chirchiq» (млн сум)*

№	Показатели	2019 г.	2020 г.	2021 г.	2022 г.
1.	Чистая выручка от реализации продукции	510,5	624,6	930,8	1,393,2
2.	Прибыль (убыток) от основной деятельности	-16,2	-2,3	148,2	164,4
3.	Себестоимость реализованной продукции	454,1	500,7	664,1	1,003,9
4.	Расходы периода	750,9	211,6	199,6	265,2
5.	Чистая прибыль (убыток) отчётного периода	-11,8	57,4	123,2	140,5

* Таблица разработана автором.

Данные таблицы показывают, что за 2022 год АО реализовано продукции на сумму 1 393,3 млрд сум и получена прибыль до уплаты налога 174,3 млрд сум, после уплаты налогов чистая прибыль составила 140,5 млрд сумов. Рентабельность реализованной продукции по валовой прибыли составила 38,8%, рентабельность по чистой прибыли 10,1% [5].

Дивидендная политика рассматривает в свете общей финансовой задачи АО, которая заключается в максимизации благосостояния акционеров. Это означает, что любое принимаемое решение по дивидендной политике должно основываться на том, что будет наилучшим для акционеров.

Рис. 1.
Влияние дивидендной политики компании на благосостояние акционеров*


* Разработан автором на основе изученных материалов

Одним из источников получения корпоративных дивидендов

является торги на товарно-сырьевой бирже. За период с 26 сентября по 2 октября, 2022 года на всех торговых платформах АО "Узбекской республиканской товарно-сырьевой биржи" было реализовано товаров на сумму 2 983,1 млрд сумов, что на 11,4% больше чем в предыдущей неделе. Из них 79,0% продаж пришлась на биржевые торги, 0,1% – на выставочно-ярмарочные торги, 20,7% – на государственные закупки и 0,2% - на онлайн-аукционы автономеров. При этом общий объем сделок с участием малого бизнеса и частного предпринимательства составил 646,9 млрд сумов. По итогам проведения электронных торгов по государственным закупкам общая экономия средств бюджетных и корпоративных заказчиков составила 120,8 млрд сумов [6].

Заключение

Подводя итоги можно подчеркнуть, что чистая прибыль отчётного периода АО «Maxam-Chirchiq» имеет в последние годы положительные показатели, способствующие улучшению благосостояния акционеров за счет получения ими более высоких дивидендов.

По результатам своей работы АО Узбекская товарно-сырьевая биржа на общем собрании акционеров решила большую часть чистой прибыли выделить акционерам в виде дивидендов. Это был большой сдвиг в дивидендной политике, что явилось историческим событием на товарно-сырьевой бирже. Как итог у инвесторов появилось доверие к драгоценным бумагам.

Решение выделять акционерам дивиденды способствуют заинтересованности инвесторов вносить свой капитал в рынок Узбекистана с целью получения прибыли. При этом дивидендная политика рассматривается в контексте общей финансовой задачи, которая заключается в максимизации получения дивидендов акционерами.

Литература

1. Закон Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» от 6 мая 2014 года № ЗРУ-370. – Режим доступа: https://continent-online.com/Document/?doc_id=31544802
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. – Режим доступа: <https://president.uz/ru/lists/view/5774>
3. Терешина Н.П., Сорокина А.В. Корпоративное управление:

учебное пособие. – М.: МГУПС (МИИТ), 2014. – 218 с.

4. Бурков В.Н., Дорохин В.В., Тихомиров Е.Ф. Финансовый менеджмент: Управление финансами предприятия: учебное пособие. – М.: Academia, 2013.

5. <https://openinfo.uz/ru/reports/13534/>

6. <https://old.uzex.uz/ru/news/2022/10/4/uzex-weekly-digest-september-26-october-2-2022/2326>

TIJORAT BANKLARIDA KREDITLASHNI TASHKIL ETISH TARTIBI VA TAKOMILLASHTIRISH YO’LLARI

Pardayeva Zulfizar Alimovna

*buxgalteriya hisobi
kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
pardayevazulfizar97892@gmail.com
ORCID:0000-0003-1465-6548*

Sharipova Shohida Abdunabiyevna

*buxgalteriya hisobi
kafedrasi assistenti
Toshkent moliya instituti
SharipovaShoxida.92@gmail.com
ORCID:0000-0002-8758-5077.*

Annotation

Maqolada tijorat banklarida kreditlashni tashkil etish tartibi va uning joriy holati, tijorat banklarida kreditlash amaliyotini takomillashtirishga doir amalgalashirilayotgan chora-tadbirlar hamda ularning oldingi yillarga nisbatan o‘zgarish tendensiyalari tahlil qilingan. Shunugdek, o‘tgan va joriy yillarda tijorat banklar kreditlar tizimida yusaga kelgan muammolar aniqlangan va ularni bartaraft etish bo‘yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so’zlar: kreditlash, garov, muammoli kreditlar, kredit portfeli, kafil, banklararo kredit, foiz, foyda, tijorat bank, bank aktivlari.

ПОРЯДОК ОРГАНИЗАЦИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КРЕДИТОВАНИЯ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Пардаева Зульфизар Алимовна

*доцент кафедры
бухгалтерского учета
Ташкентский финансовый институт
pardayevazulfizar97892@gmail.com
ORCID:0000-0003-1465-6548*

Шарипова Шахида Абдунабиевна

*ассистент кафедры
бухгалтерского учета
Ташкентский финансовый институт
SharipovaShoxida.92@gmail.com
ORCID:0000-0002-8758-5077*

Аннотация

В статье анализируются современное состояние кредитования в коммерческих банках, меры, реализуемые по совершенствованию практики банковского кредитования, а также тенденции их изменения по сравнению с предыдущими годами. Выявлены проблемы, появившиеся в последнее время в деятельности коммерческих банков, даны рекомендации и предложения по их устранению.

Ключевые слова: кредитование, ипотека, проблемные кредиты, кредитный портфель, поручитель, межбанковский кредит, проценты, прибыль, коммерческий банк, активы банка.

PROCEDURE FOR ORGANIZING LENDING IN COMMERCIAL BANKS AND WAYS OF ITS IMPROVEMENT

Pardayeva Zulfizar Alimovna

*Associate Professor of the
Department accounting,
Tashkent Institute of Finance
pardayevazulfizar97892@gmail.com
ORCID:0000-0003-1465-6548*

Sharipova Shahida Abdunabiyevna

*Assistant of the
Department of Accounting
Tashkent Institute of Finance
SharipovaShoxida.92@gmail.com
ORCID:0000-0002-8758-5077*

Abstract

In the article, the order of crediting in the commercial banks of our Republic and the analysis of its current state, the measures implemented to improve the practice of lending in commercial banks, and the trends of their changes compared to previous years are compared. The article analyzes the past and current years, identifies problems, and gives recommendations for eliminating these problems.

Keywords: lending, mortgage, problem loans, loan portfolio, guarantor, interbank loan, interest, profit, commercial bank, bank assets.

Kirish

Bugungi kunda respublikamizda iqtisodiyotni rivojlantirishga yo'naltirilayotgan bank kreditlari hajmining oshishi, bank kreditlaridan

foydalanayotgan turli mulkchilik va xo’jalik yuritish shaklidagi mijozlar miqdori ko’payishi va banklar tomonidan berilayotgan kreditlarni oqilona joylashtirish va ular samaradorligini oshirish, berilgan kreditlar hamda ular bo’yicha hisoblangan foizlarni o’z vaqtida undirib olishni ta’minalash banklar kredit portfeli ustidan doimiy kuzatib borishda asosiy ish deb talab qilinmoqda. Shuningdek, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “2020-2025 yillarga mo’ljallangan O’zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to’g’risida”gi Farmonida kredit portfeli va risklarni boshqarish sifatini yaxshilash, kreditlash hajmining mo’tadil o’sishiga amal qilish va kreditlashning faqat bozor shartlari asosida amalga oshirilishiga e’tibor berish alohida ta’kidlab o’tilgan. Shunisi ahamiyatliki, ushbu strategiyada yetarli darajada xizmat ko’rsatilmayotgan va zaif qatlamlarda davlat ishtirokini kuchaytirish va manzilli chora-tadbirlarni amalga oshirish, aholi va kichik biznes uchun masofaviy xizmatlarni keng joriy qilish, kamxarj xizmat ko’rsatish nuqtalari tarmog’ini rivojlantirish, shuningdek, respublika yagona moliya tizimining o’zaro to’ldiruvchi qismi sifatida nobank kredit tashkilotlarining shakllanishi va rivojlanishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratish orqali moliyaviy xizmatlar ommabopligini va sifatini oshirish bo’yicha olib boriladigan ishlar belgilab berilgan [1]. 2021 yil yakunlari bo’yicha iqtisodiyotga ajratilgan kreditlar jami 166 240.9 mlrd so’mni tashkil etdi. Bu ko’rsatkich o’tgan yildagisidan 39033.4 mlrd so’mga ko’pdir [2].

Adabiyotlar sharhi

Kredit munosabati – bu, eng avvalo, ishonchdir. «Kredit» so’zi lotincha *credit*, ya’ni «ishonch» ma’nosini beruvchi so’z o’zagidan olingan. Lekin bu nuqtai nazarga boshqacha qarashlar ham mavjud. Masalan: nemis iqtisodchi olimi V.Leksisning fikricha, kredit munosabatining yuzaga kelishi uchun qarz beruvchining ishonchi muhim ahamiyatga ega emas, kunlik tajriba shuni ko’rsatmoqdaki, qarz beruvchilar qarz oluvchilarning to’lov qobiliyatiga ishonchdan ko’ra, ishonchsizlik ruhiyatida bo’ladilar va shuning uchun ham ular o’z manfaatlarining to’liq himoyasini ta’minalash uchun kafolat talab etadilar . V.Leksis ham o’z fikrida bir jihatdan xaq, chunki u alohida bir kredit munosabati haqida emas, balki kredit munosabatlarining yig’indisi haqida fikr bildiradi. Professor «ishonch» kredit mohiyatida ma’lum bir xususiyatga ega ekanligini inkor etmay, balki «ishonch»ning kredit munosabatlarida hal qiluvchi jihatga ega emas, deb hisoblaydi. Tijorat banklarida eng ko’p daromad keltiruvchi operatsiyalarning asosiysi kreditlash operatsiyasidir. Shunday ekan mijoz va bank o’rtasida eng avvalo ishonch kredit munosabatining ajralmas qismi sifatida yuzaga kelishi kerak [3].

Taniqli iqtisodchi olim O.A. Lavrushinning tadqiqotlari ko'rsatadiki, kredit umumiy xarajatlarni iqtisod qilish imkonini beradi va shu jihatdan olganda iqtisodiyotni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi [4].

Tijorat banklaridan ajratiladigan kredit turlariga to`xtaladigan bo`lsak, u ma'lum guruhlar miqyosida tasniflanadi. Xususan, Sh.Z. Abdullayeva kreditlarni quyidagicha tasniflangan: kredit riski darajasi, kredit obyektlari, kredit muddati, kreditning hajmi va uning ta'minlanganligi, mijozning kreditga layoqati, moliyaviy holati, mulk shakli va hokazolar [5]. Ko`rinib turibdiki, kredit o'z mohiyati bilan rivojlangan tuzilmaga ega.

Tahlil va natijalar

Tijorat banklari faoliyatida kreditlash jarayoni to`g`ri hamda samarali tashkil etilishi natijasida bankning asosiy daromadlari shakllantiriladi. Bundan ko`rinib turibdiki, bank aktivlarining asosiy qismi kredit qo`yilmalaridan iborat. Demak, bank kreditlarining YaIMdagagi ulushining ortib borishi iqtisodiyotda jadal o'sish sur'atlarini ta'minlaydi. Kreditlashning bank aktivlaridagi salmog`ini quyidagi jadval orqali tahlil qilib chiqamiz.

1-jadval.

**Tijorat banklarining kredit qo`yilmalari
dinamikasi (mlrd so`mda)***

Ko`rsatkichlar	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
Kredit qo`yilmalari	110572.1	167390.6	211580.5	276 974,8	326 385,6
Bank aktivlari	166631.8	214419.6	272726.9	366 121,1	444 922,5
Kredit qo`yilmalarining bank aktivlaridagi ulushi, foizda	66.35	78.06	77.58	75.65	73.35

*O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki sayti – Foyqdalanish manbai: www.cbu.uz


1-jadvalda keltirib o'tilgan besh yillik statistik ma'lumotlarning tahlili asosida shuni aytish mumkinki, bank aktivlaridagi kredit qo`yilmalarining ulushi 66.35% dan 73.35% ga sezilarli darajada o'sgan. (01.01.2018y-01.01.2022y). Ammo, 01.01.2019 yil va 01.01.2022 yillar oraliq'ida bank aktivlari tarkibida kredit qo`yilmalarining ulushi 78.06% dan 73.35% gacha tushgan, shuningdek, bank aktivlari miqdori 01.01.2018 yildagi 166631.8 mlrd so'mdan 444922.5 mlrd

soʻmgacha ortgan. Ushbu keltirib oʼtilgan maʼlumotlar asosida shuni maʼlum qilish mumkinki, bank aktivlari hajmi besh yillik davr moboynida oʼsgan, lekin 01.01.2019 yildan 01.01.2022 yilgacha boʼlgan davrda kredit qoʼyilmalarining bank aktivlaridagi ulushi kamayib borgan. Buning asosiy sababi bank aktivlari tarkibida bosh aktivi turlarining ortib borayotganligidir.

Yuqoridagi statistik maʼlumotlarni tijorat banklari kesimida tahlil qiladigan boʼlsak, 2022-yil 1yanvar holatiga koʼra, jami tijorat banklarining aktivlar qiymati 444 922.5 mlrd soʻmdan iborat boʼlib, kredit qoʼyilmalari miqdori 326 385,6 mlrd soʻmga teng. Bank aktivlari hamda kredit qoʼyilmalarining 85 foizdan ortiq qismi davlat ulushi mavjud banklar hissasiga toʼgʼri kelmoqda. Bu borada, sogʼlom raqobat muhitini yaratish maqsadida davlat ulushi mavjud banklarni xususiylashtirish boʼyicha chora-tadbirlar olib borilib, yirik banklarni bosqichma-bosqich xususiylashtirish jarayonlari amalga oshirilmoqda. Quyida davlat ulushi mavjud va mavjud boʼlмаган banklarning jami bank aktivlari va kredit qoʼyilmalaridagi ulushini koʼrishimiz mumkin (1-diagramma).

1-diagramma.

Tijorat banklari kesimida aktiv va kredit qoʼyilmalarining ulushi, foizda*



*Oʻzbekiston Respublikasi Markaziy banki sayti. – Foyqdalanish manbai: www.cbu.uz


Yuqoridagi diagramma maʼlumotlari asosida shuni taʼkidlash mumkinki, 01.01.2022 yil holatiga jami bank akvtivlari va jami kredit qoʼyilmalari tarkibida davlat ulushi mavjud banklarning ulushi yuqoridir (81.5% – 85.8%).

2-diagrammada banklar tomonidan ham yuridik, ham jismoniy shaxslarga va yakka tartibdagи tadbirkorlarga ajratilgan kreditlar hajmini koʼrishimiz mumkin. Xususan, 2020 yil holatiga koʼra, jismoniy shaxslarga 28466.6 mlrd soʼm kredit ajratilgan boʼlsa-da, 48010.0 mlrd soʼmi yuridik shaxslarga yoʼnaltirilgan. 2021yil mobaynida jismoniy shaxslarga ajratilgan kredit qiymati 2020 yilga nisbatan taxminan 12054.3 mlrd soʼmga koʼproq boʼlib, mos ravishda 40520.9 va 28466.6

mlrd so`mni tashkil etgan. Yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun ajratilgan kreeditlar eng past natija, ya’ni 2021yilda 3099.9 mlrd so’m va 2020 yilda 2564.0 mlrd so’mni tashkil etgan.

2-diagramma.

Tijorat banklari tomonidan yuridik va jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlar (mlrd so`mda) *



*O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki sayti – Foyqdalanish manbai: www.cbu.uz

Kreditlarni tasniflash O’zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2021 yil 10 dekabrda 2696-3- son bilan ro’yxatdan o’tgan “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo’yicha ehtimoliy yoqotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to’g’risidagi Nizomga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish haqida” Nizomga muvofiq [6] amalga oshiriladi. Ushbu nizomga muvofiq tijorat banklari aktivlari, shu jumladan kreditlari ham “standart”, “substandard”, “qoniqarsiz”, “shubxali” va “umidsiz” toifalariga bo’lib tasniflanadi va ular bo’yicha munosib tarzda kredit qoldiqlarining 1; 10; 25; 50 va 100 foizli miqdorida zaxiralar shakllantiriladi. Diversifikatsiya yordamida kredit portfelining umumiyl risk darajasini kamaytirishga erishish mumkin. Ba’zida alohida olingan kredit bo’yicha risk o’zgarmagan xolda haqiqiy olinadigan daromad kutilayotgan daromadga tenglashishi mumkin. Ta’kidlash joizki, respublikamizning yirik tijorat banklarida kredit portfelining diversifikasiya darajasi past. Mamlakatimiz tijorat banklari kredit portfelida sanoatning ulushi nihoyatda yuqori bo’lib, o’rtacha 40 foizni tashkil etadi. Oxirgi yillarda jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlar ulushining ortib borishi bank tizimi uchun ijobjiy holat hisoblanadi. Jismoniy shaxslarni kreditlash hajmining oshirilishi mamlakatda ichki talabni rag’batlantiradi va xo’jalik sub’ektlarining faoliyatini jadallashtiradi. Shu bilan birga kreditlarning milliy iqtisodiyot

barqarorligini ta'minlashdagi roli oshadi. Qolgan soha va tarmoqlarning ulushi esa bundan ham past ekanligini ko'rishimiz mumkin va bu bank tizimida kredit riskining yuqori ekanligidan dalolat beradi.

2-jadval.

Mamlakat tijorat banklarining kredit portfeli tarkibi*

Ko'rsatkichlar nomi	01.01.2020 y.		01.01.2021 y.		01.01.2022 y.	
	mlrd so'm	ulushi, foizda	mlrd so'm	ulushi, foizda	mlrd so'm	ulushi, foizda
Jami kreditlar	211 581	100	275 280.6	100	324 681.5	100
Sanoat	75 636	35.7	102 162.4	37.1	117 638.5	36.2
Qishloq xo'jaligi	17 205	8.1	28 080.5	10.2	35 022.4	10.8
Qurilish sohasi	5 930	2.8	7 380.3	2.7	9 281.8	2.8
Savdo va umumiy xizmat	14 480	6.8	19 916.2	7.2	27 406.0	8.4
Transport va kommunikatsiya	23 516	11.1	26 626.0	9.7	28 708.1	8.8
Moddiy va texnik ta'minotni rivojlantirish	3 302	1.6	3 962.1	1.4	3 814.4	1.2
Uy-joy kommunal xizmati	2 512	1.2	3 759.0	1.4	2 284.1	0.7
Jismoniy shaxslar	39 934	18.9	54 887.7	19.9	69 496.2	21.4
Boshqa sohalar	27 513,8	13.7	28 506.4	10.3	31 030.0	9.6

*O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki sayti: – Foyqdalanish manbai: www.cbu.uz


Xalqaro amaliyotda tijorat banklari kredit portfelining mijozlarning tarmoq xususiyatiga ko'ra diversifikatsiya qilish bo'yicha me'yoriy mezon qilib 25% olingan. Ya'ni tijorat banki kreditlarining 25 foizdan ortiq qismini bitta tarmoqda to'planib qolishi mumkin emas. Respublikaning ayrim yirik banklarida ushbu ko'rsatkichning darajasi 50 foizdan yuqoridir.

Kreditlashning asosiy manbai banklarning o'z mablag'lari hisobiga emas, balki ma'lum vaqt o'tishi bilan foydalanganlik uchun, odatda malum foiz to'lovi bilan qaytarilshi kerak bo'lgan xo'jalik yurituvchi subektlarning, aholi va davlatning vaqtincha bo'sh pul mablag'larini jalb qilish orqali shakllanadi. Bu mablag'larni omonatchilarga to'liq xajmda va belgilangan muddatlarda qaytarib berish uchun tijorat banklari o'zlari, avvalambor, berilgan kreditlarni o'z vaqtida qaytishini taminlashi zarur. Aynan mana shu muammo bugungi kunda respublika bank tizimi oldida echilishi kerak bo'lgan eng dolzarb masalalardan biri bo'lib turibdi.

Banklarda qoniqarsiz, shubhali va umidsiz kreditlarni muammoli aktiv yoki kredit deb atashimiz mumkin.

3-diagramma.

Muammoli kreditlarning jami kreditlardagi ulushi dinamikasi, foizda*



*O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki sayti. – Foyqdalanish manbai: www.cbu.uz

Muammoli kreditlarning jami kreditlardagi ulushi 2017 yildan 2021 yilgacha bo’lgan muddatda muntazam ravishda o’sish tendentsiyasiga ega bo’lgan. 2017 yilda eng past ko’rsatkich 1.2 %ni tashkil etgan. Shuningdek, ushbu ko’rsatkich 2019 yilga qadar 1.5% ga ko’tarilgan (2018 yilda 1.28%, 2019 yilda 1.5%). 2020 yilda muammoli kreditlarning jami kreditlardagi ulushi 2.1% darajada sezilarli o’sdi. 2021-2022 yillarda esa bu ko’rsatkich keskin ko’tarildi va bank tizimi uchun salbiy holat hisoblangan 6.2 %lik darajaga yetdi.

Tijorat banklarining faoliyatida kreditlashning quyidagi shakllari qo’llaniladi:

Mijozni alohida ssuda hisobraqamidan bir marotabali kreditlash shakli. Kreditlashning ushbu shaklida mijozga kredit berish to‘g‘risidagi qaror qabul qilingandan keyin ssuda hisobraqami ochiladi va kredit bir marotabalik to‘lov shaklida mol yetkazib beruvchi yoki xizmat ko‘rsatuvchiga tashlab beriladi.

Mijozni kredit liniyasi ochish yo‘li bilan kreditlash shakli. Kreditlashning ushbu shaklida mijozga kreditlash limiti ajratiladi va ushbu limitdan foydalanish davri belgilanadi. Shuningdek, kreditning foiz stavkasi va mijozdan undiriladigan bir marotabalik komission to‘lov stavkasi belgilanadi Mijozdan qo‘srimcha ravishda undiriladigan komission to‘lov kredit liniyasi ochish yo‘li bilan kreditlashda tijorat banki uchun likvidlilik riskining mavjudligi bilan belgilanadi. Chunki mijoz talab qilgan har qanday vaqtda bank kreditni chiqarib berishi shart.

Kreditlashning yana bir shakli kontokorrent bo‘lib, nemis tilida so‘zlashuvchi mamlakatlarda (Germaniya, Avstriya, Shveysariya) yaxshi “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali I son 2023-yil 42

rivojlangan. Kreditlashning ushbu shaklida mijozning joriy hisobi yopiladi va uning o‘rniga kontokorrent hisobraqami ochiladi. Kredit olgan mijozning faoliyatidan keladigan barcha tushumlar kontokorrent hisobraqamining kreditida aks etadi, uning majburiyatlari yuzasidan barcha to‘lovlari kontokorrent hisobraqamining debetida aks etadi. Faktoring kreditlash shaklida kreditning foizidan tashqari, faktoring xizmati ko‘rsatganligi uchun mijozdan qo‘sishimcha komission to‘lov undiriladi. «Xalqaro faktoring to‘g‘risida»gi xalqaro konvensiyaga (UNIDRUA) asosan, operatsiya faktoring operatsiyasi sifatida tan olinishi uchun 4 ta talab mavjud va bu talablardan kamida 2 tasi bajarilsa, operatsiya faktoring operatsiyasi sifatida tan olinadi. Ular quyidagilar:

1. Qarz majburiyatlarini oldindan to‘lash shaklidagi kreditlashning mavjudligi.
2. Mol yetkazib beruvchining buxgalteriya hisobini yuritish.
3. Mol yetkazib beruvchining debtor qarzdorligini inkassatsiya qilish.
4. Mol yetkazib beruvchini kredit riskidan sug‘artalashning mavjudligi.

Respublika tijorat banklarining faoliyatidagi ayrim ko‘rsatkichlarni tahlil qilish jarayonida shu narsa aniq bo‘ldiki, tijorat banklarida kreditlash amaliyotini takomillashtirish borasida echimini topmagan ayrim muammolar mavjud bo‘lib, ular quyidagilardan iborat:

1. Respublikaning qator tijorat banklarida kredit portfelini diversifikatsiyalash talabiga rioya etilmayotganligi muammozi.
2. Respublika tijorat banklari tomonidan jismoniy shaxslarni kreditlash amaliyotining takomillashmagani. Shuningdek, mamlakatimiz tijorat banklari tomonidan jismoniy shaxslarga kredit xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq quyidagi muammolarni alohida ko‘rsatib o’tish zarur:

aholi ayrim toifasining to‘lov qobiliyati pastligi va oladigan daromadlar yetarli darajada emasligi;

olingo kreditlarning ko‘pchilik holatlarda maqsadsiz ishlatalishi;

tijorat banklarida jismoniy shaxslarning kredit qobiliyatini baholash bo‘yicha takomillashgan tizimning mavjud emasligi;

banklarning etarli resurs bazasiga ega emasligi;

iste’mol krediti ob’ekti sifatida tanlangan tovar va xizmatlar bahosining sun’iy ravishda oshirilishi.

3. Tijorat banklari kreditlash amaliyotida kredit shakllaridan to’laqonli foydalanimayotganligi. Ularning faoliyatida kreditlash shakllaridan optimal foydalinish muhim hisoblanadi. Chunki kreditlash shaklining to‘g‘ri tanlanishi kreditlash samaradorligini oshiradi, mijoz va bankning kreditlardan ma’lum darajada naf ko‘rishini ta’minlaydi.

4. Banklarda mijozlarning kreditga layoqatliligi ko’rsatkichlarini baholash tizimining takomillashmaganligi. Respublika tijorat banklarining kreditlash amaliyotida mijozlarning kreditga layoqatliligini baholashda kamchiliklarning mavjudligi kreditlashning samaradorligiga salbiy ta’sir etadi.

Yuqoridagi sanab o’tilgan tijorat banklarining kreditlash amaliyoti bilan bog’liq muammolarni bartaraf etishda ularning kreditlash salohiyatini oshirish yo’llarini takomillashtirish ijobiy natijalarga olib keladi hamda tijorat banklari tomonidan real sektorni moliyaviy qo’llab-quvvatlash hamda iqtisodiyotni modernizatsiya qilish jarayonlarida ularning ishtirokining faollashuviga olib keladi.

Xulosa

Tijorat banklari kreditlash amaliyotini takomillashtirilishi va zamonaviy usullarining oqilona qo’llanilishi kichik korxonalar va tadbirkorlik subyektlarini moliyaviy qo’llab-quvvatlash iqtisodiyotni taraqqiy ettirishning, eng avvalo, jamiyatni ijtimoiy va siyosiy yangilash, shuningdek aholi farovonligini va bandligini oshirish, ichki iste’mol bozorini milliy mahsulotlar bilan to’ldirish, ishlab chiqarishni sifat darajasiga ko’tarish va eksport salohiyatini oshirishning bosh dastagi hisoblanadi. Tahlil va kuzatishlar asosida tijorat banklarining kreditlash amaliyotini takomillashtirish borasida quyidagi tavsiyalar ishlab chiqildi:

1. Tijorat banklarining uzoq muddatli resurs bazasini shakllantirish orqali kreditlash salohiyatini oshirish. Tijorat banklari uzoq muddatli resurslarni jalb qilishda asosiy e’tiborni nodepozit manbalarga qaratishi maqsadga muvofiq. Jumladan, tijorat banklari tomonidan qimmatli qog’ozlar emissiyasi hajmini oshirish yo’li bilan barqaror resurs bazani shakllantirish lozim.

2. Respublikamiz tijorat banklari kreditlash amaliyotida zamonaviy kreditlash shakllaridan keng foydalanish lozim. Tijorat banklarining kreditlash amaliyotida kreditlashning zamonaviy usullarini qo’llash banklar va mijozlar uchun quyidagi ijobiy jihatlarni ta’minlaydi:

banklar jalb qilingan va o‘z mablag‘laridan samarali foydalanadi;

tijorat banklari mijozlari mablag‘larini bank talabiga ko‘ra kreditni qaytarishga yo’naltirish mumkin;

kredit hujjatlarini rasmiylashtirish tezkor va kredit olish imkoniyatlari yuqori;

ushbu kreditlash shakllarining ko‘p maqsadliligi ishlab chiqarish korxonalarining aylanma mablag‘larini aylanishini tezlashtiradi va ishlab chiqarish uzluksizligini ta’minlaydi;

mijozlar foydalangan kredit miqdori va muddatiga muvofiq foiz to‘lovlarni to‘laydi;

kreditlash jarayonida resurslardan samarali foydalanish bilan birga, bank likvidliliginini ta’minlaydi va boshqaradi;

tijorat banklari kreditlash faoliyatida kredit resurslari ma’lum davomiylilik asosida berilishi hisobiga kredit riskini pasayishini ta’minlaydi.

Tijorat banklari tomonidan kreditlashning zamonaviy shakllari va usullaridan foydalanish orqali respublikamiz banklarining kreditlash samaradorligi oshiriladi. Xususan, banklarning kredit operatsiyalari hajmi oshadi va kreditlardan olinadigan foizli daromadlarning barqaror o’sishi ta’minlanadi.

3. Banklarda mijozlarning kreditga layoqatliligi ko‘rsatkichlarini baholash tizimini takomillashtirish. Respublikamiz tijorat banklari amaliyotida mijozlarning kreditga layoqatliliginini baholashda muammolarni mavjudligi kredit portfeli sifatiga va uning barqaror o’sishiga salbiy ta’sir qilmoqda. Mijozning kredit to‘loviiga layoqatligining to‘g‘ri baholanishi kreditlarning o‘z vaqtida to‘la qaytishini ta’minlaydi.

4. Sifatli kredit portfelini shakllantirish va kredit monitoringini puxta tashkil etish va olib borish lozim. Kreditlash operatsiyalarining hajmi ko‘lamdorligi bilan birgalikda ularning risklilik darajasi oshib ketmasligi va sifatining yuqori bo‘lishi ham lozim. Agarda bank kreditlarining sezilarli darajada kata qismi bir sohada to‘planadigan bo‘lsa, bu sohadagi salbiy o‘zgarishlar kreditning qaytmasligiga, bu esa, o‘z navbatida, bank foydasi tushishiga olib keladi. Tijorat banklari sifatli kredit portfelini shakllantirish uchun avvalambor kreditlash jarayonini to‘g‘ri va sifatli olib borishi zarur. Kreditlar ajratish borasida qarorlar qabul qilishda banklarning kredit qo‘mitalari va mas’ul xodimlarining javobgarligini oshirish, kreditlardan foydalanish va qaytarilishi monitoringining mexanizmlarini bir xillashtirish, ular bo‘yicha risklarni o‘z vaqtida aniqlash, sifatli baholash va bartaraf etish, shuningdek, kreditlar bo‘yicha muammoli qarzdorliklarni paydo bo‘lishini oldini oluvchi choralar qabul qilish orqali tijorat banklarining kreditlash operatsiyalarini samarali tashkil etish va yuqorida berilgan barcha tavsiyalarni imkon qadar amaliyotga joriy etgan holda ularni takomillashtirish mumkin deb o‘ylaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-2025 yillarga mo’ljallangan “O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi 2020 yil 12 maydagi PF-5992-sod Farmoni. – Foyqdalanish manbai: www.lex.uz

2. O’zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2021 yil 10 dekabrdagi 2696-3- son bilan ro’yxatdan o’tgan “Tijorat banklarida aktivlar sifatini tasniflash va aktivlar bo’yicha ehtimoliy yoqotishlarni qoplash uchun zaxiralar shakllantirish hamda ulardan foydalanish tartibi to’g’risidagi Nizomga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish haqida” Nizom. – Foyqdalanish manbai: www.cbu.uz
3. Лексис В. Кредит и банки. – М., 1994. – 118 с.
4. Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. №2. С. 36-37.
5. Abdullayeva Sh.Z. Bank ishi. – T.: Iqtisod-Moliya, 2017. – 242-245-b.
6. Xoldorov. Sh.O. Tijorat banklarida qo’llaniladigan kreditlash shakllari va ularni amalga oshirish tartibi (PhD). Diss. Avtorefer. – Toshkent, 2018y
7. www.cbu.uz O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki sayti.

СУГУРТА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ МҲҲС ТАЛАБЛАРИ БЎЙИЧА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Очилов Илёс Келдиёрович

иқтисодиёт фанлари доктори
бухгалтерия ҳисоби кафедраси профессори
Тошкент молия институти

E-mail: ochilov1@tfi.uz, ilyos0471@mail.ru,
ORCID: 0000-0002-3350-0891

Умиров Абдисалом Тўраевич

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
иқтисодий хавфсизлик кафедраси доценти
Тошкент молия институти
E-mail: abdisalomumirov1975@gmail.com
ORCID: 8626 / 9-8X7M-8626

Аннотация

Мақолада суғурта ташкилотлари фаолиятини таҳлилига оид тушунчалар, суғурта ташкилотининг умумий хўжалик фаолиятини таҳлили билан боғлиқ мавжуд назарий қарашлар, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда янгича мазмун касб этган молиявий таҳлилни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган. Шунингдек, суғурта ташкилотларнинг молиявий таҳлили, молиявий потенциали, молиявий барқарорликни аниқлаш ва тўлов қобилияти билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳамда бошқарувда молиявий таҳлилдан самарали фойдаланиш бўйича муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта компанияси, молиявий таҳлил, бошқарув таҳлили, молиявий барқарорлик, тўлов қобилияти, молиявий салоҳият, суғурта захиралари, суғурта операциялари, инвестиция операциялари, молиявий операциялар.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ФИНАНСОВОГО АНАЛИЗА СТРАХОВЫХ ОРГАНИЗАЦИИ В СООТВЕТСТВИИ С ТРЕБОВАНИЯМИ МСФО

Ачилов Ильяс Келдиёрович

д-р экон. наук

профессор кафедры бухгалтерского учета

Ташкентский финансовый институт

E-mail: ochilov1@tfi.uz, ilyos0471@mail.ru,

ORCID: 0000-0002-3350-0891

Умиров Абдисалам Тураевич

д-р философии (PhD)

по экономическим наукам

доцент кафедры экономической безопасности

Ташкентский финансовый институт

E-mail: abdisalomumirov1975@gmail.com

ORCID: 8626 / 9-8X7M-8626

Аннотация

В статье рассмотрены дефиниции, связанные с анализом деятельности страховых организаций, существующие теоретические взгляды, касающиеся анализа их общехозяйственной деятельности, даны предложения по совершенствованию финансового анализа, которые приобрели новый смысл в условиях требований международных стандартов финансовой отчетности. Разработаны предложения и рекомендации, касающиеся проблем финансового анализа страховых организаций, их финансового потенциала, финансовой устойчивости и платежеспособности, а также вопросов эффективного использования финансового анализа в управлении.

Ключевые слова: страховая компания, финансовый анализ, управленческий анализ, финансовая устойчивость, платежеспособность, финансовый потенциал, страховые резервы, страховые операции, инвестиционные операции, финансовые операции.

IMPROVING THE METHODOLOGY OF FINANCIAL ANALYSIS OF INSURANCE COMPANIES IN ACCORDANCE WITH IFRS REQUIREMENTS

Ochilov Ilyas Keldiyorovich

Doctor Economy Sciences

Professor of the Department of Accounting

Tashkent institute of Finance

E-mail: ochilov1@tfi.uz, ilyos0471@mail.ru,

ORCID: 0000-0002-3350-0891

Umirov Abdisalam Torayevich

Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic
Associate Professor of the
Department of Economic Security
Tashkent institute of Finance
E-mail: abdisalomumirov1975@gmail.com
ORCID: 8626 / 9-8X7M-8626

Abstrakt

The article discusses the concepts associated with the analysis of the activities of insurance organizations, the existing theoretical views regarding the analysis of the general economic activities of an insurance organization, offers suggestions for improving financial analysis, which have acquired a new meaning in the conditions of the requirements of international financial reporting standards. Proposals and recommendations have been developed regarding the problems of financial analysis of insurance companies, their financial potential, financial stability and solvency, as well as issues of effective use of financial analysis in management.

Keywords: insurance company, financial analysis, management analysis, financial stability, solvency, financial potential, insurance reserves, insurance operations, investment operations, financial operations.

Кириш

Ҳар бир мамлакатда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботнинг тузишнинг тарихий ўзига хос қоидалари мавжуд. Бироқ, сўнгги йилларда, турли мамлакатларнинг ягона жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви тенденцияси кучайиб, турли мамлакатлар компанияларининг молиявий ҳисоботларини солишириш зарурати туғилмода. Шунинг учун дунё мамлакатларида молиявий ҳисббот фойдаланувчиларига тушунарли бўлган ҳалқаро бухгалтерия тилини ишлаб чиқиши долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлили

Суғурта ташкилотларининг молиявий таҳлили, бошқарув таҳлили, уларнинг молиявий салоҳияти, молиявий барқарорлиги, тўлов қобилиятини аниқлаш, суғурта заҳираларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишларига доир хорижий ҳамда республикамиз иқтисодчи

олимлари томонидан турлича назарий қарашлар, таҳлилий ёндашув ва таърифлар келтириб ўтилган.

Молиявий таҳлилнинг умумий жиҳатларини хорижий олимлардан А.Д. Шеремет, Е.А. Козельцева, В.В. Ковалев, Н.А. Казакова, Н. Н. Котова, Л.С. Васильева, М.В. Петровская, Е.Б. Герасимова, Д.В. Редин, С.И. Крылов, В.А. Файдушенко, Д.А. Ендовицкий, Н.П. Любушин, Н.Э. Бабичевалар тадқиқ этишган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.Т. Ибрагимов, М.Қ. Пардаев, Б.И. Исроилов, А.Х. Шоалимов, М.Ю. Раҳимов, Н.Ф. Ишанқулов ўзларининг илмий ишларида молиявий таҳлилнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ёритганлар.

Суғурта ташкилотлари молиявий ҳолатини, жумладан тўлов қобилияти ва барқарорлигини таҳлил қилиш масалалари И.С. Винникова, С.В. Куликов, Д.И. Жиляков, В.Г. Зарецкая, И.Н. Швецова, М.А. Пашкевич, В.И. Петрова, А.Я. Уварова, И.С. Астафурова, М.М. Болдырева, О.В. Парго каби россиялик олимлар ишларида қўриб чиқилган. Суғурта компанияларини молиявий таҳлил қилиш билан боғлиқ баъзи жиҳатлар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар М.Х. Ходжаева, С.Э. Ширинов, И.К. Очилов, Ш.Ш. Шоҳаъзамий, Б.Б. Алимов, Б.Ў. Ҳақбердиев ва Ю.У. Суннатовлар томонидан ўганилган.

Замонавий тадқиқотларда корхона даражасида хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш турларини таснифлашда икки ёндашув таклиф этилади. Биринчи ёндашув А.Д. Шеремет бошчилигидаги таҳлил мактабининг илмий қарашлари билан боғлиқ. Бунда корхонанинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ молиявий ва бошқарув таҳлиллар фарқланади, яъни иқтисодий фаолият таҳлили икки қисмга ажратилиб, улар кўпинча ташқи ва ички молиявий таҳлил деб ҳам аталади. Бу ерда таҳлилни молиявий ва бошқарув қисмларга бўлиш бухгалтерия тизимини молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлиш мантиғидан келиб чиқилади [2].

Иккинчи ёндашув В.В. Ковалев бошчилигидаги таҳлил мактаби томонидан таклиф қилинган. Бунда корхона иқтисодиёти таҳлили техник-иқтисодий таҳлил ва молия-хўжалик фаолияти таҳлилига асосланган бўлиб, корхона хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг икки турини, яъни молиявий (ташқи молиявий таҳлил) ва ички (ички ишлаб чиқариш таҳлили) таҳлилларни ўз ичига олади. Молиявий-хўжалик фаолият таҳлилини турларга бўлишнинг маъноси шундаки, биринчи таркибининг ахборот базаси ташқи фойдаланувчилар учун мавжуд бўлган молиявий ҳисоботлар бўлса, иккинчи таркиб ёпиқ маълумотлар, яъни корхонанинг бошқарувчиларига рухсат этилган маълумотлар базаси ҳисобланиб, улар тижорат сири сифатида сақланади [1].

М. А. Рябованинг фикрича, бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларни таҳлил қилиш “... ташкилотнинг молиявий ва хўжалик фаолиятини ички ва ташқи фойдаланувчилар томонидан иқтисодий таҳлил қилишнинг асоси ва муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бунинг сабаби шундаки, замонавий иқтисодий шароитда молиявий ҳисоботларда келтирилган маълумотлар, бир томондан, юқори даражадаги ишончлиликка эга, бошқа томондан, ташқи молиявий таҳлил учун қулайроқдир Таҳлил бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув қарорларини қабул қилиш ўртасидаги етакчи боғловчи бўғин бўлиб, шунинг учун у иқтисодий субъектнинг инқирозсиз ривожланишини таъминлашнинг муҳим дастаги ҳисобланади” [3].

Таҳлил ва натижалар

Молиявий таҳлил – барча турдаги корхона хўжалик фаолиятида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ва молиявий ресурслар ҳаракатини илмий асосда ўрганишdir. Суғурта ташкилотининг молиявий таҳлилига бўлган эҳтиёжи суғурта фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқади. Суғурта мустақил иқтисодий котегория сифатида суғурта ҳодисаси юз берганда бир гурӯҳ манфаатдор шахслар маблағлари ҳисобидан фуқаро, корхоналар, давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги молиявий муносабатлардир. Суғурта фаолиятидаги "манфаат" сўзи том маънода фойда деган маънони англатади, шунинг учун суғурта ташкилотларининг молиявий таҳлилдан фойдаланишга эҳтиёж туғилади.


Суғурта ташкилотининг молиявий таҳлили – бу суғурта қилувчининг ишончлилигини баҳолашга мўлжалланган таҳлилий процедуралар мажмуидир, шунингдек суғурта қилувчининг фаолиятини оптималлаштиришда бошқарув қарорларини қабул қилиш ёки у билан ҳамкорлик қилишда фойдаланилади [4].

Суғурталовчининг ишончлилиги, биринчи навбатда, суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини назарда тутади. Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги суғурталовчининг молиявий ҳолати кўрсаткичларининг барқарорлигидан далолат беради. Суғурта ташкилотининг молиявий ҳолатининг барқарорлиги – бу, биринчи навбатда, аниқ бир суғурталовчининг тўлов қобилияти ҳисобланиб, у бир қанча омиллар ва кўрсаткичлардан ташкил топади.

Суғурта ташкилотлари молиявий таҳлилининг асосий мақсади суғурта хизматларидан фойдаланувчиларда суғурталовчининг ишончлилиги тўғрисида тўлиқ тасаввур ва ахборотларни шакллантиришдан иборат (1-чизма).

1-чизма.

Суғурта ташкилотининг умумий хўжалик фаолияти таҳлилиниң туркумланиши*



*Муаллифлар ишланмаси.

Суғурта ташкилотининг молиявий таҳлилиниң вазифалари мақсадига қараб қўйидагилар бўлиши мумкин.

суғурталовчининг тўлов қобилиятини баҳолаш;
суғурта портфели балансини баҳолаш;
суғурталовчининг ва бошқаларнинг молиявий рақобатбардошлигини баҳолаш.

Суғурта фаолиятининг кўп қирралилиги молиявий таҳлилда қатор кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни талаб қиласди.

“Суғурталовчининг молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими деганда, маълум бир субъектнинг ҳолати ва ривожланишини ҳар томонлама акс эттирувчи ўзаро боғлиқ қадриятлар мажмуи тушунилади. Улардан энг муҳимлари:

- ўрганилаётган мавзу ёки ҳодисанинг барча жиҳатлари тизимининг кўрсаткичлари билан қамраб олиниши;
- бу кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- текшириш мумкинлиги” [5].

Бинобарин, суғурта ташкилотининг молиявий ҳолатини белгилайдиган таҳлилнинг учта йўналишини (суғурта, инвестиция ва молиявий) ажратиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал.

Суғурта ташкилотининг молиявий ҳолатини белгилайдиган йўналишлар*

Молиявий таҳлил йўналишлари	Суғурта операциялари	Инвестицион фаолияти	Молиявий фаолият
1-йўналиш	Молиявий потенциални аниқлаш		
2-йўналиш	Молиявий барқарорликни аниқлаш		
3-йўналиш	Молиявий натижаларни аниқлаш		

*Муаллифлар ишланмаси.

Суғурта операциялари жараёнида суғурта мукофотлари, тўловлар тўланаси билан боғлиқ шартномалар тузилиши назарда тутилади. Инвестиция операциялари, асосан, суғурта захираларини ва суғурталовчининг ўз маблағларини белгиланган меъёрий обьектлар ўлчамлари ва турларига мувофиқ жойлаштиришдир.

Суғурталовчининг молиявий салоҳияти суғурта ташкилотининг молиявий қудратини тавсифлайди (2-чиизма).

2-чиизма.

Суғурта ташкилотининг молиявий салоҳияти *



*Муаллифлар ишланмаси.

Молиявий салоҳият суғурта ташкилотининг эришилган молиявий натижалари билан боғланган бўлади. Бундан ташқари, у бир қатор фаол ва пассив баланс моддалари ва улар орасидаги нисбатлар билан тавсифланади. Суғурталовчининг молиявий салоҳиятини ва унинг ҳисобот давридаги ўзгаришини баҳолаш орқали баланс ликвидлигини таҳлил қилиш мумкин.

Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги – бу суғурталовчининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар олдидағи ҳар қандай

нокулай вазиятда, ҳозирги ва келажақда ўз мажбуриятларини бажаришидир.

Суғурталовчининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг кафолати иқтисодий асосланган суғурта тарифларини ишлаб чиқишини талаб этади. Бу учун, албатта, суғурта биргаликда суғурта, қайта суғурталаш, ўзаро суғурта шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган суғурта захиралари, ўз маблағлари, қайта суғурталаш маблағлари ҳамда суғурта захиралари ва суғурталовчининг ўз маблағлари диверсификация, ликвидлик ва қайтариш талабларига жавоб берадиган активлар билан таъминланиши керак бўлади.

Суғурталовчининг молиявий барқарорлигига суғурта компаниясининг устав ва бошқа ўз маблағларини қўпайтириш, қонун ҳужжатларига мувофиқ устав капиталининг миқдорини соғф активлар миқдорига мослаштириш,

тўғри ҳисобланган, фарқланган ва мослашувчан суғурта тарифларини кўллаш,

суғурта тўловларини кафолатлайдиган суғурта захираларини меъёрий ва услубий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда шакллантириш, маълум бир ризк учун максимал жавобгарлик стандартига мувофиқликни таъминлаш,

катта рискларни қайта суғурталаш, суғурталовчининг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбатнинг стандарт ўлчамларига мувофиқликни таъминлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш каби кўрсаткичлар орқали эришилади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлиги унинг жорий, инвестиция ва молиявий ривожланиш натижаларини тавсифлайди, шунингдек суғурта компаниясининг қарз ва мажбуриятларини бажариш қобилиятини акс эттиради ва келгусида ривожланиш манбаларининг ҳажмини белгилайди.

Ҳозирги вақтда хўжалик субъектнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш бўйича ягона фикр мавжуд эмас ва "молиявий барқарорлик" тушунчаси турлича талқин этилади. Жумладан, А.Д. Шеремет "молиявий барқарорлик" тушунчасини компаниянинг доимий тўлов қобилиятини кафолатлайдиган маълум бир счёtlар ҳолати сифатида эътироф этади [2].

Молиявий барқарорликни баҳолаш учун универсал кўрсаткичлар тўплами йўқ. Амалиётда молиявий барқарорликни баҳолашда ушбу корхонанинг ўзига хос хусусиятларига мос келадиганларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, корхонанинг ўзига хос ҳаёт циклига таъсир этувчи омиллар, кўрсаткичлар ва чекловларни аниқлаш зарур.

Суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлиги суғурталовчи фаолиятининг потенциал (таркибий) ва динамик кўрсаткичлари (даромади - харажати) билан белгиланади. Бир томондан, бу суғурталовчининг ўз “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı I son 2023-yil 54

маблағлари ва мажбуриятларининг қиймати, бошқа томондан, сұғурта ташкилотининг молиявий натижасига таъсир этувчи күрсаткичлар, яни активларни жойлаштириш (инвестициялар), ягона рискларни чеклаш (қайта сұғурта қилиш), тариф сиёсати ва бошқалар.

Фикримизча, сұғурта портфелини оқилона шакллантириш сұғурталовчининг энг муҳим вазифасидир. Чунки айнан шу босқичда унинг кейинги сұғурта фаолиятининг пойдевори қўйилади ва сұғурта ташкилотининг келажақдаги молиявий натижалари белгиланади. Молиявий натижа (фойда ёки зарар) – бу сұғурта ташкилотининг молиявий ёки хўжалик фаолиятининг натижаси бўлиб, у корхонанинг муваффакияти ёки муваффақиятсизлигини кўрсатади.

2-жадвал.

Сұғурта ташкилоти молиявий барқарорлигининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларнинг мазмуни ва меърий қийматлари
Молиявий левериж коэффициенти (Debt-to-equity ratio, Financial leverage).	Қарзга олинган капиталнинг ўз капиталига нисбати. Меърий қиймат: 1,5 ёки ундан кам (оптимал 0,43-1).
Молиявий қарамлик коэффициенти (Debt ratio, Debt to Assets).	Қарз олинган капиталнинг умумий активларга нисбати. Меърий қиймат: 0,6 ёки ундан кам (оптимал 0,3-0,5).
Узоқ муддатли қарзларнинг хусусий капиталга (Long-term debt to Equity) нисбатан коэффициенти.	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўз капиталига нисбати.
Доимий активнинг индекси (Non-current assets to Net worth).	Узоқ муддатли активлар қийматининг ташкилот капитали қийматига нисбати. Меърий қиймат: 1,25 дан ошмайди.
Капитализация коэффициенти (Capitalization ratio).	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг ўз капитали ва узоқ муддатли мажбуриятлар миқдорига нисбати.
Узоқ муддатли моддий активларнинг ўз капиталига (Fixed assets to Net worth) нисбати.	Узоқ муддатли моддий активлар қийматининг ташкилот капитали қийматига нисбати. Меърий қиймат: 0,75 дан ошмайди.
Қисқа муддатли мажбуриятлар коэффициенти (Current liability ratio).	Қисқа муддатли қарзнинг умумий қарзга нисбати.

Суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш даромад ва харажатларни баҳолашни, омилларнинг якуний молиявий натижага таъсирини аниқлашни, асосий (суғурта) ва инвестицион фаолиятдан даромадларни ошириш учун захираларни белгилаб олишни ўз ичига олади. Суғурта, инвестиция, молиявий операцияларнинг кумулятив натижаси суғурталовчи фаолиятининг молиявий натижасини ифодалайди. Бундан келиб чиқадики, суғурталовчи молиявий натижани ўз капиталининг ўсиш манбаи сифатида суғурталовчининг ҳар бир фаолият тури натижаларини ва ҳар бир натижага таъсир этувчи омилларни ўрганмасдан тўлиқ таҳлил қила олмайди.

Суғурта ташкилоти фаолиятининг ҳақиқий натижаси йил давомида барча турдаги операциялар балансидир. Фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича баланс турли хил ташқи ва ички шароитлар таъсирида фойда ва заарга ўзгариши мумкин ва бу тебранишлар ўзаро боғлиқ эмас. Шундай қилиб, айтишимиз мумкинки, суғурта ташкилотининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) суғурталовчининг даромадлари ва харажатларини таққослаш орқали аниқланади.

Хулоса

Молиявий барқарорликни баҳолаш учун универсал кўрсаткичлар тўплами мавжуд эмас. Амалиётда молиявий барқарорликни баҳолашда ушбу корхонанинг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган кўрсткичларни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта фаолиятининг молиявий таҳлил нуқтаи-назаридан ўзига хос жиҳатлари сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

суғурта фаолиятида ишлаб чиқарувчи корхоналаридаги каби ишлар циклининг мавжуд эмаслиги;

даромадларнинг харажатлардан олдин келиб тушиши ва харажатларнинг даромаддан кейин амалга оширилиши;

молиявий салоҳият шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари, масалан, суғурта мукофотлари сифатида жалб қилинган капиталнинг ташкилот капиталидан бир неча баробар кўп бўлиши.

Суғурта ташкилотларининг молиявий таҳлили услубиёти ўз ичига бир нечта босқиларни қамраб олади:

суғурталовчининг молиявий мендженменти базавий тушунчаларини аниқлаш;

кўрсаткичларни таснифлаш ва танлаш ва ундан кейингина уларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш.

Суғурта компанияларининг хусусиятларини инобатта олиб, молиявий таҳлилнинг ягона халқаро Solvency II талабларини Ўзбекистон Республикасида қўллаш учун алоҳида методология ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида суғурта ташкилотларининг молиявий таҳлили услубиётини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари талаблари доирасида такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг консолидациялашган ҳисботлари асосида молиявий таҳлили услубиётини ишлаб чиқиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. – М.: Финансы и статистика, 2002. – С. 26, 31.
2. Куликов С.В. Финансовый анализ страховых организаций: учебное пособие. – Ростов н/Д.: Феникс, 2009. – 224 с.
3. Рябова М. А. Анализ финансовой отчетности : учебно-практическое пособие / М. А. Рябова. – Ульяновск: УлГТУ, 2011. – 237 с.
4. Шеремет А. Д. Методика финансового анализа / Шеремет А.Д., Сайфуллин Р.С. – М.: ИНФРА-М, 1995. – С. 6-8.
5. Шеремет А. Д. Методика финансового анализа: учебное пособие – М.: ИНФРА-М, 2001. – 536 с.

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ҲУҶУҶИЙ-ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Хошимов Сабир Муртазаевич

*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедраси доценти
Тошкент молия институти
E-mail: Xoshimov.1976@mail.ru
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Аннотация

Мақолада мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, уларнинг таснифи, хорижий инвесторларга яратилган шарт-шароитлар таҳлил этилган. Шунингдек миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда дунёning иқтисодиёти ривожланган давлатларининг инвестиция соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш, мамлакатда инвестиция фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ҳамда инвестиция соҳасидаги ҳалқаро қонунчилик нормаларига оид масалалар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: инвестиция муҳити, хорижий инвестициялар, инвестиция рисклари, инвестицияларни суғурталаш, реинвестиция, консерватив инвестициялар, агрессив инвестициялар.

РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ И ПРАВОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ

Хошимов Сабир Муртазаевич

*доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры оценочного
дела и инвестиций
Tashkent Institute of Finance
E-mail: Xoshimov.1976@mail.ru
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Аннотация

В статье исследуются экономическая сущность иностранных инвестиций, их классификация, экономические условия, создаваемые для

иностранных инвесторов и являющиеся важными для развития экономики страны, а также изучены вопросы, связанные с опытом экономически развитых стран в сфере привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику, проблемы повышения эффективности инвестиционной деятельности в стране, проанализированы международно-правовые нормы в сфере инвестирования.

Ключевые слова: инвестиционная среда, иностранные инвестиции, инвестиционные риски, страхование инвестиций, реинвестирование, консервативные инвестиции, агрессивные инвестиции.

THE ROLE OF FOREIGN INVESTMENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY AND LEGAL AND ECONOMIC CONDITIONS

Khoshimov Sabir Murtazaevich

*Doctor of Philosophy
(PhD) in Economics
Associate Professor of the Department
of Appraisal and Investments
Tashkent institute of Finance
E-mail: Xoshimov.1976@mail.ru
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Abstract

The article examines the economic essence of foreign investments, their classification, the economic conditions created for foreign investors and which are important for the development of the country's economy, as well as the issues related to the experience of economically developed countries in the field of attracting foreign investment in the national economy, the problems of improving the efficiency of investment activities in the country, analyzed the international legal norms in the field of investment.

Keywords: investment environment, foreign investment, investment risks, investment insurance, reinvestment, conservative investment, aggressive investment.

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти интеграциялашувининг замонавий босқичида мамлакатлар ўртасида капитал оқимининг тобора кучайиши турли мамлакатлар иқтисодиётида инвестицион фоолиятнинг энг муҳим элементларидан бирига айланмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибадорлиги мамлакатда

қанчалик даражада қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги, чет эл инвесторларига берилган имтиёзлар ва преференциялар, айниқса, хорижий инвесторларнинг барча бойликларининг кафолатли химояланганлиги билан белгиланади. Шундай экан, инвестиция фаолияти самарадорлигини таъминлашда, аввало, унинг илмий-назарий асосларини тадқик қилиш, ҳуқуқий-меърий асосларини яратиш ва доимий такомиллаштириб боришни тақозо қиласди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида инвестиция сиёсатини юритишида давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш кераклиги, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарурлиги, натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши таъкидлаб ўтилди [4].

Инвестициялар, хусусан, хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти юқори экан, мавжуд инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш зарур. Бунинг учун инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосларини доимий такомиллаштириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш, хорижий инвесторларга самарали имтиёзлар тизимини тақдим қилиш, инвестиция фаолиятига оид маълумотлар базасини шаффофлигини таъминлаш лозим.

Адабиётлар шарҳи

Таҳлил қилинаётган мавзу хорижий инвестициялар билан боғлиқ экан, дастлаб хорижий инвестицияларга турли иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ва назарий қарашларни қиёсий таҳлил қиласми.

Мамлакатлар ўртасидаги капитал оқими муносабатларини ўрганишида, капитал оқими сабабларини инглиз иқтисодчиси Джон Стюарт Милль кўрсатиб ўтган [5]. Яъни мамлакатлар ўртасида капитал оқими турли давлатлардаги фойда меърининг турличалиги сабабли юз беришлиги таъкидлаб ўтилган.

Хорижий инвестицияларининг умумий таърифи Ф. Хениуснинг 1947 йил АҚШда чоп этилган ташқи савдо луғатининг 2-нашрида қўйидагича берилган: Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт килинган инвестициялар» [6].

МДҲ давлатларидан россиялик олим Н.Н. Ливенцевнинг фикрича: "... иқтисодий ривожланганлик даражасидан қатъий назар ҳар қандай мамлакат чет эл инвестицияларини жалб қилишга ҳаракат қиласди ва уларни жалб

қилишда макроиктисодий омиллар, жумладан, ички бозор ҳажми, валюта сиёсати, сиёсий барқарорлик, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, ишчи кучи малакаси муҳим ўрин эгаллайди” [7]. Олимнинг тадқиқотларида капиталнинг ҳалқаро ҳаракати, бу борада хорижий мамлакатлар инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Ўзбекистонлик олимлар А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажибакиев ва Н.Г. Муминовларнинг илмий ишида хорижий инвестицияларнинг мазмуни, турлари, уларни жалб қилиш шакллари, иқтисодиёт тараққиётидаги роли, чет эл сармояларининг ҳалқаро ҳаракати, эркин иқтисодий зоналарга инвестицияларни жалб қилиш каби масалалар тадқиқ этилган[11].

Профессор Д.Ғ. Фозибековнинг хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қуйидаги фикрлар баён қилинган: «Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, хуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради» [9]. Мазкур назарий қарашда хорижий инвестициялар инвестиция қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитига боғланади, лекин капитал киритиш мақсади акс этмай қолган.

Иқтисодиёт фанлари доктори Н.Р. Кўзиеванинг илмий ишларида хорижий инвестицияларнинг моҳияти тўғрисида: «Келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли куринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулқ, интелектуал бойликлар ва бошқалар.) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивиденdlар, лицензия ва комиссион мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни қўйилишига хорижий инвестициялар дейилади» [12], деган таъриф келтирилган. Олимнинг хорижий инвестицияларига берган таърифида инвестицияларни амалга оширишдаги рисклар ва ижтимоий самара ҳисобга олинмаган ҳамда капитални киритишнинг муайян муддати кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида: “Чет эл инвестициялари – чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари обьектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳукуқлар, шу жумладан интелектуал мулк обьектларига бўлган ҳукуқлар, шунингдек реинвестициялар” деб таъриф берилган [1]”. Айнан қонунчиликда берилган таърифда капитал оқимининг

иккинчи субъекти ва киритиш муддати ёритилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Хорижий инвестициялар шаклига кўра, тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларига бўлинади. «АҚШ ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки статистикаси, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра, ками билан корхонанинг 10 фоизи акциясига эга бўлсагина, бундай инвестициялар тўғридан-тўғри инвестиция деб тан олинади». Бу кўрсаткич «Европа Ҳамжамияти давлатларида – 20-25 фоиз, Канада, Австралия ва Янги-Зеландияда – 50 фоизни ташкил этади» [14].

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ти Конунида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари сифатида чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари хисобидан инвестициялари тушунилади [1]. Хорижий инвестицияларни таснифлашда нетто хорижий инвестициялар (соф хорижий инвестициялар) сифатида, иккинчидан, реинвестиция – бирламчи инвестиция фаолиятидан олинган фойданинг бир қисмини қайта инвестициялаш, учинчидан, дезинвестиция ва, тўртинчидан, брутто-хорижий инвестициялар (ялпи хорижий инвестициялар), яъни нетто инвестициялар билан реинвестицияларни йиғиндисидан дезинвестицияларни айирганда аниқланадиган жами хорижий инвестицияларни ажратиш керак (1-жадвал).

1- жадвал.

Хорижий инвестициялар таснифи*

1.	Шаклига кўра	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар
		Портфель хорижий инвестициялар
		Бошка хорижий инвестициялар
2.	Статистик ҳисобга олиниши бўйича	Нетто-хорижий инвестициялар
		Хорижий реинвестициялар
		Хорижий дезинвестициялар
		Брутто-хорижий инвестициялар
3.	Манбаларига кўра	Хусусий хорижий инвестициялар
		Давлат хорижий инвестициялари
		Халқаро ташкилотлар хорижий инвестициялари
		Аралаш хорижий инвестициялар
4.	Жойлаштириш йўналишларига кўра	Чет эл инвестициялари
		Хорижга йўналтирилган инвестициялар
		Қисқа муддатли хорижий инвестициялар

5.	Амалга ошириш муддатига кўра	Ўрта муддатли хорижий инвестициялар Узоқ муддатли хорижий инвестициялар
6.	Амалга ошириш мақсадига кўра	Ишлаб чиқариш хорижий инвестициялари
		Спекулятив хорижий инвестициялар
		Хеджирлаштирилган хорижий инвестициялар
		Қарз шаклидаги хорижий инвестициялар
7.	Инвестиция қилинаётган капитал шаклига кўра	Моддий активлар кўринишидаги хорижий инвестициялар
		Пул ва молиявий активлар кўринишидаги хорижий инвестициялар
		Номоддий активлар ва интелектуал бойликлар кўринишидаги хорижий инвестициялар
8.	Риск даражасига кўра	Консерватив инвестициялар
		Агрессив инвестициялар

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, фикримизча, инвестицияларнинг дастлабки мақсадига қараб, хорижий инвестицияларни: 1) ишлаб чиқариш инвестициялари, яъни вақт, ликвидлик ва риск омилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш соҳасига мақсадли равишда киритилган инвестициялар; 2) спекулятив инвестициялар, уларнинг асосий мезони қисқа вақт ичida энг юқори рентабелликни таъминлаш ва улар глобал молиявий бозорни беқарорлаштириш жараёнларини кучайтирадиган "қайноқ пул"нинг асосий оқимини ташкил этади; 3) хеджирлаш; 4) ликвидликни таъминлаш, ўз мақомини мустаҳкамлаш ва бошқалар бўлиши мумкин. Риск даражасига кўра консерватив инвестициялар, яъни риск даражаси паст инвестициялар ишончлилиги ва ликвидлиги билан тавсифланади. Агрессив инвестициялар эса етарли рентабеллик ва ликвидлик билан ажralиб турувчи юқори рискли қўйилмалардир.

Иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлиги бевосита мамлакатнинг инвестиция муҳити билан боғлиқ. Ш.И. Мустафакуловнинг фикрича: «Инвестицион муҳит инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини белгилайдиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шакланади» [10]. Иқтисодчи-олимлардан А. Вахабов, Ш. Хажибакиев, Н. Муминовлар инвестицион муҳит тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг риск даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий,

юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир» [11]. Шундай экан, хорижий инвестицияларнинг реципиент давлат иқтисодиётига таъсири инвестицион мухитнинг қанчалик даражада жозибадорлигига боғлиқ (2-жадвал).

2-жадвал.

Хорижий инвестицияларнинг инвестиция қабул қилувчи давлат иқтисодиётига таъсири*

Ижобий таъсир	Салбий таъсир
1) умумий иқтисодий самарадорлик:	
Рақобатнинг ривожланиши	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар позициясининг кучсизланиши
Иқтисодий ўсишнинг тезлашиши	Иқтисодий ўсиш сифатининг ёмонлашуви
Миллий иқтисодиётда чегараланган ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	Иқтисодий қарамликнинг кучайиши ва иқтисодий мустақилликни йўқотиш риски
Ички жамғармалар танқислигини тўлдириш имконияти	Тармоқлараро номутаносибликтининг кучайиши
2) молиявий-валюта самарадорлиги:	
Капитал оқими киримининг ошиши ва тўлов балансининг яхшиланиши	Капитал чиқиши оқимининг ошиши ва тўлов балансининг ёмонлашиши
Солик тушумларининг ўсиши	Фойданинг репатриация қилиниши
3) ижтимоий-иқтисодий ва экологик самарадорлик:	
Аҳоли даромадлари ва бандлигининг ўсиши	Иш хажмини камайтирадиган илғор технологияларни қўллаш оқибатида бандликнинг қисқариши
Корхоналарда менежментни такомиллаштириш	ТМК таъсирини кучайиши натижасида истеъмол тузилмасининг ўзгариши
Мехнат унумдорлигининг ўсиши	Аҳоли даромадлари дифференциясининг кучайиши ва ижтимоий тенгсизликнинг чуқурлашуви
Дўстона экологик технологияларнинг жалб қилиниши	Экологик жиҳатдан заарли ишлаб чиқаришнинг кўпайиши
4) технологик самарадорлик:	
Илғор технологияларни жалб қилиш	Экологик ва кам харажатлилик жиҳатдан замонавий талабларга жавоб бермайдиган эски технологияларни олиб кириш
Илмий-техник тараққиётнинг тезлашиши	Технологик қарамлиликтининг кучайиши

*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва муҳофаза этиш тартиблари тўғрисида»ги Фармоннинг [15] қабул қилиниши хорижий инвестицияларни жалб этиш, жадал суръатлар билан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг вужудга келиши ва улар фаолиятининг ривожланиш жараёнини бошлаб берди.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларини ривожлантиришнинг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 609-1-сонли “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, 1998 йил 30 апрелдаги 611-1-сонли “Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги 719-1-сонли “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонунлари қабул қилинди.

Мамлакатда ички ва ташқи инвесторлар билан ишлашда, айниқса жойларда инвесторларнинг ташабbusлари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар мавжудлиги қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига тўқинлик қилмоқда эдики, айнан шу масалаларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди [16].

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда мавжуд инвестиция муҳитини такомиллаштириш, дунёning етакчи иқтисоди ривожланган давлатларнинг инвестиция соҳасидаги тажрибаларини оммалаштириш, мамлакатда инвестиция фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида инвестиция соҳасидаги ҳалқаро қонунчилик нормаларини чуқур таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикасида инвестиция соҳасида янги таҳrirдаги қонун қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Шундан келиб чиқиб, 2019 йил 25 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида» [1] ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун, мавжуд қонун қабул қилингунча амалда бўлган инвестиция соҳасидаги барча қонунларни ўзида бирлаштириб, янги боб ва моддалар билан тўлдирилди. Масалан, қонуннинг 1-боб, 3-моддасида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларига таъриф берилди, 6-боб, 35-моддасида инвестицияга оид солиқ кредити тушунчаси киритилди.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш орқали мамлакатнинг айрим худудларига хорижий инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш амалиётда ўз исботини топган. Эркин иқтисодий худудлар фаолият юритаётган 123 та мамлакатлар орасида энг кўпи АҚШга тўғри келади. Масалан, ҳозирги кунда АҚШда 230 дан ортиқ уч турдаги: ташқи савдо, тадбиркорлик ва технологияларни жорий этиш худудларини (технопарк) ўз ичига олган эркин иқтисодий худудлар фаолият юритади. Осиё мамлакатлари орасида Хитой давлатини алоҳида айтиб ўтиш лозим, бугунги кунда 102 тадан ортиқроқ эркин иқтисодий худудлар фаолият юритмоқда.

Хулоса

Бугунги кунда Республикаизда хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, мавжуд инвестиция муҳити, хорижий инвестицияларни кафолатли ҳимоялаш механизмлари мамлакатнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларини ривожлантириш учун ташқи капиталдан етарлича фойдаланиш имконини бермайди. Шундан келиб чиқиб, миллий инвестиция дастурларини муваффақиятли амалга оширишда самарали давлат инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиши, худудий инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириши ва хорижий инвестицияларни сугурта воситасида кафолатли ҳимоя қилишнинг мукаммал механизмларини яратишини тақозо қилмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистонда жозибадор инвестиция муҳити яратилган, деб айтиш бир мунча мураккаброқ, аммо, кўпчилик хорижий инвесторлар хорижий бизнес фаолиятини учун барқарор ривожланиш шарт-шароитлари мавжудлигини кўрсатади. Хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги асосий тўсиқлар сифатида иқтисодиётдаги бюрократия ҳолатлари, кучли монополия, инвестиция низоларини ҳал этишда суд тизимидағи муаммолар, мавжуд қонунчиликка амал қилмаслик, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашнинг самараисизлиги ҳамда етарлича ривожланмаган инфратузилмани санаб ўтиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлатнинг инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги сиёсати қўйидаги, яъни: сиёсий барқарорликни таъминлаган ҳолда иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш, мулкчилик хуқуқини сўзсиз ҳимоялаш, жумладан, акция эгаларининг акционер жамиятлари бошқарувидаги хуқуқлари, ортиқча қоғозбозлик ва мажлисбозликни камайтириш, коррупцияга олиб келувчи ҳолатларни кескин

чеклаш, солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш, бўлажак сармоядорлар назарида Ўзбекистон имиджини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш каби устувор йўналишларга қаратилиши лозим, деб ўйлаймиз

Шуни ҳисобга олиш керакки, инвесторнинг миллатидан қатъий назар инвестицияларнинг ягона қоидаларига риоя қилиш, истисно тариқасида қонун хужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ва преференциялар бериш имкониятини яратиш ва бошқа омиллар инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишнинг муҳим шартлари бўлиб қолмоқда. Қисқа муддатда маълум даражада маҳсус имтиёзларни тақдим этиш механизмлари умумий инвестиция муҳитининг жозибадорлигини оширишга ва номукаммал қонунчилик базасининг камчиликларини ёпишни таъминлаб туради. Албатта, юқори технологияли ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатига қаратилган инвестицияларни устувор деб қараш керак. Ички бозорни тўйинтирган ҳолда, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш тобора муҳим аҳамият касб этади, бу, ўз навбатида, миллий ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ташқи бозорлардаги позицияларини юқори рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Худудий инвестиция сиёсатини юритиш нуқтаи назаридан хорижий инвестициялар оқимини қўпроқ вилоятлар ва худудий туманларга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Субъектларга инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солиш масалаларида катта ваколатлар берилиши лозим. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни рағбатлантириш бўйича сиёсатни ишлаб чиқишида уч жиҳатни эътиборга олиш лозим:

давлат ва давлат органлари ваколатларини камайтириб, уларнинг бир қисмини қўйи даражага ўтказишни таъминлаш лозим;

қўйи худудлардаги президент вакиллари худудларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тармоқ ва географик устуворликларини аниқлайди, кузатиб боради, барча бозор иштирокчилари учун ягона ўйин қоидаларига риоя қилишни таъминлаши керак;

жойлардаги хукумат субъектлари барча бозор иштирокчилари учун қонун хужжатларида назарда тутилган тузатишлар ва соддалаштиришга асосланган ягона ва қулай инвестиция режимини киритиши лозим. Бундай ўзгаришларнинг муҳим қисми билвосита эмас, туғридан-тўғри тартибга солиш чоралари бўлиши керак.

Хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳаларнинг вилоят ва туман худудларида амалга оширилиши айнан шу худудларда инфратузилмани ривожлантиришга, ҳудудда ишсизликни камайтиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кенг миқёсда қайта ишлаш саноатига асос солишида, бир сўз

билин айтганда, ахоли даромадларини ошиши ва турмуш шароитларини яхшиланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – – Фойдаланиш манбаи: – <https://lex.uz/docs/4664142>

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 17 февралдаги ЎРҚ-604-сон “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни. – – Фойдаланиш манбаи: <https://lex.uz/docs/4737511>

3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сон «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. – Фойдаланиш манбаи: <https://lex.uz/docs/2876354>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаати. – Фойдаланиш манбаи: <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi>

5. Бартенев С.А. История экономических учений: учебник: [для студентов высших учебных заведений, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям] / С. А. Бартенев. – Москва: Магистр: Инфра-М, 2013. – 476 с.

6. Dictionary of Foreign Trade. by F.Henus Sec/ Ed. N4.,1947, P.387.

7. Ливенцев Н.Н. Международное движение капитала (инвестиционная политика зарубежных стран): учебник для вузов. – М.: Экономистъ, 2004. – С. 367.

8. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. – Т.: Moliya, 2010. – В.328.

9. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003.

10. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Тошкент. Маънавият, 2017. – Б. 41.

11. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар: ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – Б. 153.

12. Кўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизmlарини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фанлари доктори ... диссертация автореферати. – Тошкент. БМА, 2008. Б. 11.

13. Мировые инвестиции.// Деловой партнер Узбекистана. Ташкент, 2001, 1 февраль, №5 (352). – С. 3.
14. Доклад Всемирного банка / World Development Report 2011: A Better Investment Climate for Everyone (World Development Report) // The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. 2010.
15. <https://lex.uz/docs/173088>
16. <https://lex.uz/docs/3845273>

QISHLOQ XO‘JALIGINI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSIYALARING O‘RNI

Raimjanova Madina Asrarovna

*baholash ishi va
investitsiyalar kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
E-mail: madinahon838@gmail.com
ORCID: 0000-0001-8942-5723*

Annotation

Maqola O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligining rivojlanishida investitsiyalar ta’sirini baholashga bag’ishlangan. Qishloq xo‘jaligiga investitsiyalar kiritish bo‘yicha statistik ma’lumotlar taqdim etilgan. Investitsiyalar va yalpi qishloq xo‘jaligi mahsuloti o‘rtasidagi bog‘liqlik iqtisodiy modellashtirish orqali tahlil qilingan. Maqolada qishloq xo‘jaligi sohasidagi tegishli iqtisodiy, ijtimoiy va qonunchilik sharoitlar yoritilgan. O‘zbekiston qishloq xo‘jaligiga sarmoya kiritishni ko‘paytirish bo‘yicha takliflare berilgan.

Kalit so‘zlar: investitsiya, qishloq xo‘jaligi, qo’shilgan qiymat, agrosanoat, qayta ishslash sanoati, qishloq xo‘jaligi yalpi mahsuloti, oziq-ovqat ishlab chiqarish indeksi.

РОЛЬ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Raimjanova Madina Asrarovna

*доцент кафедры оценочного
дела и инвестиций
Ташкентский финансовый институт
E-mail: madinahon838@gmail.com
ORCID: 0000-0001-8942-5723*

Аннотация

Статья посвящена инвестициям в сельскохозяйственный сектор экономики Республики Узбекистан. Исследуются статистические данные, касающиеся увеличения объема инвестиций в сельскохозяйственный сектор. Анализируется взаимосвязь между инвестициями в сельское хозяйство и валовым сельскохозяйственным продуктом путем применения экономических моделей. В статье рассматриваются экономические, социальные, законодательные условия в сельскохозяйственном секторе. Предлагаются рекомендации по увеличению объема инвестиций в сельскохозяйственный сектор Узбекистана.

Ключевые слова: инвестиции, сельское хозяйство, добавленная стоимость, агропромышленный комплекс, перерабатывающая промышленность, валовая продукция сельского хозяйства, индекс производства продуктов питания.

THE ROLE OF INVESTMENTS IN THE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE

Raimjanova Madina Asrarovna

Associate Professor Department
of valuation and investments
Tashkent Institute of Finance
E-mail: madinahon838@gmail.com
ORCID: 0000-0001-8942-5723

Annotation

The article is devoted to the impact of investment in the agricultural economy of the Republic of Uzbekistan. The author provides statistical data on investment growth in the agricultural sector of Uzbekistan. The author analyzes the relationship between investment in agriculture and gross agricultural product through economic modeling. Economic, social, and legislative conditions relevant to Uzbekistan's agricultural sector are highlighted in the article. The author proposes ideas to increase investment in the agricultural sector of Uzbekistan.

Keywords: investment, agriculture, value-added, agro-industry, processing industry, gross output of agriculture, food production index.

Kirish

Investitsiyalar milliy iqtisodiyotning har qanday tarmog'ining o'sishi va rivojlanishida, jumladan, qishloq xo'jaligini rivojlantirishda alohida o'rinn tutadi. Qishloq xo'jaligiga yo'naltirilgan investitsiyalar qishloq xo'jaligi mahsulotlariga qo'shilgan qiymat yaratish bilan birga daromadlarning uzoq muddatli o'sishiga xizmat qiluvchi vosita bo'lib hisoblanadi. Natijada qishloq xo'jaligiga investitsiyalar kiritish iqtisodiyotni rivojlantirishning eng samarali va eng muhim vositasidir. Biroq, shuni inobatga olish kerakki, qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalar natijasi darhol ko'zga tashlanadigan daromad keltirmaydi. Sababi, qishloq xo'jaligi mahsulotlari yerni tayyorlash, ekin ekish, yetishtirish, hosilini yig'ishtirish, saqlash va qayta ishlashni talab etadi. Qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiya foyda keltiradi, albatta, lekin savdo, ишлаб чиқариш соhalarga kiritilgan investitsiyalari kabi tez emas.

Qishloq xo‘jaligiga investitsiyalar turli maqsadlarda kiritilishi mumkin, jumladan, ishlab chiqarishni diversifikatsiya qilish, sug‘orish uchun yer va suv taqsimotini yaxshilash, qulay agrobiznes muhitini yaratish, yuqori daromad keltiruvchi qo‘s Shimcha qiymat zanjirini hosil qilish, kooperatsiya aloqalarini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash, bozor mexanizmlari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, shuningdek, soha xodimlarning salohiyatini oshirishda fan yutuqlaridan foydalanish. Shunday ekan, O‘zbekiston hukumati tomonidan milliy iqtisodiyotning ushbu muhim tarmog‘iga mahalliy va xalqaro investorlarni jalb etish bo‘yicha qator dasturlar ishlab chiqilmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining qishloq xo‘jaligini 2020-2030 yillarda rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853-sonli Farmonini hamda 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son farmonini e’tirof etish o‘rinli bo‘ladi.

2019 yil 23 oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining qishloq xo‘jaligini 2020-2030 yillarda rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853-sonli Farmonga ko‘ra [1], Strategiyaning ustuvor yo‘nalishlari etib quyidagilar belgilab berilgan (1-rasm).

1-rasm.

Mamlakatimiz qishloq xo‘jaligini rivojlantirish strategiyasining ustuvor yo‘nalishlari*

- | | |
|---|--|
| 1 | • Aholining oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash |
| 2 | • Qulay agrobiznes muhitini va qo‘silgan qiymat zanjirini yaratish |
| 3 | • Soha boshqaruvida davlat ishtirokini kamaytirish va investitsiyaviy jozibadorlikni oshirish |
| 4 | • Tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va atrof-muhit muhofazasini ta’minlash |
| 5 | • Davlat boshqaruvining zamонавиy тизимларини rivojlantirish |
| 6 | • Tarmoqni qo‘llab-quvvatlashga yo‘naltirilgan davlat xarajatlarini bosqichma-bosqich diversifikasiya qilish |
| 7 | • Qishloq xo‘jaligida ilm-fan, ta’lim, axborot va maslahat xizmatlari tizimini rivojlantirish |
| 8 | • Qishloq hududlarini rivojlantirish |
| 9 | • Tarmoq statistikasining shaffof tizimini ishlab chiqish |

*PF-5853-sonli O‘zbekiston Respublikasi Prezident Farmoni asosida muallif ishlanmasi.

Yuqorida 1-rasmdan ko‘rinib turganidek, mamlakatimiz qishloq xo‘jaligini rivojlantirishda qo‘silgan qiymat zanjirini yaratish ham muhim yo‘nalishlardan biridir. Buning uchun esa, qishloq xo‘jaligiga yo‘naltirilgan investitsiyalar salmog‘ini yildan yilga oshirib borish maqsadga muvofiqdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmonida keltirilishicha, qishloq xo‘jaligini ilmiy asosda intensiv rivojlantirish orqali dehqon va fermerlar daromadini kamida 2 baravar oshirish, qishloq xo‘jaligi mahsulotini yillik o‘sishini kamida 5 foizga etkazish maqsadi qo‘ylgan. Buning uchun tumanlarni aniq mahsulot turini yetishtirishga ixtisoslashtirish; qishloq xo‘jaligida davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash ko‘lmini kengaytirish va sug‘urtalashning yangi mexanizmlarini amalga oshirish; yangi va foydalanishdan chiqqan 464 ming hektar maydonni o‘zlashtirish va klasterlarga ochiq tanlov asosida yondashish; 200 ming hektar paxta va g‘alla maydonlarini qisqartirish hamda aholiga ochiq tanlov asosida ularni uzoq muddatli ijara berish; eksportbop mahsulotlar yetishtirish hamda meva-sabzavotchilikni rivojlantirish, intensiv bog‘lar maydonini 3 baravar va issiqxonalarni 2 baravar ko‘paytirib, eksport salohiyatini yana 1 milliard AQSh dollariga oshirish; tuproq unumdorligini oshirish va muhofaza qilish; ilm-fan va innovatsiyaga asoslangan agroxizmatlar ko‘rsatish tizimini takomillashtirish; agrosanoat korxonalarini xom ashyo bilan ta’minlash va ishlab chiqarish hajmini 1,5 baravar oshirish; agrologistika markazlarini rivojlantirish va zamonaviy laboratoriylar sonini ko‘paytirish, urug‘chilik va ko‘chat yetishtirish bo‘yicha milliy dasturni amalga oshirish; nufuzli xalqaro ilmiy markazlar va oliy ta’lim muassasalari bilan birgalikda Xalqaro qishloq xo‘jaligi universitetini tashkil etish, agrar sohada ilm-fan va amaliyot integratsiyasini chuqurlashtirish hamda aholi tomonidan tomorqalardan samarali foydalanishi uchun sharoitlar yaratish kabi vazifalar belgilangan [2].

Adabiyotlar sharhi

Qishloq xo‘jaligi va uni rivojlantirishda jalb etilgan investitsiyalarning ta’siri hamda ahamiyatini bir qancha iqtisodchi olimlar o‘z ilmiy tadqiqotlarida yoritishgan. N.M.Babayeva O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligida amalga oshirilayotgan islohotlar va investitsiyalarni tarmoq ichida taqsimlash masalalariga alohida to‘xtalib, ulardan samarali foydalanishning ekonometrik tahlilini amalga oshiradi va qishloq xo‘jaligi iqtisodiyotini samarali tashkil etish bo‘yicha ilmiy tavsiyalar beradi [3]. A.M. Maqsumxonova o‘z tadqiqotida “investitsiyalar” tushunchasini muhokama qiladi va agrosanoat kompleksiga investitsiyalar tarkibini ochib beradi. U investitsiya potentsialini omilli yondashuv asosida aniqlaydi. Olima tomonidan O‘zbekiston Respublikasining qishloq xo‘jaligiga investitsiyalarni jalb etishning asosiy xususiyatlari ko‘rsatilib, qishloq xo‘jaligining

bugungi holati hamda agrar sektorda investitsiya faolligini rivojlantirish tendentsiyalari tahlil qilingan. Ishda agrar sohasiga investitsiyalarni jalb etish uchun zarur bo‘lgan davlat islohotlari ham ko‘rib chiqiladi [4]. O.I. Rashidov, I.A. Rashidova, M.V. Shatoxin investitsiyalar va yalpi hududiy mahsulot o‘rtasidagi bog‘liqlikni MNC (multinational corporation) usulidan foydalangan holda tahlil qiladi va investitsiyalar multiplikatori va tezlatuvchisi uchun qiymatlarni beradi. Mintaqalarning iqtisodiyotiga investitsiyalarning o’sishi va ularning YaIMning o’sishi ko‘rinishidagi qaytarilishi o‘rtasidagi vaqt oralig‘i aniqlangan [5].

Tahlil va natijalar

Mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiyalash sharoitida fermer xo‘jaliklarini rivojlantirishda ichki investitsiyalardan foydalanish samaradorligini oshirish yo‘nalishlarini ishlab chiqish uchun hozirgi vaqtda investitsiyalardan foydalanish masalalari va uning holatini o‘rganish zarur.

O‘zbekiston qishloq xo‘jaligiga yo‘naltirilgan investitsiyalar rivojlanishning eng muhim omillaridan biri bo‘lib, agrosanoat sohalari: texnika ishlab chiqaruvchi tarmoqlar (birinchi qishloq xo‘jaligi sektori), qishloq xo‘jaligi (ikkinchi qishloq xo‘jaligi sektori) va qayta ishlash sanoati (uchinchchi qishloq xo‘jaligi sektori) qollanilmoqda. Respublika agrosanoat majmuasining sanab o’tilgan sohalari orasida qishloq xo‘jaligi alohida o‘rin tutadi, chunki bu soha qayta ishlash tarmoqlari uchun dastlabki mahsulot ishlab chiqaradi va pirovardida uning barqaror faoliyati uchun asos bo‘lib xizmat qiladi.

1-jadval.

Qishloq xo‘jaligi rivojlanishiga investitsiyalarning ta’siri*

Yillar	Q/X sektoriga investitsiyalar, mlrd so‘m	Q/X yalpi mahsulot xajmi, mlrd so‘m	Q/X, qo‘shilgan qiymat, mlrd so‘m	Oziq-ovqat ishlab chiqarish indeksi, %	Q/X eksport, ming AQSh dollari
2002	102.2	3255.3	2244.2	38.51	140,486
2003	98.5	4083.3	2801.8	41.76	194,784
2004	113.6	4615.8	3242.3	43.61	368,258
2005	138.2	5978.3	4192.8	46.62	431,318
2006	164.4	7538.8	5298.0	52.03	592,249
2007	200.9	9304.9	6550.2	53.7	546,679
2008	261.2	11310.7	7673.0	56.6	400,335
2009	385.9	13628.6	9200.0	61.42	459,742
2010	531	30856.7	21251.3	66.01	689,232
2011	942.5	45285.9	30658.6	70.84	894,713
2012	1089.2	55750.0	36954.7	76.81	639,746
2013	1335.6	66435.3	42636.8	83.27	741,783

2014	1448	81794.3	53613.2	89.15	733,675
2015	1375.5	99604.6	64680.3	96.22	562,049
2016	1646.4	115599.2	74779.0	114.63	746,812
2017	2004.3	148199.3	90983.9	102.93	859543,0
2018	3561.1	187425.6	113660.7	105.03	1081403,0
2019	15141	216283.1	130306.9	104.36	1533268,0
2020	18025.5	250250.6	151250.9	106.28	1481928,0
2021	18934,9	303415.5	183518,5	N/A	1456421,0
2022	19900,0	347600,0	N/A	N/A	1631600,0


*Muallif ishlanmasi.

1-jadvalda 2002 yilda qishloq xo'jaligiga yo'naltirilgan investitsiyalar hajmi 102,2 mlrd so'mni tashkil etgan bo'lsa, 2010 yilda bu ko'rsatkich 5 barobarga oshib, 531 mlrd so'mni tashkil etganini ko'riш мумкин. 2020 yilda bu miqdor 2010 yilga nisbatan 33,9 barobarga oshib, 18 025,5 mlrd so'mni tashkil etdi.

2020 yilda qishloq xo'jaligiga yo'naltirilgan investitsiyalar 2002-yilga nisbatan 176,7 barobarga oshgan bo'lsa, 2020 yilda qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotining umumiyligi 250250,6 mlrd so'mni tashkil etib, 2002 yilga nisbatan 76 barobarga oshdi.

1-diagramma.

Qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotining iqtisodiy modeli*



* Muallif ishlanmasi.


1-diagrammadagi modeldan ko'rinish turibdiki, $R^2=0,9903$ qishloq xo'jaligiga yunaltirilgan investitsiyalar va qishloq xo'jaligi yalpi mahsuloti o'rtasida juda kuchli bog'liqlikni bildiradi.

O'zbekiston iqtisodiyotining muhim tarmog'i bo'lgan agrar sektorini

rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishi ichki bozorni oziq-ovqat mahsulotlari bilan to‘ldirish, ishlab chiqarishda o‘zini-o‘zi ta’minalash va oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashdan iborat. Oziq-ovqat xavfsizligi strategiyasining samarali amalga oshirilishi aholini ish bilan ta’minalash, aholi farovonligini oshirish, shahar va qishloqlarni obodonlashtirish kabi ijtimoiy muammolarni hal qilmoqda. O‘zbekistonda oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash, ovqatlanish tartibini yaxshilash, zarur miqdorda oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishni nazarda tutuvchi oziq-ovqat xavfsizligi bo‘yicha davlat siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish izchil davom ettirilmoqda.

2-diagramma.

Oziq-ovqat ishlab chiqarish indeksining iqtisodiy modeli*



* Muallif ishlanmasi.


2-diagrammada qishloq xo‘jaligiga investitsiyalar kiritish va oziq-ovqat ishlab chiqarish o‘rtasida bog‘liqlikni ($R^2 = 0,7565$) nazarda tutadi.

O‘zbekistonda qulay agrobiznes iqlimining mavjudligi juda muhim bo‘lib, u qo‘silgan qiymat zanjirini yaratishda, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sotib olish va sotishda bozor tamoyillarini keng joriy etishda, sifat nazorati infratuzilmasini rivojlantirishda, eksportni rag‘batlantirishda, yuqori qimmatli qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda va xalqaro bozorlarda ularni raqobatbardosh bo‘lishiga xizmat qiladi. Qishloq xo‘jaligiga kiritilayotgan investitsiyalarning samarasini yaratilgan qo‘silgan qiymatda u qanchalik aks etishini tahlil qilish orqali ko‘rish mumkin. Shunday ekan, 3-diagrammada qishloq xo‘jaligiga kiritilgan investitsiyalar va qishloq xo‘jaligida yaratilgan qo‘silgan qiymat o‘rtasidagi bog‘liqlikning tahlili keltirilgan.

3-diagramma.

Qishloq xo'jaligida yaratilgan qo'shilgan qiymatning iqtisodiy modeli*

Qishloq xo'jaligi, qo'shilgan qiymat, mlrd.so'm




* Muallif ishlanmasi.

3-diagrammada keltirilgan iqtisodiy modeldan ko'rinish turganidek, qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalar va qishloq xo'jaligida yaratilgan qo'shilgan qiymat o'rtasida juda ijobiy korrelyatsiya ($R^2=0,9108$) hosil bo'lgan. Qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalarning qishloq xo'jaligida yaratilgan qo'shilgan qiymat zanjiriga ta'siri juda yuqori, bu qishloq xo'jaligiga qancha ko'p sarmoya kiritilsa, shuncha ijobiy natijani berishini anglatadi.

O'zbekistonda zamonaviy issiqxona xo'jaliklari, baliqchilik, asalarichilik, parrandachilik va boshqa sohalarni jadal rivojlantirish, shuningdek, takroriy kuzgi ekish amaliyotini kengaytirishga ustuvor ahamiyat qaratgan holda qishloq xo'jaligida bozor mexanizmlari, shuningdek sabzavot ekinlari va tomorqa xo'jaligida klasterli yondashuv joriy etildi. Ushbu maqsadli yo'nalishlar chuqur tarkibiy islohotlarga xizmat qilib, mahalliy va xorijiy investorlarni jalb qiladi.

4-diagramma.

Qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportining iqtisodiy modeli*



*Muallif ishlanmasi.

Yuqoridaq 4-diagrammada qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportining **“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali** I son 2023-yil 77

iqtisodiy modeli natijasiga ko'ra, $R^2=0,9082$ ni tashkil qilgan. Demak, qishloq xo'jaligiga kiritilayotgan investitsiyalar besamar ketmagan.

Xulosa

Respublika qishloq xo'jaligiga davlat miqyosida investitsiyalar kiritish katta ahamiyatga ega. Davlat darajasida investitsiyalar oqimini rag'batlantirish uchun qulay iqtisodiy bozor muhitini shakllantirishni ta'minlash kerak. Bunga qishloq sanoatining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda boshqaruv mexanizmini joriy etish orqali erishish mumkin.

Zamonaviy sharoitda respublikamiz qishloq xo'jaligiga investorlarni jalb etish asosiy muammo hisoblanadi. Muayyan hududning investitsion jozibadorligini aniqlash uchun boshqalar bilan solishtirganda quyidagilarni hisobga olish kerak:

hududning iqtisodiy salohiyati (tabiiy-iqlim sharoiti, infratuzilmasi va boshqalar);

undan foydalanish samaradorligi ko'rsatkichlari (shu jumladan mehnat resurslari, asosiy va aylanma mablag'lari, o'g'itlar va boshqalar);

kapital qo'yilmalarning kutilayotgan samarasи.

Xorijiy investorlar investitsiya sohasidagi qonunchilikka alohida e'tibor qaratmoqda. Shuningdek, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining tabiiy-iqlim sharoitlariga bog'liqligi, kapital sig'imining yuqoriligi, ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasining rivojlanishi, davlat tomonidan tartibga solish chora-tadbirlarining mavjudligi (masalan, byudjet investitsiyalari, davlat xaridlari) kabi tarmoq xususiyatlari ham hisobga olinadi, shuningdek qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirishda soliq va kredit imtiyozlari va boshqalar ham muhim ahamiyat kasb etadi).

Investitsiyalarni jalb qilish qiyin ish, lekin undan samarali foydalanishni ta'minlash undan ham qiyin. Qishloq xo'jaligiga kiritilgan investitsiyalar samaradorligi, birinchi navbatda, mehnat unumdorligining o'sishi, yalpi mahsulot ishlab chiqarishni ko'paytirish, ishlab chiqarishning kapital sig'imini kamaytirish va boshqalarda namoyon bo'ladi.

Respublikamiz agrosanoat majmuida, ayniqsa, qishloq hududlarida hukm surayotgan hozirgi sharoitda qishloq xo'jaligini rivojlantirishga hissa qo'shadigan sarmoyalarni topish eng katta qiziqish uyg'otmoqda.

Keyingi yillarda mamlakatimiz qishloq xo'jaligini isloh qilish, xususan, davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish, bozor munosabatlarini keng joriy etish, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirish, qayta ishslash va sotish sub'ektlari o'rtasidagi munosabatlarning huquqiy asoslarini mustahkamlash,

qishloq xo‘jaligiga investitsiyalarni jalb etish borasida muayyan ishlar amalga oshirildi. Natijada sanoatni rivojlantirish va resurs tejovchi texnologiyalarni joriy etish, shuningdek, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqaruvchilarini zamonaviy texnika bilan ta’minlashga erishilmoqda.

Respublika agrar sektoriga sarmoya kiritish bilan bog‘liq dolzarb muammolarni hal qilishning zamonaviy yondashuvlari qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida barqaror, samarali, oqilona va kengaytirilgan ishlab chiqarish uchun shart-sharoitlarni ta’minlashi mumkin. Respublikamiz qishloq xo‘jaligida investitsiya salohiyatini yanada rivojlantirish uchun investitsiyalarning mavjud shakl va usullarini takomillashtirish zarur. Qishloq xo‘jaligiga investitsiyalarni moliyalashtirishning amaldagi tizimini rivojlantirishning taklif etilayotgan variantlari dolzarb muammolarni muvaffaqiyatli hal etishga qaratilgan bo‘lib, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqaruvchilarining iqtisodiy jihatdan samarali ishlab chiqarishni ta’minlaydigan investitsiya faolligining sifat jihatidan yangi darajasiga ko‘tarilishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2020-2030 yillarda O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PQ-5853-son Farmoni, 2019 yil 23 oktabr. – Foyqdalanish manbai: <https://lex.uz/ru/docs/4567337>

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmoni, 2022 yil 28 yanvar. – Foyqdalanish manbai: <https://lex.uz/docs/5841063>

3. Babaeva N.M. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligi iqtisodiyotiga investitsiyalardan samarali foydalanish/ "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2019 yil.

4. Maqsumxonova A.M. Investitsiyalar O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirish omili sifatida // Fan va ta’lim axborotnomasi No2 (56). 2-qism 2019. bet. 40-43.

5. Rashidov O.I., Rashidova I.A., Shatoxin M.V. Markaziy Chernozem mintaqalarida investitsiyalar va YaHM o‘rtasidagi munosabatlар tahlili // Iqtisodiyot fanlari, 1 (62) 2010, 169-174 bet.

6. Kovalenko N.Ya. va boshqalar. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti. M.: Yurkniga, 2009. Qishloq xo‘jaligi iqtisodiyoti: Darslik. nafaqa / tahrir. V.T. Vodyannikov. M. KolosS, 2008. 388 b.

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ИСЛОМ МОЛИЯСИ МОДЕЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аминова Нилуфар Умарбай қызы

баҳолашиши ва инвестициялар
кафедрасининг катта ўқитувчиси

Тошкент молия институти

E-mail: nilufar.aminova.u@mail.ru
ORCID ID :0000-0003-2618-7523

Аннотация

Мақолада дунёда инвестицияларни молиялаштиришдаги моделлардан бири – ислом молиясининг асосий хусусиятлари таҳлил қилинган. Бу борада Яқин Шарқ, хусусан, Осиё давлатлари имкониятлари борасида фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Мақола доирасида инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси модели бўйича молиявий хизматлар саноатининг экотизими таҳлил қилинган. Ўзбекистонда инвестицияларни молиялаштиришда ислом модели омилларидан фойдаланиш имкониятлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ислом молияси, ислом молиявий хизматлар саноатининг экотизими, сукук, рибо, Ислом тараққиёт банки, Осиё давлатлари, исломий молия бозорлар, исломий облигация, такофул, параллел ислом банки операциялари.

ОСОБЕННОСТИ ИСЛАМСКОЙ ФИНАНСОВОЙ МОДЕЛИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ

Аминова Нилуфар Умарбай қызы

старший преподаватель кафедры
оценочного дела и инвестиций

Ташкентский финансовый институт

E-mail: nilufar.aminova.u@mail.ru
ORCID ID :0000-0003-2618-7523

Аннотация

В статье исследуются особенности исламских финансов, представляющие собой одну из мировых моделей финансирования инвестиций. В связи с этим были высказаны мнения о финансовых возможностях Ближнего Востока, особенно стран Азии. В статье анализируется экосистема индустрии финансовых услуг в соответствии с “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali I son 2023-yil 80

исламской финансовой моделью финансирования инвестиций. Разработаны предложения и рекомендации относительно возможностей использования факторов исламской модели при финансировании инвестиций в Узбекистане.

Ключевые слова: исламские финансы, экосистема индустрии исламских финансовых услуг, сукук, рибо, Исламский банк развития, страны Азии, рынки исламских финансов, исламские облигации, тakaful, параллельные исламские банковские операции.

FEATURES OF THE ISLAMIC FINANCIAL MODEL OF INVESTMENT FINANCING

Aminova Nilufar Umarboy kizi

Senior Teacher of the Department

Valuation and Investments

Tashkent Institute of Finance

E-mail: nilufar.aminova.u@mail.ru

ORCID ID:0000-0003-2618-7523

Abstract

This article describes the main features of Islamic finance, one of the world's investment financing models. In this regard, opinions were expressed about the possibilities of the Middle East, especially Asian countries. The article analyzes the ecosystem of the financial services industry in accordance with the Islamic financial model of investment financing. Proposals and recommendations have been developed regarding the possibilities of using the factors of the Islamic model in financing investments in Uzbekistan.

Keywords: Islamic finance, Islamic financial services industry ecosystem, sukuk, ribo, Islamic Development Bank, Asian countries, Islamic finance markets, Islamic bonds, takaful, parallel Islamic banking.

Кириш

Дунё миқёсида Жаҳон молиявий-инқирозига олиб келган даврда, яъни 2007-2008 йилларда жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳамда капитал бозоридаги молиявий активлар ўсиш суръатларини ҳам пасайишига салбий таъсир кўрсатди. Аммо, эътиборлиси ушбу инқироз йиллари ва ундан кейинги даврда “(2007-2013 йиллар) дунёда исломий молиявий хизматлар ҳажмининг йиллик ўсиш суръати ўртacha 20% бўлганлиги муҳим аҳамиятга эга. Инқироздан кейинги даврда, 2013 йил якуни ҳолати бўйича исломий

хизматлар активлари ҳажми 1,8 трлн. АҚШ долларигача етди [9]”. Бу борада, инвестицион фаолликнинг муҳим субъекти ҳисобланган ислом банклари 80 фоиз улушга эгалик қилди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётда инвестицияларни молиялаштириш билан боғлиқ муносабатларда ислом модели қоидаларини тадбиқ этиш анъанавий иқтисодиётда кўпчилик учун реал ҳаётдан йироқ ёки шунчаки “утопик” бўлган. Бироқ, сўнгги йилларда ислом модели асосида инвестицияларни молиялаштиришга бўлган қизиқишининг ортиши бугунги кунда нафақат ислом мамлакатлари, қолаверса ривожланган ва ривожланаётган давлатларида ҳам исломий молия институтлари ташкил этилаётгани, хусусан анъанавий Европа Иттифоқи давлатлари кредит институтларида “ислом дарчалари”нинг очилаётганини кўриш мумкин. Жаҳон иқтисодиётидаги молиявий муносабатларнинг глобаллашуви, халқаро молия марказларида инвестицияларнинг тобора ўсиш суръатларини қайд этиши, уларда муқобил молиялаштириш воситаларини топиш зарурати, ўз навбатида, ислом молияси моделига асосланган воситаларга бўлган эътиборни қучайтира бошлади.

“2020-2022 йилларда инвестицияларни молиялаштириш соҳасида ислом молияси хизматлари йилига 15-20 фоизга ўсган ва ялпи активлар ҳажми 2,8 трлн АҚШ долларига teng бўлиб, уларнинг 80% ислом банклари (ёки исломий дарчалар), 15% сукук (ислом облигациялари, қимматли қоғозлар), 4% ислом инвестиция фондлари ва 1% такофул (ислом суғуртаси) ҳиссасига тўғри келган [8]”.

Халқаро эксперталарнинг тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, “Осиё минтақасида инвестицияларни молиялаштиришдаги исломий молиянинг нисбатан юқори ўсиш тенденциялари Ислом Таракқиёт Банки (ИТБ) аъзо давлатлари: Бангладеш, Бруней Доруссалом, Индонезия, Малайзия ва Покистон каби давлатларда кузатилган. Шунингдек, Озарбайжон, Гонконг, Хитой, Қозоғистон, Сингапур ва Таиланд кабиларда эса инвестиция лойиҳаларини исломий молия қоидалари асосида молиялаштиришга бўлган эътибор қучаймоқда. Осиё давлатларида ислом молиясининг инвестиция лойиҳалари молиялаштиришдаги ҳиссасининг сезиларли равишда ўсишига ушбу минтақа давлатларида йирик ислом банкларининг ташкил этилиши, ислом шариати қоидаларига тўғри келадиган инвестицион жозибадор актив сифатида “сукук”нинг чиқарилиши асосий ўринни эгаллади. 2021 йилда Осиё давлатларида инвестиция лойиҳалари молиялаштиришда глобал ислом молия активларининг 45-49 фоизи “сукук” механизмига тўғри келган [9]”. Бу борада, асосий хусусиятли жиҳатлар

сирасига нафақат жами активлар ҳажми ва ислом молия институтлари ҳамда маҳсулотлари сони, балки молиявий инфратузилманинг ривожланиши: норматив-хуқуқий таъминотнинг ривожлантирилиши, инсон капиталини ривожлантиришга бўлган молиявий қўллаб-қувватлаш чораларининг кўрилиши кабиларни ҳам киритиш ўринлидир.

Осиё минтақасидаги давлатларда инвестиция лойиҳаларини молялаштиришни ислом модели асосида диверсификация қилишнинг ривожланишини ушбу минтақа иқтисодчилари томонидан ислом молиясини иқтисодий ривожланишнинг муқобил молялаштириш воситаси ва механизми сифатида баҳолаши, инвестицияларни молялаштириш манбаларини хавфсиз диверсификацияси қилишнинг “синалган йўли” сифатида қарashi рисклар давомидаги эҳтимол йўқотишларни пасайтиришга бўлган кучли интилиш кабиларда яққол намоён бўлмоқда. Ушбу давлатларда ислом молиясининг аҳамиятли жиҳатлари сирасига минтақада жойлашган мамлакатлардаги демографик омил, яъни аҳолининг асосий қатлами ислом динига эътиқод қилиши ва ислом молияси тамойиллари асосида молиявий хизматларнинг кўрсатилишига бўлган эҳтиёжининг мавжудлиги, молиявий инклузивликни таъминлашга бўлган кучли ишонч ва кутилманинг юқорилиги, тижорат банкларидағи юқори фоиз ставкаларидан келадиган молиявий йўқотишларнинг тобора кучайиб бораётганлигидир. Шунингдек, ушбу давлатларда инвестиция лойиҳаларини молялаштиришдаги муқобил йўл – ислом молияси асосида молялаштиришда бозор иқтисодиёти иштирокчилари салоҳиятини оширишнинг зарурияти, ислом молиясининг ўзига хос хусусиятларига давлатдаги қонунчилик тартиб-тамойилларини мослаштириш каби жиҳатлар долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шархи

Инвестицияларни молялаштиришнинг ислом молияси модели борасидаги хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, М.А. Mannan томонидан олиб борилган тадқиқотларда: “Ислом молияси ва иқтисодиёти – бу инсонларнинг ислом шариати одатлари ва қадриятлари асосида иқтисодий муаммоларини ўрганадиган ижтимоий илм” [2], эканлиги алоҳида таъқидланади.

S.M. Hasanuzzaman томонидан олиб борилган илмий изланишларда ислом молиясининг ривожланиш босқичлари, келгусидаги истиқболли йўналишлари тадқиқ этилган. Олимнинг илмий тадқиқотларида ислом молиясига қўйидагicha таъриф берилган: “Ислом молияси – бу шариатга асосланган фиқҳий хукмлар, қонун-қоидаларининг амал қилиши ҳисобланиб,

ушбу молия тизими шариат қоидалари бўйича ҳаёт кечиришни мақсад қилган инсонларнинг молиявий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи, молиявий-иктисодий ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи тизим” [3].

Юқоридаги олимлар “ислом молияси” категориясига илмий нуқтаи назаридан кўпроқ ёндошган. Тадқиқотимиз долзарблигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ислом молияси – ислом дини талаблари, шариат қоидалари ва ислом фикъшунослигида белгиланган қоидалар асосида ташкил этиладиган молиявий муносабатлардир.

Шунингдек, ислом молияси модели бўйича йирик халқаро молия институти – Осиё тараққиёт банки институти (Asian Development Bank Institute) тадқиқотларида ислом молияси ва иқтисоди ислом дунёқараси ва ахлоқи тамойилларини акс эттириши кераклиги таъкидланади. Шунингдек, ислом ҳукуқшунослари ва уламолари шариат қонунлари ва исломий иқтисодий тизим қадриятларини Куръондан ҳамда Мухаммад (с.а.в.) Пайғамбаримиз ва имомларнинг кўрсатмаларига таяниши орқали ислом банки ва молиясига оид асосий шариат қоидаларига қуйидагилар кишини кўрсатади:

1. Пул ҳеч қандай ички қийматга эга эмас ва факат айирбошлиш воситаси ва товарлар, хизматлар ва мулклар қийматини сақлаш ва баҳолаш воситаси сифатида ишлатилади.
2. Асосий эътибор реал иқтисоддаги фаолиятга, хавф ва фойдаларни тақсимлашга қаратилиши керак.
3. Алкоголли ичимликлар савдоси, пул тикиш, қимор ўйинлари каби ижтимоий бузгунчи ҳаракатлар тақиқланади.
4. Рибо (фоиз) ҳаромдир.
5. Ғарар (ноаниқ ва хавфли битимлар) тақиқланади [9].

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари томонидан ҳам ислом молияси ва банкчилиги, инвестицияларни молиялаштиришда ислом молияси моделидан фойдаланиш имкониятлари ҳақида қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, О. Астанакулов томонидан олиб борилган тадқиқотларда ислом молиясида “банк” институтига устуворлик қаратилганлигини кўрамиз. Ушбу тадқиқотларда қуйидаги фикрлар билдирилган: “Ислом молия тизими – Ислом ҳукуки, бошқача сўз билан айтганда, шариат қонун-коидалари асосида ташкил этилиш ва фаолият юритиш тамойилига эга бўлган банк тизимиdir, яъни бу турдаги банкларнинг барча амалиётлари, масалан, депозит омонати ёки молиялаштириш билан боғлиқ амалиётлари ҳам шариат кўрсатмаларига

мувофик бўлади. Ислом банкларининг бошқа амалиётлари: пул ўтказмалари, кафолат хатлари, аккредитивлари, чет эл валютасини сотиш кабиларга нисбатан ҳам бу қоидалар ўз таъсирини кўрсатади” [5].

А. Турсунов томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса, тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари кўриб чиқилган. Исломий банк хизматларининг турлари таснифланган [6].

Ў. Ҳайдаров томонидан республикамиз тижорат банкларида ислом молия тизимидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда қуидагилар алоҳида қайд этилади: “Ислом банклари томонидан кўзда тутилган молиявий хизматлар ва маҳсулотларни ҳозирда мавжуд анъанавий банк хизматлари ва маҳсулотларига муқобил эканлиги, шу билан бирга анъанавий банкчиликка нисбатан ҳатто мослашувчан эканлигини кўришимиз мумкин. ... “Исломий банк хизматлари дарчаси” – бу умуман анъанавий банк хизматларини кўрсатмайдиган исломий банкдан фарқли равишда анъанавий тижорат банки таркибидаги ислом тамойилларига асосланган ҳолда банк хизматларини таклиф этувчи алоҳида тузилмавий бирлигидир” [7].

Республикамиз иқтисодчи-олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларда, асосан ислом банкчилиги ва унинг хизмат турлари, ислом молияси инструментлари каби жиҳатларга қўпроқ аҳамият берилган. Аммо, айнан инвестицияларни молиялаштиришда ислом молияси моделининг ўзига хос хусусиятлари, молиявий инструментларни қўллашдаги мавжуд муаммолар ва хориж тажрибасини қўллаш имкониятларига етарлича аҳамият берилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси модели асосидаги молиявий хизматлар кўрсатиши саноатининг юзага келиши 1960 ва 1970 йилларда амалга оширилган. Мазкур йилларда Яқин Шарқ давлатлари ҳамда Малайзияда Ислом тараққиёт банкининг ташаббуси асосида замонавий шариатга мос молиявий институтлар ташкил этилган. Шу даврдан бошлаб, глобал ислом молияси модели асосида кўрсатилган молиявий хизматлар саноати ҳозирги бир неча ўн йилликлар давомида сезиларли даражада ривожланиш тенденциясига эга бўлган. Молиявий хизматлар натижасида ислом молияси активлари ҳажми XX аср 90-йилларнинг ўрталарида 150 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилда жами активлар ҳажми 2 трлн АҚШ доллардан, 2022 йилда 2,5 трлн АҚШ доллардан ошган.

Коронавирус пандемияси шароитида, яъни 2021 йилда глобал ислом “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali I son 2023-yil 85


молияси модели асосидаги молия саноати “мустаҳкам соғлик” билан йили яқунлади.

Глобал ислом молияси саноати активлари ҳажми 2021 йилда 10,6%га, яъни икки хонали ўсишга эришди. Бу борадаги жами бозор қиймати 2,2 трлн АҚШ долларини ташкил этиб, дунё ахолиси чорак қисмининг молиявий эҳтиёжларини қондиришга эришилди. Молиявий хизматлар географиясида Яқин Шарқ, Африка ва Жанубий Осиё минтақаси давлатлари муҳим ўринга эга бўлди. Инвестицияларни молиялаштириш бўйича глобал ислом молиявий хизматлари саноатининг ўсиш тенденциялари ҳар йили икки хонали ўсиш суръатларини қайд этмоқда. Ушбу минтақа давлатларида 600 дан ортиқ ислом модели асосида молиявий хизматларни кўрсатувчи институтлар мавжуд.

Шунингдек, 70 дан ортиқ молия институтлари эса Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлмаган Буюк Британия, Люксембург, Маврикий каби давлатларда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улардаги молиявий хизматлар бозоридаги маҳсулотлар таклифлари нуқтаи назаридан, ислом молияси чакана ва корпоратив мижозларнинг турли эҳтиёжларини қондириш учун ҳам тўлиқ хизмат қилмоқда.

1-диаграмма.

Инвестицияларни молиялаштириш бўйича глобал ислом молиявий хизматлари саноати ўсиш суръатлари, трлн АҚШ доллари*



*Муаллиф томонидан илмий тадқиқот натижалари асосида тузилган. – Foyqdalanish manbai: <https://www.spglobal.com/ratings/en/research/pdf-articles/islamic-finance-outlook-2022-28102022v1.pdf>. – Foyqdalanish manbai: <https://www.mifc.com/-/islamic-finance-2022-2023-same-constraints-new-opportunities>


Бундан ташқари, соҳа таклифлари орасида шаръий қонунларга мувофиқ, капитал бозорлари, такофул, яъни ислом суғуртаси хизматлари ҳам ривожланмоқда. Эътиборлиси ушбу давлатларда параллел ислом банк операцияларини жорий этган бир қатор анъанавий тижорат банклари ҳам фаолият юритиб, глобал ислом молияси ҳажмига ҳисса қўшмоқда.

Айнан ушбу йўналишда мамлакатимизда ҳам сезиларли ҳаракатлар олиб борилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳукуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари эксперtlари жалб этилади”, деган сўзлари бу борада узоқ кутилган ўзгаришларга дебоча бўлди [1]. “Ўзбекистон Республикаси Инвестициявий дастурлари қатор устувор миллий лойиҳаларининг молияланиши маъқулланишида намоён бўлди. Айни пайтда ИТБнинг Ўзбекистондаги портфели Марказий Осиё худудида энг йирик (1,8 млрд доллардан зиёд) ҳисобланади” [15].

Инвестицияларни молиялаштириш давомида ислом молияси модели молиявий операцияларни амалга оширишда “рибо” (фоиз) дан фойдаланилмасликни назарда тутади. Ислом шариати қоидаларига кўра, амалга оширилиши режалаштирилган молиявий-иктисодий фаолият бўйича юзага келадиган рисклар ёки улушларни иштирокчилар ўртасида тенг баҳам кўрган ҳолда, молиявий тижорат битимларидан даромад олишни ошириш устувордир. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция лойиҳалари моляшатириш орқали келадиган даромадлар томонлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни тузиб, реал молиявий-иктисодий фаолият ёки асосий активларга асосланган ҳолда бўлишни талаб этади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси модели асосий хусусиятларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тузиладиган битимлар, шунингдек, асосий активларни сотишдан қонуний равища фойда, активнинг дастлабки қиймати ва фойдани қоплайдиган нархда олинадиган олди-сотди шартномаларига асосланиши талаб қилинади. Эътиборли жиҳати шундаки, ислом модели асосидаги молиялаштиришнинг механизмлари фойда ва зарар тузилмаларини рағбатлантиришга қаратилган. Яъни шартнома тузувчи томонлар ўртасида тадбиркорлик рискларини бўлишишлари назарда тутилади.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси модели хусусиятлари*



*Муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, “рибо”дан ташқари, инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси модели бўйича молиявий операцияларда тақиқланган бошқа унсурлар мавжуд. Масалан, шартномани бажариш давомидаги ҳаддан ташқари ноомувофиқликлар, қимор ўйинлари (“ғарар”), битимлардаги тасодифга асосланган натижалардир, яъни “майсир” ҳам қатъий тақиқланади. Бундан ташқари, инвестиция лойиҳасининг устувор йўналишлари сифатида спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, қимор ўйинлари ва казиноларни ташкил этган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш ҳам жоиз эмас, деб ҳисобланади. Қолаверса, молиявий шартномаларни тузиш жараёни ҳар қандай мажбурий чоралар, коррупция ва ёлғондан холи бўлиши кераклиги ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси модели асосий хусусиятлари ҳақида фикр-мулозаҳалар билдириш давомида ислом молиясига хос бўлган банкларда инвестицион хизматлар сирасига куйидагиларни киритиш мумкин (2-чизма).

2-чизма.

Банкларда ислом молиясига хос бўлган инвестицион хизматлар^{*}



*Муаллиф ишланмаси.


2-чизмага қўра, ислом молияси модели асосида банкларда мавжуд инвестицион хизматлардан Мушорака битимида инвестицион лойиха доирасидаги молиявий операция ислом банки (“ислом дарчаси”) ҳамда тадбиркор томонидан биргаликда амалга оширилади. Бунда банк инвестиция лойихасини молиялаштиришнинг асосий манбай ҳисобиланади. Мазкур битимга асосан фоиз олиш амалиёти ўрнига банк ва тадбиркор (инвестор) фойдани тақсимлашда келишилган шартларга мувофиқ, ўз улушларини олади. Ўз навбатида, инвестиция лойихасини амалга оширишда заарлар ҳам худди шундай тартибда тақсимланади. Ислом молияси моделидаги молиявий операциянинг яна бир тури – мудороба битимиdir. Бунда омонатчи томонидан банкда депозит ҳисоб рақам очилади ҳамда банк омонат эгасининг розилиги асосида инвестиция лойихасини молиялаштиради.

Мудороба битимининг мушорака битимидан асосий фарқи шундаки, инвестиция лойихаси бўйича олинган даромад улушлари келишувга қўра, томонлар ўртасида тақсимланади. Аммо, лойиха рисклари ва кўрилган заарлар омонатчи зиммасида бўлади. Бундан аташқари, кенг оммалашган ислом молияси моделининг муробаха битимида банклар шариат қоидаларига зид бўлмаган олдиндан олинган маҳсулотни сотади. Банк томонидан битим доирасида товарлар савдоси, уларни ташиш ва сақлаш хизматлари кўрсатилади. Ушбу ҳолатда, банк мижознинг буюртмасига қўра, маҳсулотни ўз молиявий ресурслари ҳисобидан харид қилган тақдирда савдо операциясининг якуний натижасига масъул ҳисобланади. Аҳамияти шундан иборатки, молиявий операцияларнинг ушбу турида банк маҳсулотни устама билан сотишни назарда тутади.

Ислом молияси моделининг асосий хусусиятларини кенгрөк тадқиқ қилиш мақсадида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молиявий хизматлар глобал саноатининг экотизимини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу экотизим қуидагича ифодаланган:

2-диаграмма.

Ислом молиявий хизматлар глобал саноатининг экотизими*



*Муаллиф ишланмаси.

Ислом молиявий хизматлар глобал саноатининг экотизимидан кўриш мумкинки, молиявий хизматларнинг ривожланиш эволюцияси даврида давлатлардаги миллий назорат органлари томонидан норматив-хукукий ҳужжатларда ислом молияси шартларининг аниқ белгиланганлиги, молия модели стандартларини замонавий тенденцияларга босқичма-босқич интеграция қилиш, институционал бирликларда соғлом корпоратив бошқарув механизми тамойилларини жорий этиш, асосийси ислом молияси тамойилларини назарда тутувчи ҳар томонлама қулай бўлган қонунчилик инфратузилмасини таъминлаш глобал миқёсда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молиявий хизматлари саноатининг ўсиши ва ривожланишида муҳим рол ўйнаган. Бу, ўз навбатида, ислом молияси глобал молиявий хизматлари саноатининг барқарор ва ишончли равища кенгайиб бориши, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан манфаатдор ҳисобланган иштирокчилар/томонларнинг мазкур муқобил молия модели тизимига ишончини янада ошириш, инвестицияларни самарли молиялаштиришда муҳим эканлиги асосий хусусиятларини намоён этмоқда.

Инвестицияларни молиялаштиришда ислом молияси моделининг асосий хусуиятлари сирасига “Қонунчилик ва тартибга солиш” жиҳатлари эътиборли эканлидан келиб чиқиб, мазкур соҳада Осиё, Яқин Шарқ, Европа, Жанубий Африка давлатларининг ташаббускорлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу борада Малайзияда 2013 йил 30 июнда қабул қилинган ва кучга кирган “Исломий молиявий хизматлар тўғрисида”ги қонунни эксперталар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молияси бўйича дунёдаги биринчи “омнибус” қонун, деб ҳисобланмоқда. Шунингдек, Гонконгнинг қонунчилик кенгаши томонидан 2014 йил март ойида мамлакат ҳукуматига “Сукук” каби муқобил облигациялар орқали пул тўплашни назарда тутувчи “Кредитлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини киритди. Айтиш керакки, ушбу нормати-хуқукий қонунда инвестицияларни муқобил молиялаштириш манбаси сифатида ислом молияси тамоилларидан янада кенгрок фойдаланишга кўпроқ урғу берилмоқда. Қайд этиш керакки, сукук облигациялари тобора ривожланиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу борада, “бирламчи молия бозорида йиллик сукук эмиссияси сўнгги 2 йил ичида 350 млрд АҚШ долларидан ошди. 2023 йилда ҳам бу тенденция давом этиши прогнозлари мавжуд. 2021 йилнинг биринчи ярмида глобал сукук ҳажми 286,4 млрд АҚШ. долларидан ошган бўлса, мазкур кўрсаткич 2020 йилнинг биринчи ярмидаги 245,3 млрд АҚШ долларидан 16,8 фоизга кўп демакдир. Шунингдек, инвестиция лойиҳаларини ислом молияси маҳсулотлари асосида молиялаштиришда “такофул”нинг ўрини муҳимдир. Аммо, ҳозирга қадар жаҳон ислом молиясининг атиги 1,0 фоизи ушбу молиявий хизмат турига тўғри келади” [10].

Ислом молиявий хизматлар глобал саноатининг экотизимида ислом молия моделининг яна бир асосий хусустяларидан бири – ўтган йиллар давомида давлатлардаги назорат қилувчи органлар, кўп томонлама вазифаларни амалга оширувчи ташкилотларнинг эътибори ҳам ислом молия тизимининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таҳлил қилишга қаратилганли бўлди. Мазкур таҳлил натижалари орқали инвестиция лойиҳалари молиялаштиришда ислом молияси сектори 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг “молиявий бўронлари”га яхши бардош бергани аниқланган. Бинобарин, исломий молия секторининг нисбатан мустаҳкамланган барқарорлиги ва мустаҳкамлигига ҳисса қўшиши мумкин бўлган асосий шаръий тамоилларни ўрганиш инвестицияларни молиялаштиришдан манфаатдор ҳисобланган томонларнинг катта қизиқишини уйғотган.

Ислом молия саноатининг ортиб бораётган халқаролашуви билан бир “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali I son 2023-yil 91

қаторда, унинг ўсиши умумий исломий молия архитектурасини такомиллаштириш билан қўллаб-қувватланмоқда. Ислом молиясининг ўсиши ва ривожланишини қўллаб-қувватловчи асосий глобал органлар қаторига Исломий хизматлар кенгаши (IFSB – Islamic Financial Services Board), Ислом молия институтлари учун ҳисоб ва аудит ташкилоти (AAOIFI – Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions), Халқаро ислом молия бозори (IIFM – International Islamic Financial Market) ва Халқаро ислом ликвидлигини бошқариш (IILM – International Islamic Liquidity Management Corporation) кабиларни киритиш мумкин. Аҳамиятлиси, ушбу халқаро ташкилотлар ислом модели асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш давомида давлатларнинг инклюзив ўсиши ва ислом модели асосидаги молиявий хизматлардан хабардорлик даражасини рағбатлантириш вазифасини бажариб келмоқда. Ушбу халқаро регулятор органлари ислом модели асосидаги молиявий хизматлар ва воситалар, механизмлардан кенгрок фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган ташаббус ҳамда чоратадбирларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, бундан ташқари, пруденциал стандартлар ва шаръий бошқарув тамойилларини амалиётга киритища изчилликни таъминлайди.

Таъкидлаш керкки, IFSB халқаро ташкилоти молия бозори секторилари – банк, капитал бозорлари ва суғурта секторларини қамраб оладиган глобал пруденциал стандартлар, тамойилларни ишлаб чиқиш орқали инвестицияларни молиялаштиришнинг ислом молияси тизимидағи молиявий барқарорликни таъминлайди. Ҳозирги кунда ташкилот томонидан ислом молия институтларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ислом молияси модели асосида инвестицияларни молиялаштиришнинг 16 та халқаро стандарт, 5 та йўқриқнома ҳамда 1 та техник эслатмани ишлаб чиқди. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муқобил йўлларидан бири ҳисобланган ислом молиявий хизматларига оид семинарлар, ва форумларни мунтазам равища ўтказиш орқали молиявий саводхонликни қўллаб-қувватлайди. Бу йўналишда халқаро ташкилот томонидан ислом молияси саноатининг глобал молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган Ислом молиявий барқарорлик форуми (Islamic Financial Stability Forum) [12] 2010 йилдан буён ишлаб келмоқда. Қолаверса, IFSB томонидан эълон қилиниб бориладиган “Молиявий барқарорлик ҳисботи” орқали хусусий секторнинг инновацион ислом модели молиявий хизматлари маҳсулотларни ишлаб чиқиши бўйича тавсиялар берилади.

Хуноса

Умуман олганда, инвестицияларни молиялаштиришда ислом модели “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı I son 2023-yil 92

оммалашиши ва фаолиятининг кенгайиб бориши муҳим хусусиятга эга. Ислом модели асосида молиявий хизматларни кўрсатиш орқали ушбу сегментнинг моляивий хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ислом модели муқобил вариант бўлиб хизмат қиласди.

Шунингдек, ислом моделига асосланган молия тизимида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш давомидаги рискларни тақсимлаш шартномаларининг хилма-хиллиги барча бошқа қарз олувчилар ёки инвестиция лойиҳаси иштирокчилари учун қўйлайлик яратади. Сабаби, иштирокчилар молиявий хизматларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган барча молиявий рискларни ўз зиммаларига олишлари шарт эмас. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ва бизнес юритиш харажатларини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ислом молияси тамойиллари асосида молиялаштириладиган лойиҳаларни кўпайтириш, анъанавий тижорат банкларида “ислом молияси дарчалари”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда халқаро молия институтлари, ислом молияси бўйича халқаро маслаҳат марказлари билан иш олиб бориш ўзининг ижобий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Фойдаланиш манбаи:
<https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Mannan M. A. (1983). “Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues”, Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 41-50.
3. Hasanuzzaman S. M. (1984). “Definition of Islamic Economics”, Journal of Research in Islamic Economics, 1(2), pp. 51-53.
4. Siddiqui M. N (1992). “History of Islamic Economic Thought”, in Ausaf Ahmed et al. (eds.), Lectures on Islamic Economics. Jeddah: IRTI-Islamic Development Bank.
5. Астанакулов О. Ислом молияси асослари: тараққиёт босқичлари, истиқболлари. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnalı. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil.
6. Турсунов А. Тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фа.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Тошкент –2021. – 59-б.
7. Ҳайдаров Ў. Республикамиз тижорат банкларида ислом молия

тизимидан фойдаланишни такомиллаштириш. //Иқтисод ва молия. 2022, 2 (150).

8. Амонов Ў. Замонавий иқтисодиётда ислом банкларининг аҳамияти ва хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази. – Фойдаланиш манбаи: https://www.bukhari.uz/page_id=20

9. www.adb.org - Asian Development Bank Institute
10. www.spglobal.com
11. www.mifc.com
12. www.ifsb.org
13. www.pewresearch.org
14. www.yuz.uz
15. www.xs.uz

ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна

*баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедраси катта ўқитувчи
Тошкент молия институти
E-mail: shoira9173@gmail.com
ORCID: 0000-0002-6124-2324*

Аннотация

Мақолада инсон капиталининг иқтисодий моҳияти ҳамда уни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, инсон капитали қийматини ҳисоблашнинг турли услубий ёндашувлари кўриб чиқилиб, инсон капиталига киритиладиган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик қўрсаткичлари тадқиқ этилган. Инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини баҳолаш юзасидан хуносалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, инвестиция, рақобатбардошлиқ, меҳнат бозори, иш ҳақи, фойда, иқтисодий ўсиш, самарадорлик, даромад, харажат, қиймат, дисконт ставкаси.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ В ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

Асамходжаева Шоира Шукуруллаевна

*старший преподаватель кафедры
оценочного дела и инвестиций
Ташкентский финансовый институт
E-mail: shoira9173@gmail.com
ORCID: 0000-0002-6124-2324*

Аннотация

В статье рассматривается экономическая сущность человеческого капитала и значение инвестиций, направленных на его формирование и развитие. Также исследуются различные методические подходы к расчету стоимости человеческого капитала, изучены показатели экономической

эффективности инвестиций в человеческий капитал. Сделаны выводы по оценке эффективности инвестиций в человеческий капитал.

Ключевые слова: человеческий капитал, инвестиции, конкурентоспособность, рынок труда, заработка плата, прибыль, экономический рост, эффективность, доход, себестоимость, стоимость, дисконтная ставка.

THEORETICAL BASIS OF EFFICIENCY OF INVESTMENTS IN HUMAN CAPITAL

Asamkhodjaeva Shoira Shukurullaevna

*Senior Teacher Department of
Valuation and investments
Tashkent Institute of Finance
E-mail: shoira9173@gmail.com
ORCID: 0000-0002-6124-2324*

Abstract

The article examines the economic essence of human capital and the importance of investments aimed at its formation and development. Also, various methodical approaches to calculating the value of human capital were considered, and indicators of economic efficiency of investments in human capital were researched. Conclusions have been formed on the evaluation of the effectiveness of investments in human capital.

Keywords: human capital, investment, competitiveness, labor market, wages, profit, economic growth, efficiency, income, cost, value, discount rate.

Кириш

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлиб амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонни ҳар томонлама камол топиш мақсадларига йўналтирилган. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг замонавий тармоқларини ривожлантириш билан бир қаторда, унга мос равища юқори интеллектуал салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг сифат таркибини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Янги технологияларни ишлаб чиқа оладиган, илғор иш услубларини яратса оладиган ва хом ашёларни жозибадор тижорат маҳсулотига айлантира оладиган инсон капиталига киритиладиган инвестициялар жаҳондаги етакчи компаниялар ва олимлар томонидан корхона рақобатдошлигини ошириш учун энг самарали эканлиги тан олинган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Инсон

капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт” [1].

Технологик жараёнларнинг муентазам янгиланиб бориши, инновацион ривожланиш ва интенсив иқтисодий ўсиш омилларининг тобора ошиб бораётганлиги мазкур жараёнларга тезкор мослаша оладиган, малакали кадрларга бўлган талабни янада оширмоқда. Шу боисдан ҳам мамлакатимизни 2030 йилгача ривожлантиришнинг хуқуқий асоси ҳисобланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида “...инсон капиталини ривожлантириш” [2] энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган. Мазкур ҳолат республикамизда инсон капиталини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши ва бу мақсадларда салмоқли инвестициялар қилинишидан далолат беради. Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатадики, тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида билим, маҳорат, малака, ўқишини давом эттиришга бўлган қобилият ва эҳтиёж алоҳида аҳамият касб этмоқда. Халқаро рейтинг агентликларининг маълумотига кўра, 2035 йилгача бўлган даврда замонавий глобал меҳнат бозори бир қатор хусусиятларни касб этади. Шу жумладан, “Глобал меҳнат бозори автоматлаштириш ва мақбуллаштиришдан иборат бўлиб, ишчи қучининг бўшаб қолишига олиб келади”, 2025 йилга келиб роботлаштириш билан боғлиқ иш жойларининг қисқариши 10-30 фоизни ташкил этади, фрилансерлар ишчи қучининг 50 фоизини ташкил этиб, глобал бандликнинг 44 фоизи уларнинг улушкига тўғри келади” [3].

Инсон капиталидан самарали фойдаланиш ташкилотнинг иқтисодий ўсишини таъминлайди, унинг фаолияти самарадорлигини оширади. Инсон капитали тўғридан-тўғри капитал сифатида ва тўғри ишлатилса, қўшимча фойда келтирадиган маҳсус ресурс шаклида намоён бўлади.

Бу эса, ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида юзага чиқиши шарт эканлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда миллий бойликдаги инсон капитали улуши 80 фоизгача бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Бозорда муваффақиятга эришиш бизнесдаги мижозлар эътиборига, ноёб тижорат таклифининг мавжудлигига, энг асосийси, компанияларнинг ходимларга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигига боғлиқ. Афсуски, мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлик кўрсаткичлари етарли даражада

үрганилмаганлиги бу борада изланишлар олиб бориш заруриятини юзага чиқармоқда.

Адабиётлар шархи

“Инсон капитали” тушунчаси кўп қиррали бўлиб, унга биринчилардан таъриф берган ва бу соҳада тадқиқотлар олиб борган америкалик олимлар Теодор Шульц ва Гэри Стэнли Беккердир. Бу олимларнинг инсон капитали борасидаги янгилиги 20 асрнинг иккинчи ярмида дунё иқтисодий тафаккурида кашф қилинган энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу оламшумул янгиликлари учун иккала олим Нобел мукофоти билан тақдирланган.

Беккер биринчи бўлиб таълим жараёнининг иқтисодий самарадорлигини статистик ҳисоблаш асосида аниқлаб, таълимга қўйилган маблағларнинг даромадлиигини даромад ва харажатлар нисбати сифатида белгилаб берди. Г. Беккернинг фикрича, самарадорлик йиллик фойданинг 12-14% ни ташкил қиласи. Унинг “Инсон капитали” китоби ҳозиргача бу борадаги асосий илмий асар ҳисобланади [4].

Швециялик иқтисодчи олим Л. Эдвансоннинг фикрига кўра, инсон капитали деганда, корхона ходимларининг ўз вазифаларини бажариши учун билимлари, амалий кўнималари ва ижодий қобилияtlарининг мажмуаси назарда тутилади. Бундан ташқари, инсон капиталининг таркибиغا компаниянинг маънавий бойликлари, ахлоқий қадриятлари, иш маданияти ва бизнесга умумий ёндашуви кабилар киради [5].

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида мамлакат ёки корхонанинг техник, технологик ва молиявий имкониятлари унинг рақобатбардош бўлиши учун етарли бўлмайди. Бундай шароитда инсон ресурси бирламчи аҳамият касб этади. Шу сабабли бу ресурсни доимий равишда ривожлантириб бориш, назорат қилиш ва ундан самарали фойдаланиш учун шароитларни яратиш талаб этилади. Замонавий иқтисодиётнинг тармоқ таркибида малакали ишчи кучига асосланган юқори технологик саноат тармоқлари ва хизматлар соҳаси улушкининг мунтазам равишда ўсиши туфайли инсон омилининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Бундан ташқари, кўплаб мамлакатлар иқтисодиётнинг янги турига – билимга асосланган иқтисодиётга ўтиши инсон капиталига бўлган қизиқишининг ортишига сабаб бўлмоқда. Билимларга асосланган иқтисодиётда анъанавий бошқарув усуллари ҳар доим ҳам ўз самарасини бермайди. Бундай ҳолатда интеллектуал капиталга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Интеллектуал капитал ривожланишининг асосий манбаи бўлиб, корхонанинг “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı I son 2023-yil 98

рақобатбардошлигини оширади. Рус иқтисодчи-олими Е. Юртайкиннинг фикрига кўра, интеллектуал ходимлар тоифасига қуйидагилар киради: дастурчилар, ҳукуқшунослар, конструкторлар, дизайнерлар, маслаҳатчилар, эксперtlар, таҳлилчилар, маркетинг мутахассислари ва бошқа шу каби касб вакиллари. Бундай ходимлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Самарали жараёнларни таъминлаш заруратини юзага келиши асосида ресурслар тақчиллиги муаммоси ётади. Бу эса инсон ресурсларидан фойдаланишга асосланган иқтисодиёт тармоқлари учун янада аҳамиятлидир. Чунки бундай тармоқларда янада сифатли, шунингдек янада чекланган ресурслардан фойдаланиш талаб этилади [6].

Маҳаллий олимларнинг фикрича, инсон капиталига киритилган ҳар бир инвестиция етарли даражада юқори рентабеллик ва қопланиш муддатига эга бўлсагина ўзини оқлайди. Шунинг учун реал иқтисодий воқеликда инсон капиталига инвестицияларни амалга ошириш бўйича рискларни таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш корхона инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришда жуда долзарбдир. Шу боис бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар дуч келадиган асосий муаммо бу инсон капиталига инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини баҳолашдан иборат [7].

Инсон капиталига инвестициялар самарадорлиги масаласининг замонавий талқини Томас А. Стюартнинг асарларида келтирилиб, муаллиф компаниянинг муваффақияти учун “интеллектуал ходимлар” сонини кўпайтириш ва етакчиликнинг янги, замонавий тамойилларига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди [8]. Инсон капиталининг турли давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатлариiga ҳамда турли компанияларнинг инновацион фаоллигига таъсири Р.М. Мельников ишида ёритилган [9] бўлса, инсон капиталига инвестицияларнинг меҳнат унумдорлигини ошиши ва яшаш даражасининг сифати яхшиланишига таъсири К. Абдураҳмонов тадқиқотида келтирилган [10].

Таҳлил ва натижалар

Илм-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида инсон капитали мамлакат келажагини белгилайдиган зарурий омилга айланиб бормоқда. Инсон капитали барқарор иқтисодий ўсишнинг асоси ва инновацияларни ҳаракатлантирувчи кучdir.

Инсон капитали ташкил этадиган инновациялар ва янги ғояларсиз иқтисодиётнинг ҳозирги ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Инсон капитали

иқтисодиётни рақамли технологиялар томон ўтишини белгилаб беради. Чунки иқтисодиёти электрон технологиялар ва хизматлар, шу жумладан, ахборот-рақамли маконни таҳлил этиш ва қайта ишлеш технологияларини ривожлантиришга асосланган мамлакатлар рақобатда устунликга эга бўлади [11].

Инсон капиталига инвестициялар – бу инсонларнинг қобилиятини, унинг малакасини оширишга ва ривожлантиришга киритилган сармоя бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад меҳнат унумдорлигини оширишdir.

Таълим ва ишлаб чиқаришга тайёргарлик инсон билимини яхшилайди, бу, ўз навбатида, инсон капиталининг ҳажми ва сифатини оширади. Гарвард университети иқтисодчиси, “Таълим, иш ҳақи ва тажриба” китоби муаллифи Ж. Минсернинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар бир қўшимча таълим йили қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан ташқарида ишлайдиган кишининг даромадини 7 фоизга оширади.

Соғлиқнинг қониқарсиз ҳолати унумдорликни пасайтиради: жисмоний жиҳатдан заиф ва бемор ишчилар ўз инсон капиталини тўлиқ амалга ошира олмайдилар, шу сабабли ташкилотлар ўз ходимлари соғлигига инвестиция киритади.

Илм-фан ривожланиши жараёнида нафақат интеллектуал янгиликлар ҳаётга тадбиқ этилади, балки бунда иштирок этаётган инсонларнинг янги имкониятлари, қирралари очилади. Ахборот жамиятида фан инсон капиталини ривожлантиради.

Корхона ва давлат иқтисодиётини ривожлантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан инсон капиталини ривожлантириш учун ажратилган маблағлар миқдорига, шунингдек, ушбу маблағларнинг ўз вақтида ажратилишига боғлиқ. Ушбу турдаги инвестициялар ҳажми жиҳатидан сезиларли, узок муддатли ва ажралмас иқтисодий-ижтимоий самара келтиради. Шунинг учун инвестициялар инсон, корхона ҳамда бутун жамият нуқтаи назаридан энг фойдали ҳисобланади.

Инсон капитали нафақат мактаб, коллежларда таълим олиш жараёнида, балки кейинги қасбий тайёргарлик жараёнида (расмий ёки норасмий, баъзан тўғридан-тўғри иш жойида) олинади, шунинг учун уни умумий ва хусусийга бўлиш мумкин.

Жами инсон капитали турли ишларда, турли фирмаларда амалга оширилиши мумкин. Махсус инсон капитали фақат маълум бир иш жойида, фақат маълум бир фирмада қўлланилиши мумкин.

Кўпгина тадқиқотчилар инсон капитали қийматини ҳисоблашнинг турли услубий ёндашувларини ишлаб чиқсан, бу усуллар миллий миқёсда

унинг қийматини ҳисоблаш билан боғлиқ.

Инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини иккита индекс қийматини солишириш орқали аниқлаш мумкин: инсон капиталига инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда корхонада инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлиги [8].

$$\text{Иикифс} = \Delta\text{ИК} \text{ қиймати} / \Delta\text{ИКга инвестициялар}$$

Бу ерда Иикифс – инсон капиталига инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги, бирликда; $\Delta\text{ИК}$ қиймати – корхонанинг инсон капитали қийматининг ошиши, минг сўм; $\Delta\text{ИКга}$ инвестициялар – иш берувчининг инсон капиталига инвестицияларини ошириш, минг сўм.

Корхона даромадлари ўсиш суръатининг инсон капитали қийматининг ўсиш суръатларига нисбати бўлган инсон капитали самарадорлиги индекси қуидагича аниқланади:

$$\text{Иикис} = \text{Корхона тушумининг ўсиш суръати} / \text{ИК қийматининг ўсиш суръати}$$

Инсон капиталидан самарали фойдаланишни акс эттирувчи кўрсаткичлар қийматларини солишириш орқали корхонанинг истиқболли ривожланишини аниқлаш таклиф этилади. Бунда инсон капиталига инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги индекси ва инсон капиталидан самарали фойдаланиш индекси муҳим ўрин тутади.

Инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлиги унинг ўзига юкланган функцияларининг ҳажми, тўлиқлиги, сифати ва ўз вақтида бажарилиши асосида белгиланади. Кадрлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун тегишли мезон ва кўрсаткичлар зарур. Баҳолаш мезонларини танлашда қуидагилар ҳисобга олиниши керак:

биринчи навбатда, баҳолаш натижалари қандай зарурий вазифаларни ҳал қилишда фойдаланилган;

иккинчидан, мезонлар ишчиларнинг қайси категорияси учун белгиланган. Чунки мезонлар фаолиятнинг характеристи, мураккаблиги ва масъулиятига қараб фарқланади. Инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлиги соҳасидаги мезонлар сифатида ишлаб чиқаришнинг белгиланган нормаларини бажариш ёки ишни сифатли бажариш, ходимларнинг қўнимсизлиги ва асоссиз ишсиз қолиши билан боғлиқ харажатларни камайтириш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Қуйида инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг таркибий қисмларини қўриб чиқамиз.

1-чизма.

Инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашниң таркибий қисмлари*



*Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш икки таркибий қисмдан иборат:

1. Иқтисодий самарадорлик. Бунда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш тамойили асосида ходимлардан фойдаланиш орқали корхонанинг иқтисодий мақсадига эришиш тушунилади.
2. Ижтимоий самарадорлик. Бу ходимларнинг эҳтиёжлари ва кизиқишилари даражаси билан таърифланади.

Баъзи иқтисодчилар инсон капиталидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини қўйидагилар орқали таҳлил қилишни таклиф қилишади:

ташкилотнинг мақсадлари нуқтаи назаридан кўриб чиқилаётган иш натижалари ва ходимларга кетган харажатлар нисбати;

ходимларнинг узоқ муддатли фаолиятига ва ташкилотни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини акс эттирувчи барқарорлик ва эгилувчанлик каби унсурлар. Барқарорлик ходимларнинг узлуксизлигига, берилган топшириқларни бажараётган ходимларнинг ишончлилигига, кескинлик ва низоларнинг бўлмаслигига кўринади. Эгилувчанлик эса, ходимларнинг янги шартларга мослашиш қобилиятида намоён бўлади. Бундай ходимлар инновацион концепцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳолда низолашишга тайёр ва ташкилий ўзгаришни фаол қўллаб-куватловчи бўлади.

Ходимларга инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини умумий баҳолаш учун ушбу инвестициялар икки жиҳатдан кўриб чиқилиши мумкин: ходимлар учун (инвестицияларнинг таъсири ижтимоий бўлади) ва ташкилотнинг ўзи учун (инвестицияларнинг таъсири иқтисодий бўлади) [12].

Инсон капиталига инвестицияларнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолашнинг биринчи босқичида асосий кўрсаткич инсон ресурслариға инвестицияларнинг минимал даражаси HCI_{min} сифатида қабул қилиниши мумкин, бу инсон капиталининг нормал фаолияти учун зарур бўлган инвестициялар ифодасидир. HCI_{min} кўрсаткичи инсоннинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган барча умумий харажатларини ҳисобга олиши ва бозор иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатига мос келадиган юқори сифатли инсон капиталини шакллантириш учун жорий ва узок муддатли харажатлардан иборат бўлиши керак [13]:

$$HCI_{min} = \sum_{i=1}^n Z_i \quad \text{ёки} \quad HCI_{min} = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m C_{ij} N_{ij}.$$

Бу ерда $Z_i = \sum(C_{ij} * N_{ij})$ – ҳар ойда инсон капиталининг ишлаши учун (овқатланиш, соғлик, ҳаракатчанлик, болаларни тарбиялаш, малака ошириш ва бошқалар) маълум турдаги харажатлар йигиндиси, бу C_{ij} – товарлар ёки хизматлар нархига ва N_{ij} – истеъмол ставкаларига боғлиқ; n, m – харажатлар гуруҳлари ва кичик гуруҳлар сони, мос равишда инсон эҳтиёжларининг индивидуал тузилиши билан белгиланади.

HCI_{min} ҳисоблаб чиқилгандан сўнг, уни тўлиқ ставкада ишлайдиган ходимнинг иш ҳақи билан солиштириш керак. Ушбу таққослаш инсон капиталига инвестицияларнинг ижтимоий самарадорлигини алоҳида шахс учун баҳолаш имконини беради. HCI_{min} кўрсаткичи – бу ходимларнинг иш ҳақи даражасини баҳолаш мумкин бўлган даража, масалан, иш ҳақининг HCI_{min} даражасидан ошиб кетиши ташкилот учун бир қатор қўшимча имтиёзларни келтириб чиқаради: солоҳиятли ходимлар учун жозибадорлик, ўртачадан юқори меҳнат унумдорлиги, ходимларнинг стратегик фикрлашининг ривожланиши ва бошқалар. Менежерлар инсон ресурслариға самарали инвестиция стратегияларини ишлаб чиқишида ушбу параметрнинг динамикасини кузатиши керак.

Шундай қилиб, инсон капиталини миқдорий баҳолаш учун ташкилот, минтақа, мамлакатдаги иш ҳақи даражасига эътибор қаратиш мумкин. Инсон капитали назарияси ғояларига кўра, маълум бир малакали ходимнинг даромадини S_n икки компонентга бўлиш мумкин. Биринчи қисмга унинг таълимсиз олган даромадлари киради. Бошқа қисми эса таълим инвестициялари бўйича даромадлардан иборат [14].

$$S_n = S_o + I_n * R_t,$$

бу ерда S_o – маълумотсиз шахснинг даромади; I_n – н йиллик ўқиши давомида тўпланган инвестициялар ҳажми; R_t – таълимга инвестицияларнинг

жорий даромадлилик даражаси. Маълум бўлишича, иш ҳақи ўзига хос қатламли тузилма бўлиб, унда ҳар бир қатlam маълум даражадаги таълим билан боғлиқ. Шунинг учун олий таълимнинг иқтисодий самарадорлиги икки шахснинг – бири олий ўқув юртини тамомлаган ва иккинчиси ўрта маълумотга эга бўлган шахснинг умри давомидаги даромадларидағи фарқ сифатида ҳисобланади. Шу билан бирга, таълим харажатлари таркибига тўғридан-тўғри таълим харажатларидан ташқари, талабалар томонидан йўқотиладиган “бой берилган даромадлар” киради, чунки ўқиш даврида улар ўз иши учун даромад олиш имкониятига эга эмаслар. Йўқотилган даромад таълимнинг умумий қийматининг ярмини ташкил қиласи; АҚШда улар ўрта ва олий таълим умумий харажатларининг ярми ёки ҳатто ундан кўпини ташкил қиласи.

Инсон капиталини ташкилотга маълум даромад келтирадиган мулкий комплекснинг таркибий қисми сифатида аниқлашнинг яна бир усули – бу ходимнинг ҳаёти давомида оладиган даромадини дисконтлаш. Бу ҳолда инсон капиталининг қиймати қуйидаги формула билан аниқланади [15]:

$$W_{umumiy} = \frac{w_1}{(1+r)} + \frac{w_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{w_n}{(1+r)^n},$$

бу ерда W_n – инсон капиталидан фойдаланишдан кутилаётган йиллик даромад; r – кўриб чиқилаётган давр учун ўртача инфляция даражаси (ёки дисконт ставкаси); n – инсоннинг умр кўриш давомийлиги.

Айтиш мумкинки, жисмоний шахс томонидан инсон капиталидан фойдаланишдан олинган даромад, бутун умр давомида кутилаётган ўртача йиллик даромад сифатида, инсоннинг доимий (перманент) даромади бўлиб, унга мулкнинг таркибий қисми сифатида инсон капиталини келтиради.

Инсон капиталига инвестицияларни баҳолашнинг иккинчи босқичида бевосита иқтисодий самара баҳоланади. Бундай баҳолаш, қоида тариқасида, кадрлар билан боғлиқ ҳар қандай инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан кейингина мумкин. Иқтисодий самарани баҳолаш учун ROI (инвестицияларнинг рентабеллиги) – машхур “инвестицияларнинг даромадлилиги” кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф этилади:

$$ROI = ((\Delta D - Z) / Z) * 100\%,$$

бу ерда ΔD – инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан кейин даромаднинг ўсиши; Z – инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун бевосита ва билвосита харажатлар.

Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, агар ROI қиймати 20% дан кам бўлса, унда инсон капиталига инвестициялар самарасиз деб ҳисобланиши мумкин [16].

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, инсон капиталини баҳолашнинг кўриб чиқилган усулларидан бири ёки уларнинг комбинациясидан фойдаланиб, ташкилотдаги инсон капитали миқдорини нисбатан аниқ ҳисоблаш мумкин. Юқоридаги усуллар ташкилотга ходимлар билан ишлашнинг турли соҳаларида самарали кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиши имконини беради.

Хулоса

Инсон капиталига инвестициялар самарадорлигини назарий асосларини ўрганиш натижасида қуидаги хулосалар шакллантирилди.

Биринчидан, корхона фаолиятининг муваффақияти барча мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, инсон ресурсларидан самарали фойдаланишни назарда тутади. Бироқ, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари бошқа ресурсларнидан тубдан фарқ қиласди. Чунки бу ҳолда у инсонлар мотивацияси ёки уларнинг мақсадларига таъсирни таъминлайди. Интеллектуал ходимлар мотивациясининг ўзига хослиги уларнинг мақсадлари ва қизиқишлари иқтисодий ҳамда ижодий таркибий қисмларни ўз ичига олиши билан боғлик. Интеллектуал ишчиларнинг мотивацияси уларнинг самарадорлигига, яъни қўйилган мақсадларга эришиш қобилиятига боғлик. Агар унинг фаолияти самарасиз бўлса, унда тез орада меҳнат қилиш ва фойда олишга интилиш йўқолади. Шу муносабат билан, инсон капиталидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш замонавий корхонани бошқариш учун устувор вазифа бўлиши керак. Корхонанинг инсон капиталини ўзида мужассам этган интеллектуал ходимнинг самарадорлиги долзарб вазифаларни ҳал қилиш қобилиятида қўринади ва корхонанинг муваффақиятини ошириш учун бундай ходимларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш талаб этилади.

Иккинчидан, маълумотлардан қўринадики, бугунги кунда корхона ва ташкилотларда инсон капиталини баҳолашнинг ягона ёндашуви мавжуд эмас. Бу “инсон капитали” тушунчасининг аниқ таърифининг йўқлиги, унинг тузилиши ҳақида турли хил фикрлар, барча омилларнинг инсон капитали ўзгаришига таъсирини аниқ ажратишнинг имкони йўқлиги ва бошқалар билан боғлик.

Учинчидан, тадқиқот давомида инсон капиталини баҳолашнинг назарий ва амалий ёндашувлари ҳамда усуллари ўрганилди, таҳлил қилинди. Мақолада кўрсатилганидек, назарий нуқтаи назардан қараганда, энг мақбул ёндашув меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш харажатларини баҳолашга, инсон капиталига инвестициялар рентабеллигини умумий

баҳолашга ва тўпланган инсон капиталини баҳолашга асосланади. Шу тарзда олинган қумулятив баҳолаш инсон капиталидан фойдаланишнинг умумий шартларини белгилайди, лекин бизнесни бошқаришда аниқ қарорлар қабул қилишга имкон бермайди. Амалий усуллар етарлича объектив, лекин кўп сонли вазият омилларига боғлик бўлган инсон капитали миқдорининг ўзгарувчанлиги туфайли ҳар доим ҳам тўлиқ бўлмаган баҳолаш имконини беради.

Тўртинчидан, муайян усулни танлаш ва қўллаш ташкилотнинг амалий вазифаларига боғлик бўлади. Бундан ташқари, инсон капиталидан фойдаланишни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш соҳасидаги амалларни такомиллаштириш бўйича доимий ишларнинг йўлга қўйилиши ташкилотга ўз мақсадларига самарали эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. – Фойдаланиш манбаи: <https://president.uz/uz/lists/view/2228>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон Фармони. – Фойдаланиш манбаи: <https://lex.uz/docs/5841063#5843873>

3. The Future of Jobs 2018. - URL: <http://reports.weforum.org/future-of-jobs-2018/>

4. Беккер Г. Человеческий капитал (главы из книги). Воздействие на заработки инвестиций в человеческий капитал [Текст] / Г. Беккер // США: экономика, политика, идеология. № 11. Ноябрь 1993 г. – С. 19-145.

5. Эдвинсон Л. Интеллектуальный капитал. Определение истинной стоимости компании / Л. Эдвинсон, М. Мэлоун // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология / под. ред. В. Л. Иноземцева. – М.: Academia, 1999.

6. Юртайкин Е. Особенности развития интеллектуальных работников / Е. Юртайкин // Управление человеческим потенциалом. 2005. № 2.

7. Очилов О.И. Инсон капиталига қилинган инвестициялар таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. Илм-фан журнали. 2022, ноябрь. – Фойдаланиш манбаи: <https://uza.uz/posts/427766>

8. Томас А.Стюарт. Интеллектуальный капитал: новый источник богатства организаций. – Поколение, 2007. – 368 с.

9. Мельников Р.М. и др. Эффективность инвестиций в человеческий капитал в современных условиях. – М.: Проспект, 2019. – 352 с.
10. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти: дарслик. -Т.: Иқтисодиёт, 2019. – 628 б.
11. Худайбердиев З.Р. Инсон капитали бозори иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини белгиловчи омил сифатида. ТДИУ, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2019 йил.
12. Афанасьев А.Н. Как оценить инвестиции в персонал // Финансовый директор. – 2004. – № 6. – С. 78–83.
13. Denison E. The Sources of Economic Growth in the United States and the Alternatives before us. –N.Y.: Committee for Economic Development, 1962. – 298 p.
14. Кирьянов А.В. Виды инвестиций в человеческий капитал и их эффективность // Корпоративный менеджмент. 2011. – Режим доступа: <http://www.cfin.ru/bandurin/article/sbrn07/08.shtml>
15. Сюрина Т.С. Инвестиции и человеческий капитал // Научно - практическая конференция МГТУ. 2011. Режим доступа: http://www.mstu.edu.ru/science/conferences/11ntk/materials/section11/section11_16.html
16. Добровинский А.П., Демьяненко Ю.В. Оценка человеческого капитала в деятельности коммерческих организаций. Известия Томского политехнического университета. 2011. Т. 319. № 6.

QAYTA TIKLANADIGAN ENERGIYANI YARATISH LOYIHALARINI ISHLAB CHIQISH VA BOSHQARISH

Alikulov Mehmonali Salohiddin o'g'li

иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
baholash ishi va
investitsiyalar kafedrasi dosenti
Toshkent moliya instituti
E-mail: mehmonali1992@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5981-885X

РАЗРАБОТКА И УПРАВЛЕНИЕ ПРОЕКТАМИ ВОЗОБНОВЛЯЕМОЙ ЭНЕРГИИ

Аликулов Мехмонали Салохиддин оғлы

д-р философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры оценочного
дела и инвестиций
Ташкентский финансовый институт
E-mail: mehmonali1992@gmail.com,
ORCID: 0000-0001-5981-885X

DEVELOPMENT AND MANAGEMENT OF RENEWABLE ENERGY PROJECTS

Alikulov Mekhmonali Salahiddin ugli

Doctor of Philosophy (RhD) in Economics
Associate Professor of the Department
of Appraisal and Investments
Tashkent Institute of Finance
E-mail: mehmonali1992@gmail.com,
ORCID: 0000-0001-5981-885X

Annotation

Maqolada qayta tiklanadigan energiya resurslarini yaratish bilan bog'liq loyihalarni ishlab chiqish va boshqarishning o'ziga xos xususiyatlariga oid yetakchi olimlarning fikrlari o'rganilib, qayta tiklanadigan energiya manbalarining o'sish tendensiyalari tadqiq etilgan. Shuningdek, rivojlangan mamlakatlarning bu sohadagi tajribalari tahlil qilinib, takliflar ishlab chiqilgan

hamda ularni qo'llash bo'yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: qayta tiklanadigan energiya, resurs, biogaz, organik chiqindi, yashil iqtisodiyot, tiklanmaydigan energiya, geotermal suvlar, gidroenergetika, quyosh energiyasi.

Аннотация

В статье рассматриваются мнения ведущих ученых об особенностях разработки и управления проектами, связанными с созданием возобновляемых источников энергии, исследуются тенденции роста возобновляемых источников энергии. Также был проанализирован опыт развитых стран в этой сфере, разработаны предложения и даны рекомендации по их применению.

Ключевые слова: возобновляемая энергия, ресурс, биогаз, органические отходы, зеленая экономика, невозобновляемая энергия, геотермальные воды, гидроэнергетика, солнечная энергия.

Abstract

The article discusses the views of leading scientists on the features of the development and management of projects related to the creation of renewable energy sources, examines the growth trends of renewable energy sources. The experience of developed countries in this area was also analyzed, proposals were developed and recommendations were given for their application.

Keywords: renewable energy, resource, biogas, organic waste, green economy, non-renewable energy, geothermal water, hydropower, solar energy.

Kirish

Mamlakatda sanoat tarmoqlarini tarkibiy o'zgartirish, jahon iste'mol bozorlari uchun sifatlari, raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish va eksport qilish, diversifikatsiya jarayonini chuqurlashtirish, modernizatsiyalashga qaratilgan dasturlarni amalga oshirish ishlari iqtisodiyotda o'sish ko'rsatkichlari yuqoriligini ko'rsatmoqda. Keyingi yillarda O'zbekiston iqtisodiyotida neft va gaz, iste'mol, qurilish, energetika, metallurgiya tarmoqlarida rivojlanish yuqori natijalarni berdi. Hozirgi kunda neft, ko'mir va gaz konlarining borgan sari tugab borayotganligi global energiya falokatiga yetaklamoqda. Qayta tiklanadigan energiya manbalariga butunlay o'tish kelajakdagi energiya tanqisligi muammosini bartaraf etish imkonini beradi.

Tuganmas yoki qayta tiklanadigan tabiiy resurslardan energiya olish imkoniyatiga ega bo'lgan qurilmalar an'anaviy xom ashyolarga qaramlikni bartaraf etadi. Jahon iqtisodiyotining barcha yutuqlari neft, gaz, ko'mir va boshqa shu kabi “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali I son 2023-yil 109

tabiiy qazilma boyliklarga asoslangan. Hayotdagi aksariyat harakatlar: metroda harakatlanishdan boshlab to oshxonada choy qaynatishgacha oxir-oqibat, ushbu tarixiy taraqqiyot mahsulini yoqib tugatishga qaratilgan. Asosiy muammo shundaki, osonlik bilan erishiladigan energiya resurslari qayta tiklanmaydi.

Adabiyotlar sharhi

Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida qayta tiklanadigan energiya resurslarini yaratish bilan bog’liq loyihalarni ishlab chiqish va boshqarish yuzasidan bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan. Hindistonlik iqtisodchi olim S.P. Raghuvanshi o‘zining tadqiqotida qayta tiklanadigan energiyaning iqlim o‘zgarishriga ta’sirini baholagan. Uning tadqiqoti empirik kuzatishlarga asoslangan bo‘lib, unda so‘nggi 50 yillikda iqlim o‘zgarishiga eng ko‘p ta’sir qilgan omil sifatida yoqilg‘i-energiya resurslaridan foydalanish hajmining oshib borishi keltirilgan. Shunga qaramay muallif tomonidan qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari o‘rganilmagan [1].

Shvetsiyalik olim T. Jackson o‘zining tadqiqotida qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishning iqtisodiy, institutsional va ekologik jihatlarini yoritib bergen [2]. Mantiqiy tahlil usulidan foydalangan holda sohada texnologik xarajatlarni kamaytirish masalalarini ko‘rib chiqqan. Ammo tadqiqotda qayta tiklanadigan energiyaning iqtisodiy va ekologik samarasini aniq hisob-kitoblar bilan tahlil qilinmagan.

Angliyalik iqtisodchi olim M. Grubb Yevropa Ittifoqiga a’zo mamlakatlardagi muqobil energiyaning rivojlantirish strategiyalarini o‘rgangan [3]. Iqtisodchi olim qayta tiklanadigan energiya sohasidagi iqtisodiy jarayonlarni uzviylikda baholab, tizimli yondashuv uslubi asosida mamlakatlar milliy energetika strategiyalarining umumiy xususiyatlarini birlashtirgan [3].

Shuningdek, rossiyalik olim I.A. Grechuxina T.N. monografik tahlil va guruhash usullaridan foydalangan holda qayta tiklanadigan energiyaning iqtisodiy mexanizmlarini keltiradi [4]. Т.Н Седаш. milliy iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni rag‘batlantirish shart-sharoitlarini atroflicha tadqiq qilgan. Shu bilan birga, tadqiqotning kamchiligi sifatida, unda keltirilgan rag‘batlantirish usullarini milliy darajada amalga oshirishda yuzaga keladigan qiyinchilik va muammolar tahlil qilinmagan [5].

Mamlakat olimlarimiz tomonidan ham mazkur masala atroflicha organilgan. K.Shodimetov turli quvvatga ega bo‘lgan muqobil energiya manbalarini barpo etish, ulardan qanday tartibda foydalanish va qayta tiklanadigan energiya

manbalari imkoniyatlarini yoritib bergen [6].

H.K. Zaynuddinova, Sh.K. Niyozov, Sh. Ashirov, R.Sh. Daminov, E. Ikromxonovlar fermer xo‘jaliklarida qayta tiklanadigan va muqobil energiya manbalarini ishlatgan xolda quyosh energiyasidan samarali foydalanish, qishloq xo‘jaligi ekinlarini ekishda tuproqning radiatsion holatini va issiqlikni taminlash, o’simliklarni quyoshga nisbatan qanday joylashtirish bo‘yicha o‘z taklif va muloxazalarini taqdim etgan [7].

Tahlil va natijalar

Qayta tiklanadigan energiya organik chiqindilar (hayvonlar ekskrementlari, maishiy chiqindilar, qishloq va o‘rmon xo‘jaliklari o‘simplik qoldiqlari va shahar oqava suvlaridan foydalanish tufayli olinadigan energiya) energiyasida, daryolar, suv omborlari va irrigatsiya kanallarining gidroenergetika salohiyatida, quyosh, shamol, okean to‘lqinlari energiyasida va bu manbaning boshqa muqobil turlarida o‘z ifodasini topgan.

Nazariy jihatdan olib qaralganda, qayta tiklanadigan energiya manbalaridan keng ko‘lamda foydalanish, birinchi navbatda, ekologik faloqatni oldini olishda katta imkoniyatlar yaratadi. Ammo qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish bilan bog‘liq moliyaviy-iqtisodiy xarajat va shartlar ushbu manbalarga bo‘lgan ehtiyojni qonoqtirmaslikka sabab bo‘lmoqda.

Ma’lumki, yaqin kelajakda qayta tiklanadigan energiy bilan bog‘liq energetik qurilmalarning imkoniyatlari cheklanganicha qolaveradi. Bunday energetik qurilmalarni ishlatayotgan yetakchi davlatlarda yirik aholi punktlari, sanoat korxonalari ehtiyojlariga javob beradigan hajmdagi energiyani muntazam ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yilgan. Ammo mamlakatimizda energetik manbalar oziq-ovqatlarni ishlab chiqarisga sarflanadagan energiya bilan to’la ta’minlay olmaydi.

Ko‘plab turdagи qayta tiklanadigan energiyani ishlab chiqaruvchi moslamalar bilan bog‘liq ekologik sarf-xarajatlar ham ko‘payib borayotganini qayd qilish lozim. Elektr energiya ishlab chiqarish uchun foydalaniladigan turli quvvatga ega quyosh fotoelektr tizimlari va shamol generatorlari o‘rnatalgan joylar atrofida salbiy omillarni kamaytirish maqsadida ularni to‘g‘ri loyihalashtirish darkor.

Vodorod energetikasi hozircha unchalik ekologik toza emas degan xulosalarga kelingan. Biroq vodorod olish jarayonlarini takomillashtirish, uni toplamasdan to‘g‘ridan-to‘g‘ri ichki yonuv dvigatellarida qo‘llash samara birishini qayd qilish lozim. Bu texnologiyaning ko‘p qirralari hali ochilmagan. Uni yanada


takomillashtirish natijasida energetic vaziyat ijobiy tomonga o‘zgarishini inobatga olib, bu manbadan yanada oqilona foydalanish zarur.

Qayta tiklanadigan energiya manbalarini ishlatishdan asosiy maqsad foydali qazilmalar resurslari zaxirasini saklash, atmosferada parnik holat yuzaga kelishini oldini olish, tuzlar tarqalishiga qarshi chora-tadbirlar ishlab chiqish, yer yuzasi emirilishini oldini olish hamda energiyani behuda ishlab chiqarmaslikdan iborat.

XXI asrning 10-yillaridan boshlab tez rivojlanayotgan global energetika tizimida qayta tiklanadigan energiya manbalarining (shu jumladan gidroenergetika) ulushi qariyb 2020 yilga kelib 25 foizga oshdi. Yevropa ittifoqi, Amerika Qo‘sma Shtatlari, Xitoy, Hindiston, Yaponiya va Avstraliya kabi mamlakatlar tomonidan olib borilayotgan iqlim siyosati quyosh batareyalari va shamol qurilmalarini qurish ishlarini sekinlashtirdi. Shu bilan birga rivojlanayotgan mamlakatlarda qayta tiklanadigan quvvatlarni ishlatish doirasi kengayb bordi (1-diagramma).

1-diagramma.

Dunyoda qayta tiklanadigan energiyaning umumiyligi energetikadagi hissasi (2020 yil)*



*Manba: S.Q.Qahhorov, H.O.Jo’rayev, Y.Y.Jamilov, N.M.Hamdamova Qayta tiklanuvchi energiya manbalari: o’quv qo’llanma. 2021.

Dunyodagi rivojlangan mamlakatlar foydalanayotgan noana’naviy va qayta tiklanadigan energiya manbalarini turlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

1. Quyosh energiyasi.
2. Turli tezlikdagi shamollardan olinadigan energiya.
3. Gidroenergetika(o‘rta, kichik va mikrogidroenergetika).
4. To‘lqinlar energiyasi va suv sathlarining ko‘tarilib-tushish energiyasi.

5. Okean va dengizlardagi turli xil oqimlar energiyasi.
6. Geotermal suvlar va geyzerlar energiyasi.
7. Organik chiqindilardan olinadigan biologik gaz energiyasi.
8. Shahardan chiqayotgan qattiq va suyuq (kanalizatsiya) organik chiqindilari energiyasi.
9. Yer ostidan issiqlik nasoslari orqali olinadigan energiya.
10. Chaqmoq energiyasi.
11. Moyli o'simliklardan olinadigan energiya.

Umuman olganda, epidemiologik va ekologik talablar asosida tabiatda mavjud bo'lgan manbalardan olingan toza energiya tiklanadigan energiya nomi bilan yuritiladi. Shuning uchun bunday manbalar noana'naviy va qayta tiklanadigan energiya manbalari deyiladi [8].

Dunyoning ko'pgina mamlakatlarida ko'mir va boshqa energetik konlarinining yopilishi natijasida o'z ishini yo'qotishdan qo'rgan ko'plab ishchilar ishlaydi. Aksariyat Yevropa mamlakatlarining iqtisodiyoti ko'mirga bog'liq. Biroq, tiklanmaydigan energiya manbalaridan foydalanish uzoqga cho'zilishi mumkin emas. Bu mamlakatlar tiklanadigan – yashil energiya manbalariga o'tishi muqarrar. Holatni rivojlangan davlatlaridan biri bo'lgan, energetika iqtisodiyoti bir paytlar muhim o'rinn tutgan Shvetsiya misolida ko'rish mumkin. Borgan sari ulkan davlatlar ko'proq yashil energiyaga utmoqda.

Tahlilarimizdan ko'rindiki, ko'pgina davlatlarda tiklanmaydigan energiya asosiy energiya manbai hisoblanadi. Polsha davlati energiyasining 80 foizini ko'mir beradi. Bu shuni anglatadiki, juda ko'p ish o'rirlari unga bog'liq va shuning uchun odamlar boshqa energiya manbalariga o'tishni hohlamaydilar.

Skeptiklarning fikriga qaraganda, qayta tiklanadigan energiya (QTE)ning yuqori nisbati tarmoq barqarorligiga ta'sir qilmasdan butun dunyodagi elektr energiya tizimiga integrasiyalanadi.

2020 yilga kelib dunyoning ko'plab hududlarida yashil energiyadan foydalanish sezilarli darajada oshdi. Bunda shamol va quyosh energiyasining ulushi Daniyada 52,9%, Urugvayda 28,1%, Germaniyada (26%) va Irlandiyada 25,2%ni tashkil qiladi.

Ma'lum mintaqalarda qayta tiklanadigan energiya manbalari energetik tizimlarga yanada yuqori ko'rsatkichlar bilan integrasiyalasha boshladi. Janubiy Avstraliyada shamol energiyasi talabning 100% dan ortig'ini ta'minladi va vaqtiga qarab shamoldan tashqari 44% gacha quyosh energiyasidan foydalanildi. Boshqa misollar Germaniya shamol va quyoshdan foydalanib 66 % energiya yuklamasini o'zlashtirishga erishildi. AQSHning Texas shtatida energiya yukning 54% ni shamol energiyasidan olishga erishgan. Irlandiya davlatida energiya yukning 60%

shamol energiyasi to’g’ri keladi. Bu esa QTE bo’lgan ehtiyoj barcha davlatlarda dolzARB ekanligini ko’rsatadi.

Dunyoning jadal rivojlanish pallasida Xitoyda sanoat va transportni elektrlashtirishni rag’batlantirish ishlari avjiga chiqdi. Bu erda qayta tiklanadigan energiyaning ulkqn salohiyatida foydalanmoqda. Chunki bu jarayon ortiqcha xarajatlarni kamaytirishga yordam beradi (taklif va talab o’rtasidagi muvozanatni saqlash uchun xizmat qiladi).

So‘nggi vaqtarda bir sohada ishlab chiqarilgan ortiqcha elektr energiya hisoblanadi. Evropaning ko‘pgina davlatlari bo‘ylab to‘rt asosiy uzatish liniyalari qurilishini qo‘llab-quvvatlash uchun moliyaviy qo‘llab quvvatlashni yo‘lga qo‘ydi.

Quyosh energiyasidan foydalanish qurilmalarini yangi avlodining loyiha tanlovlari bir qator mamlakatlarda qizg’in otgan bo’lsa, boshqalarida past ko‘rsatkichlarni namoyish qildi. Misol uchun Germaniyada bunday ko‘rsatkich oxirgi ikki yilda 50% ga past bo‘ldi va bir MVt/soat uchun ko‘rsatkich 60 \$ dan pastga tushdi. Qo‘shma Shtatlarda quyosh energiyasini ishlab chiqaruvchi qurilmani sotib olish uchun eng qimmat shartnoma Texas shtatida tuzildi. 150 MVt ga teng bo’lgan loyiha sotildi. Bu narx bir MV/soat uchun 21 dollardan kamroqni tashkil qildi.

Kanada, Hindiston, Meksika va Marokash kabi turli mamlakatlar bozorlarida shamol elektr energiyasining narxi bir MVt soat uchun taxminan 30 \$ ga tushib ketgan. Meksikada bo’lib o’tgan tenderda jahon rekordi o’rnatalib, minimal narx 20 MVt/soat dan past bo’lgan va 2016 yilda bo’lib o’tgan tenderlarga nisbatan 40-50% ga pasaygan.

2018 yil boshida dunyoning etakchi elektr icte’molchilaridan 130 nafari 100% qayta tiklanadigan energiyani ishlatilishi bilan bog’liq korporasiyalar tarmog‘iga a’zo bo’ldi. Amerika Qo‘shma Shtatlari va Evropadan yashil energiyadan foydalanish dunyoning turli mintaqalariga, Burkina-Faso, CHili, Xitoy, Misr, Gana, Hindiston, Yaponiya, Meksika, Namibiya va Tailand kabi turli mamlakatlarga tarqaldi..

Qayd qilish kerakki, dunyo amaliyotida qayta tiklanadigan energiya manbalaridan keng foydalanish zarurati elektr energiyasiga bo’lgan talabning tez o’sishi bilan belgilanadi. Qayta tiklanadigan energiya 2000 yilga nisbatan 2030 yilda 2 barobar, 2050 yilga borib esa 4 marta ko‘payadi.

Xulosa

Qayta tiklanuvchi energiya – bu atrof-muhit energiya oqimidan olinadigan energiyadir. Bu manbani quyosh, shamol, suv resurslaridan hosil bo’lgan energaya, sanoat, qishloq xo‘jalik chiqindilaridan olingan biogas tashkil qiladi. Muqobil “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali I son 2023-yil 114

energiya manbalari birlamchi uglevodorod resurslarini tejash, mamlakat energetika xavfsizligini ta'minlashda katta rol o'ynaydi. Fikrimizcha, yaqin kelajakda har bir mamlakat barqaror rivojlanishida uning energetika tarmog'ida qayta tiklanuvchi energiyaga bog'lansh tendentsiyasi kuchayib boraveradi.

«Yashil iqtisodiyot»ga o'tish jarayoni har bir mamlakat uchun alohida ahamiyat kasb etib, tabiiy boylik, inson kapitali va iqtisodiy o'sih kabilarga bevosita bog'liq holda ro'y beradi. Shu tufayli o'tish jarayoni uchun huquqiy, infratuzilmaviy va boshqa qulay muhit yaratish zarur. Xulosa qilib aytganda, resurslarning cheklanganligi va ekologik muammolarning salbiy oqibatlari sharoitida «Yashil iqtisodiyot»ni shakllantirishga ob'yekтив ehtiyoj paydo bo'lmoqda. «Yashil iqtisodiyot»ga o'tish resurslardan samarali foydalanish, ekologik muvozanatni ta'minlash, yangi ish o'rinalarini yaratish, barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Raghuvanshi S.P. Renewable energy resources for climate change mitigation. Applied ecology and environmental research 6(4): 15-27. – P. 13.
2. Jackson T. Renewable Energy: Prospects for Implementation. Energy Policy for a series on renewable energy appearing between January 1991 to September 1992. – P. 45.
3. Grubb M. Renewable Energy Strategies for Europe. RIIA/Earthscan. London. 2015– P. 12.
4. Гречухина И.А. Экономические механизмы развития возобновляемой энергетики: дис. канд. экон. наук. – Москва, 2016. – 195 с.
5. Седаш Т.Н. Возобновляемые источники энергии: стимулирование инвестиций в России и за рубежом. // Российский внешнеэкономический вестник. Москва, 2015. С. 12.
6. Шодиметов К. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари: амалий қўлланма. – Т.: Ilm ziyo, 2014.
7. Зайнуддинаева Ҳ.К., Ниёзов Ш.К., Аширов Ш., Даминов Р.Ш., Икромхонов Э. Қайта тикланувчан ва муқобил энергиядан фойдаланиш истиқболлари. Халқаро конференциялар – Т.: 2019.
8. Городов Р.В., Губин В.Е., Матвеев А.С. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии: учебное пособие / – 1-е изд. – Томск: изд-во Томского политехнического университета, 2009. – 294 с.

RAQAMLI IQTISODIYOTNING MUAMMO VA ISTIQBOLLARI

Azizova Manzura Ibragimovna

*elektron tijorat va raqamli iqtisodiyot kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
E-mail: azizova-manzura@mail.ru
ORCID: 0000-0002-2259-3965*

Ishanxodjayeva Dilfuza Erkinovna

*elektron tijorat va raqamli iqtisodiyot kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
E-mail :dilfuzashonhodjayeva@gmail.com
ORCID: 0000-0002-2256-3967*

Annotation

Maqola raqamli iqtisodiyot sharoitida innovatsion texnologiyalardan foydalinish hamda turli tizimlarni boshqarish muammolariga bag'ishlangan bolib, unda zamonaviy elektron tijorat va elektron biznesning modellari tadqiq etilgan.

Muallif tomonidan raqamli iqtisodiyotning hamda elektron tijoratning asosiy turlari, shu jumladan, bulutli texnologiyalar, moliyaviy texnologiyalar, buyumlar interneti, sun'iy intellekt, raqamli valyuta, virtual voqe'lik va ularning asosiy xususiyatlari atroflicha o'r ganilgan.

Turli xildagi loyihalarga investitsiyalar jalb qilish uchun ishlatiladigan ICO mexanizmiga oid tushunchalar, mavjud electron platformalar tadqiq etilib, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish va rivojlantirishda texnologik o'zgarishlar, uning global iqtisodiy o'sishga ta'siri tahlil qilingan.

Ka'lit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, innovation texnologiyalar, elektron tijorat, biznes modellari, bulutli texnologiyalar, buyumlar interneti, raqamli valyuta, virtual voqe'lik.

ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Азизова Манзура Ибрагимовна

*доцент кафедры электронной
коммерции и цифровой экономики
Ташкентский финансовый институт
E-mail: azizova-manzura@mail.ru
ORCID: 0000-0002-2259-3965*

Ишанходжаева Дилфузада Эркиновна

доцент кафедры электронной
коммерции и цифровой экономики
Ташкентский финансовый институт
E-mail :dilfuzaiishonhodjayeva@gmail.com
ORCID: 0000-0002-2256-3967

Аннотация

Статья посвящена проблемам использования инновационных технологий и управления различными системами в условиях цифровой экономики, исследуются модели современной электронной коммерции и электронного бизнеса.

Подробно изучены основные виды цифровой экономики и электронной коммерции, в том числе облачные технологии, финансовые технологии, интернет вещей, искусственный интеллект, цифровые валюты, виртуальная реальность и их основные черты.

Проанализированы концепции механизма ICO, используемые для привлечения инвестиций в различные проекты, существующие цифровые платформы, технологические изменения в формировании и развитии цифровой экономики, ее влияние на глобальный экономический рост.

Ключевые слова: цифровая экономика, инновационные технологии, электронная коммерция, бизнес-модели, облачные технологии, цифровая валюта, виртуальная реальность.

PROBLEMS AND PROSPECTS OF THE DIGITAL ECONOMY

Azizova Manzura Ibragimovna

Docent the of Electronic commerce
And digital economy department
Tashkent Institute of Finance
E-mail: azizova-manzura@mail.ru
ORCID: 0000-0002-2259-3965

Ishankhodjayeva Dilfuzadad Erkinovna

Docent the of Electronic commerce
And digital economy department
Tashkent Institute of Finance
E-mail:dilfuzaiishonhodjayeva@gmail.com
ORCID: 0000-0002-2256-3967

Abstract

The article is devoted to the problems of using innovative technologies and managing various systems in the digital economy, the models of modern e-commerce and e-business are studied.

The main types of digital economy and e-commerce are studied in detail, including cloud technologies, financial technologies, the Internet of things, artificial intelligence, digital currencies, virtual reality and their main features.

The concepts of the ICO mechanism used to attract investments in various projects, existing digital platforms, technological changes in the formation and development of the digital economy, its impact on global economic growth are analyzed.

Keywords: digital economy, innovative technologies, e-commerce, business models, cloud technologies, digital currency, virtual reality.

Kirish

Raqamli iqtisodiyot – xo’jalik yuritishning zamonaviy shakli bo’lib, unda ishlab chiqarish va boshqarishning asosiy omili sifatida raqamli ko’rinishdagi katta ma’lumotlar majmui va ularni qayta ishlash jarayoni hisoblanadi. Raqamlashtirish an’anaviy ho’jalik yuritish shakllriga nisbatan ancha katta samaradorlikka erishishga imkon beradi. Misol sifatida turli xildagi avtomatik ishlab chiqarish jarayonlarini, 3D-teknologiyasini, bulutli texnologiyalarni, masofaviy meditsina xizmatlari ko’rsatishni, aqlii texnologiyalar yordamida maxsulot yetishtirishni va uni yetkazib berishni, turli xildagi tovarlarni saqlash va ularni sotish jarayonlarini keltirish mumkin.

Raqamlashtirish jahon iqtisodiyotining o’sishiga olib keladi, masalan, nufuzli McKinsey Global Institute konsalting kompaniyasining hisob-kitoblariga ko’ra, eng yangi raqamli texnologiyalardan foydalanish 2025 yilga borib yalpi ichki mahsulot o’sishiga olib keladi. Pul oqimining aylanishi 3-6 trln dollarni tashkil etadi.

Ayni paytda aksariyat yirik kompaniyalar raqamlashtirish texnologiyalariga ega. Raqamlashtirish iqtisodiyotni rivojlantirishda, iste’molchilar, davlat, umuman, jamiyat uchun katta imkoniyatlar ochib beradi. Raqamli iqtisodiyotni qo’llab-quvvatlash bo’yicha dunyoning yetakchi davlatlari salmoqli tashabbuslar bilan chiqmoqda.

Adabiyotlar sharhi

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog’liq bir qancha samarador texnologiyalar, shu jumladan, elektron tijorat va elektron biznes hayotimizga

shiddat bilan kirib kelmoqda. Huddi shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida, respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Masalan, O’zbekiston Respublikasi Prezidenti 2020 yil 25 yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida mamlakatda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha o'z fikrlarini aytib o'tdi[1].

Undan tashqari, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldaggi PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi [2] Farmonini ijro etish borasida, shuningdek, respublikamizda raqamli iqtisodiyotni davlat boshqaruva tizimiga tadbiq qilish uchun zamonaviy axborot texnologiyalarni jadal rivojlantirish bo'yicha sharoitlar yaratish, axborot havfsizligini ta'minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasi 2018 yil 31 avgustda “O’zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab beradigan Qaror qabul qildi, hamda O’zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3832 03.07.2018 dagi “O’zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlari to'g'risida”gi [3] Qarorlarini ham shu tadbirlar jumlasiga kiritish mumkin.

Ushbu qarorlarda O’zbekistonda raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish bo'yicha eng muhim vazifalar, xususan, raqamli iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uchun innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va ishlanmalarni joriy etish sohasida davlat organlari va tadbirkorlik sub'ektlarining yaqin hamkorligini ta'minlash ustuvor yo'nalashlar deb belgilangan.

Bu masala bo'yicha o'zbek va xorijiy iqtisodchilar o'z ishlarida jiddiy fikrlar bildirib o'tganlar. Akademik S.S. Gulyamov va hammualliflar o'zlarining ilmiy risolasida “Raqamli iqtisodiyotga o'tish deganda komp'uyterlar va bilimlarga asoslangan holda jamiyat va iqtisodiyotning yangi turini barpo etishni tushunamiz”, degan fikrni bildirib o'tadi [4]. Olimlar raqamli iqtisodiyotga o'tish jarayonining asosiy tarkibiy qismlari sifatida ma'lumotlar bilan ishlashni amalga oshirib beradigan mobil ijtimoiy tarmoqlar, bulutli texnologiyalar, sensor tarmoqlar, buyumlar interneti hamda sun'iy intellekt texnologiyalarni ko'rsatib, tushunchalar berib o'tgan.

Xorij iqtisodchi olim L.V.Lapidus “Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией” kitobida “Raqamli iqtisodiyot bu keljak iqtisodiyot taraqqiyotidir, u insoniyatga cheksiz imkoniyat va qulayliklar yaratadi” [5], degan o'z fikrini bildirgan. Yana bir qatorxorijiy iqtisodchi-olimlar agar “... keljakda davlatlar rivojlanishdan ortga qolishni xoxlamasa, raqamli iqtisodiyot, ya'ni o'zgarishlar sari intilishi zarur”, degan fikr

bildirgan [6]. Bundan ko’rinib turibdiki, raqamli iqtisodiyotni barcha sohada qo’llamas ekanmiz, davlatimiz rivojlanishdan ortda qolishi mumkin. Lekin bizning davlatimiz raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha O'rta Osiyo davlatlari ichida yetakchi o'rnlarda bormoqda, desak xato bo'lmaydi.

Tahlil va natijalar

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi, zamonaviy texnologiyalarning hayotga tadbiq qilinishi har bir inson hayotida ko'plab ijobjiy imkoniyatlar berishi mumkin. Raqamli texnologiyalar rivojlanishi ortidan inson kerakli xizmatdan tezroq foydalanishi, internet orqali o'ziga kerakli mahsulotlarni arzon sotib olish bilan ko'plab pul mablag'larini tejashi mumkin.

Masalan, biror bir kitobning elektron ko'rinishda sotib olish sizga, shu kitobni chop qilingan ko'rinishini sotib olishdan ancha arzonga tushishi mumkin yoki bo'lmasa, oddiy iste'molchi o'zi ham tadbirkor bo'lishi, uyidan chiqmagan holda onlayn savdo-sotiq bilan shug'ullanishi mumkin.

Raqamli iqtisodiyot quyidagilarda, yani yangi kadrlar va yangi ish joylari hosil bo'lishida, yangi korporativ madaniyat barpo etilishida, katta ma'lumotlar bazalari bilan ishlashda, sun'iy intellekt va intellektual boshqaruv tizimlarining hosil bo'lishida, ta'lim, ishlab chiqarish va boshqaruvdag'i virtualizatsiya jarayonlari amalga oshishida, buyumlar internetining keng miqyosda qo'llanilishida, mayning jarayoni hamda mustaqil biznez yuritish imkoniyatining yuzaga chiqishida, yangi pul-kredit tizimi va banklar faoliyatining kengayishida, elektron tijorat va elektron biznesning rivojlanishida va boshqa holatlarda namoyon bo'ladi.

Axborot texnologiyalari raqamli iqtisodiyot rivojlanishi uchun bir qancha yangi tamoyil va yunalishlarni belgilab berdi. Bu soha mamlakatimizda ulkan salohiyatga ega bo'lib, unda axborot ustuvor tovar hisoblanadi va bu resurs umuman chegaralanmagan, tarmoq bozori ulkan va demokratik va, asosiysi, unda tarmoqlar chegaralari oson «yuvilib» ketadi, loyiha yoki kompaniya muvaffaqiyatlari xodimlar soni va moliyaviy aktivlar hajmiga bog'liq emas, raqobat kurashi shartlari o'zgaradi, chunki raqamli jamiyat muhitida tezkor intellektual yechimlar har qanday kuchli jismoniy bazadan ham ustun keladi.

Raqamli texnologiyalar o'z rivojida bir necha bosqichlarni bosib o'tdi.

Birinchi bosqichda jarayonlarni kompyuterlashtirish va avtomatlashtirish, shuningdek, telekommunikatsiya – simli va simsiz, optik tola orqali ma'lumotlar uzatish yuzaga keldi. Ikkinci bosqichda raqamli platformalar (qidiruv tizimlari, elektron savdo maydonlari, masofaviy ta'lim, ijtimoiy tarmoqlar), bulutli va virtual texnologiyalar kirib keldi. Uchinchi bosqichda katta ma'lumotlarning prediktiv

analitikasi, buyumlar interneti, robototexnika, additiv texnologiyalar (shu jumladan, 3D-printerlar), sun’iy intellekt joriy etildi.

Raqamli iqtisodiyotning asosiy tamolillari sifatida vositachilarsiz global resurslardan foydalana olish, turli xildagi resurslarni ijara berish, ko’ngillilik (volonterlik) modelini ishlata olish (open source model), global ekosistema orqali savdo qila olish imkoniyatlrini ajratib ko’rsatish mumkin.

Servis biznesi qaysi bir ma’noda «default» (shartlarsiz tan olingan) maqomidagi raqamli biznesga aylanmoqda. Bir tomondan, hech bir kompaniya foto biznesida bir paytlar plenkadan «raqam»ga sakrab o’tish vaqtini sezib-sezmay o’tkazib yuborgan “Kodak” qismatini takrorlashni istamaydi. Boshqa tomondan, Amazon, Uber va boshqa kompaniyalar raqamli inqilobdan qanday qilib foydalanish hamda biznes yuritishning tamomila yangicha sxemalarini o’ylab topish va amalga oshirish mumkinligini ko’rsatdilar. Internetni dastlab onlayn-vitrina, keyinroq esa onlayn-magazin rolida oflaysn-biznesga qo’shimcha sifatida ko’rib chiqilgan vaqtlar o’tib ketdi. Hayot sahnasiga yangi avlodlar – internet tarmog’ida “yashaydigan” yoshlar chiqib kelishi biznesning onlayn («raqamli») bo’lishga olib keldi. Insoniyat global o’zgarishlar davriga qadam qo’ydi. Yaqin vaqtarda inson hayot faoliyatining asosiy sohalari – iqtisodiyot va boshqaruv, fan va havfsizlik bo’lgan bo’lsa, endi yangicha shakl va mazmunga ega bo’la boshladi. Insoniyat o’zgacha bo’lib qoldi, bu esa ijtimoiy munosabatlarning o’zgarishiga olib kelayapti. Raqamli texnologiyalarning hayotimizga kirib borishni davom ettirishi – kelajak dunyosiga xos bo’lgan xususiyatlardan biridir. Bu mikroelektronika, axborot texnologiyalari va telekommunikatsiyalar sohalaridagi taraqqiyot bilan izohlanadi.

Shunday qilib, raqamlashtirish – ob’ektiv, muqarrar jarayon bo’lib, uni to’xtatishning iloji yo’qdir.

Ma’lumotli, mehnatga layoqatli aholining yuqori turmush tarziga o’rganib qolgan sezilarli qismi raqamli sharoitga moslasha olmasa “yo’l chetiga chiqib qolishi” mumkin. Raqamli dunyo shu qadar tezkorlik bilan shakllanib bormoqdaki, yuqori malakaga ega bo’lgan kadrlar tayyorlash jarayonini tezlashtirilgandagina yuzaga kelgan taqchilligining oldini olishi mumkin bo’ladi. Shu sababli hozircha kim o’zgarishlarga tayyor bo’lsa, muvaffaqiyatga erishadi, buning uchun hali yetarlicha imkoniyatlar mavjud.

Uzoq istiqbolda raqamli (elektron) iqtisodiyot odamlarning erkin xayot haqidagi ko’p asrlik orzularini ro’yobga chiqirishga qodir bo’lgan vositaga aylanishi mumkin. Ko’pchilik insonlarga ijod, fan (ham fundamental va amaliy) va san’at bilan shug’ullanish uchun keng imkoniyatlar ochiladi. Raqamli inqilob qaysidir tarmoqlar va mamlakatlarga ilgariroq va kuchliroq, boshqalarga esa

kechroq va kamroq ta’sir qilib kirib keladi. Servis hizmatlari, media va ko’ngilocharliklar birinchi bo’lib, ulardan keyin esa telekommunikatsiya kompaniyalari va banklar raqamlashtirishga o’tishi kerak bo’ladi. Lekin tahlilchilarning umumiy fikrlari va kompaniyalar menejerlari orasida o’tkazilgan so’rov natijalariga asosan, raqamlashtirish u yoki bu darajada hammamizga ham daxldordir.

IP-kamera yoki tarmoqqa ulangan boshqa har qanday uzatgich, shubhasizki, real va virtual olam hodisalirining mohiyati sanaladi. Mobil telefon bugungi kunda ko’plab telefon raqamlarini, tug‘ilgan kun haqidagi ma’lumotlarni, fotosuratlarni, parollarni va boshqa ma’lumotlarni saqlaydi. Biz hatto telefon bilan jismonan bog‘lanmagan bo’lsak-da, funksional jihatdan o’zimizni u bilan bir butun deb his qilamiz. Real va virtual dunyolarning birlashib ketish jarayoni boshlangan va uni to’xtatishning imkonni yo’q deb aytish uchun alohida bir jarayon shart emas.

Real va virtual dunyolarning birlashuvi natijasida yangi gibriddunyo hosil qilinib, unda biz uchun hozirgi kunda odatiy bo’lgan qonun va qoidalardan farq qiladigan boshqacha qonun-qoidalalar amal qiladi. Shu nuqtai-nazardan aytish joizki, umumiy iqtisodiyotdan alohida “raqamli” iqtisodiyot mavjud emas:

Raqamli (elektron) iqtisodiyot gibriddunyo sharoitlarida mavjud bo’lgan iqtisodiyotdir.

Gibriddunyo bu – real dunyoda virtual dunyo orqali barcha “hayotiy ahamiyatga ega” harakatlarni amalga oshirish imkoniyati bilan ajralib turadigan real va virtual dunyolar birlashuvi natijasidir. Bu jarayon uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) qiymatining pastligi, yuqori samaradorligi va raqamli infratuzilma ochiqligi zarur shartlar hisoblanadi.

